

63.317)
2-67

ФАХРИДДИН ЁРМАТОВ

ЕВРОПА ВА АМЕРИКА
МАМЛАКАТЛАРИ ЯНГИ
ТАРИХИ

„63.3(7)
E-67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

**ЖАҲОН ТАРИХИ ВА
МАНБАШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

Т.Ф.Н.Ф.ЁРМАТОВ

**ЕВРОПА ВА АМЕРИКА
МАМЛАКАТЛАРИ ЯНГИ ТАРИХИ**

ФАНИДАН

ЎҚУВ МЕТОДИК МАЖМУА

ТЕРМИЗ 2013

TerDU ARM

№ 394365

т.ф.н.Ф.Ёрматов. Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи фанидан ўқув-услубий қўлланма. Термиз 2013 йил 120-бет.

Мазкур фан 3-блок уманитар фанлар блокига кирган бўлиб, барча бакалаврият таълим йўналишларида тахсил олаётган 3-курс талабалари учун мўлжалланган. Ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда курс бўйича маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган. Мазкур ўқув-услубий мажмуа ўқитувчилар ва талабалар учун тавсия этилади.

Масъул муҳаррир: т.ф.н.доц. в.б Ф.Ёрматов.
Тақризчилар: т.ф.д.проф. С.Турсунов.
т.ф.н.проф. Б.Тилолов.

Учебно-методическое пособие по предмету Новая история стран Европы и Америки 2013 г 120-с.

Данный предмет входит в 3-блок гуманитарных предметов и рассчитан на студентов 3-курса обучающихся по всем направлениям бакалавриата. Учебно-методический сборник составлен на основе действующей программы и включает в себя тексты лекций, разработку семинарских занятий, задания по самостоятельной работе студентов, список рекомендуемой литературы. Данный учебно-методический сборник предназначен для преподавателей и студентов.

Ответственный редактор: к.и.н.и/о.доц.Ф.Ёрматов.
Рецензенты: Д.и.н., проф. С.Турсунов.
к.и.н., проф. Б.Тилолов.

Ушбу ўқув-методик мажмуа Тарих факультети Жаҳон тарихи ва манбашунослик кафедрасининг 2013 йил 26 августдаги йиғилишида тасдиқланган БАЁННОМА № 1

СЎЗ БОШИ

Бакалавр “Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи” курси бўйича:

Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи инсоният тарихининг ажралмас қисми эканлиги, унинг асосий даврлари ва тараққиётининг тадрижий босқичлари тўғрисида, уларнинг узвий боғлиқлиги ва давомийлиги, тарихий воқеаларнинг ворисийлиги ва қонунийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

- XVIII аср биринчи ярмида Англиянинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши;

- Шимолий Америкада Англия мустамлакаларининг ташкил топиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши;

- Францияда “Бюрократик” монархия ва унинг қулаши;

- АҚШ ривожланишининг асосий хусусиятлари икки партиячилик системасининг вужудга келиши;

- Европа давлатларининг 1775-1870 йилларда мустамлакалар масаласидаги рақобатлари;

- XVIII аср ва XIX аср бошларида қарама-қаршилик ва халқаро муносабатларни либераллаштиришнинг бошланиши;

- XX аср бошларида мамлакатнинг сиёсий ривожланиши ва молия олигархияси;

- Доминионлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи;

- АҚШ индустриал жамият ва прогрессив эра сари;

- Болқон урушлари даврида икки блок рақобати.

Пацифистик ҳаракат.

Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи фанида кечган жараёнларга нисбатан ўз нуқтаи назарига асосан хулоса чиқара олиши ва ўз фаолияти, соҳасининг жамият тарихидаги ўрнини белгилаш кўникмасига эга бўлиши лозим. Ёш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом ғурурни уйғотишда, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда тарихий тафаккурнинг аҳамияти катта.

Курснинг мақсади: “Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи” фанининг мазкур дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида келиб чиқиб, давлат стандартлари бўйича бакалаврият даражасидаги малакали мутахассислар тайёрлашни, Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихини ўрганишдан

мақсад, Жаҳон тарихининг 1640-1918 йиллардаги даври ўзининг ўта муҳимлиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Ушбу даврда рўй берган тарихий жараёнлар инсониятнинг кейинги асрдаги тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Янги тарих давридаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари ушбу дастурда тақдим этилган. Европа ва Америка мамлакатлари XVII аср иккинчи ярми-ХІХ асрда (1640-1871 йй.) Янги даврга ўтишнинг иқтисодий мазмуни. "Дастлабки капитални йиғиш" жараёнининг хусусиятлари. Буржуа инқилоблари, уларнинг хусусиятлари ва натижалари. Европа ва Америка мамлакатларининг мафкураси ва маданияти. Маърифат, унинг мазмуни ва ижтимоий-сиёсий йўналишининг истиқболлари тўғрисида билимлар беришни мақсад қилиб қўяди. "Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи"ни ўрганиш шунинг учун керакки, у сохта тарихий тушунча ва тарихий хотирасизликка барҳам беради, миллий ғоя ва мафкура такомиллашувини тезлаштиради.

"Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи" фани 3-гуманитар фанлар блокига кириб, барча бакалаврият таълим йўналишларида Европа ва Америка мамлакатлари янги тарихи илмий жиҳатдан асосланган ҳолда манбаларга таяниб ўрганилади.

Курснинг вазифалари: Юқорида таъкидланган мақсаддан келиб чиқиб, фанни ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- талабаларни келажакда воқеа-ҳодисаларни олдиндан кура билишга кўмаклашиш;
 - етук мутахассислар бўлиб етишишларида ёрдамлашиш;
 - ўзи яшаётган ва атрофдаги ҳудудлар тарихини билишга кизиштириш;
 - бўлажак мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний тарихий, ғоявий-сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш, шу мақсадда археология илмини кенг ўргатиш;
 - ёшларда миллий тафаккур, ғурур ва ўзликни, миллий виждон ва умуминсоний баркамолликни тарбиялаш;
 - ёшларга миллий ва тарихий қадриятларни эъзозлаш, асраб-авайлаш руҳини сингдириш, уларда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш;
 - ёшларни Ватан ва халқ, миллат, фарзанд, ота-она, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларини чуқур ҳис этиш ва уларга садоқат руҳида тарбиялаш.
- Фанни ўрганишда тарихий манба ва адабиётлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари, статистик маълумотлардан, шунингдек, мушоҳада, таҳлил, кузатиш усулларида кенг фойдаланилади.

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

1. МАВЗУ: БУЮК БРИТАНИЯ ИНҚИЛОБИ ВА ПАРЛАМЕНТ МОНАРХИЯСИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Асосий саволлар:

1. Абсолютизм кризиси ва ижтимоий ўзгаришлар.
2. Инқилобнинг бошланиши ва фуқаролар уруши.
3. Левиллерлар ва республиканинг ўрнатилиши.
4. Республика ва протекторат.
5. Иккинчи республика ва стюартлар реставрацияси.
6. XVIII аср биринчи ярмида Англиянинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Англияда XVII аср Фрталарида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар. Мамлакатда инқилобнинг (1640-1660 йй) бошланиши сабаблари ва фуқаролар уруши. Англияда республика тузумининг ўрнатилиши ва протекторат Мамлакатда стюартлар реставрацияси.

XVII аср биринчи ярмида Англияда сиёсий, ижтимоий- иқтисодий ривожланиш.

Англия тарихида 1640-1660 йилларда бўлиб ўтган инглиз инқилоби муҳим воқеа ҳисобланади. Биз инқилоб деб атаётган бу воқеани турли давр тарихчилари турлича атаганлар ва баҳолаганлар. Масалан граф Кларендон 1640-1660 йиллар воқеалари иштирокчиси сифатида бу тўғрида кўп томли асарлар ёзган ва воқеаларни "улуғ исён" деб атаган бўлса, XIX аср тарихчилари Т.Маколем, С.Гардинер, Ч.Ферслар уни "прутан инқилоби" деб атаганлар ва воқеаларга сабаб биринчи конституцион келишмовчиликларни қўйганлар.

XVII аср Англия тарихига бағишлаб кўплаб асарлар ёзган йирик инглиз тарихчиси Кр.Хилл инглиз жамиятида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, диний, ғоявий ва маданий ўзгаришларга сабаб бўлган "аср инқилоби" деб ҳисоблайди. Аслида ҳам бу инқилоб Англиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

XVII аср бошларида Англия аграр мамлакат бўлиб, аҳолининг кўпчилиги 4,5 млн. киши қишлоқда яшар эди. Асосий йирик шаҳар Лондон бўлиб, у ерда 1660 йилда 460 минг киши яшаган. Аммо мамлакатда сезиларли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди.

Ер “пулдор кишилар” (“денежних людей”)-жентри ва мануфактурачилар кўлида тўпланиб борди. Қишлоқлардаги ерларни йирик капиталистга арендага бериш бошланди, фермерлар табақаланиши кучайди. Янгиликка интилаётган бу табақа вакиллари, қиролдан ва мавжуд тузумдан катта-катта фойда олиб келаётган қатлам билан тўқнаш келди.

Саноатда кўргошин, мис, туз, темир ишлаб чиқариш ўсиб, металлургия саноатига асос солинди. Мануфактураларда ойнасозлик, шакар, ипак, газлама ишлаб чиқариш кучайди. Савдо билан шуғулланувчилар кўпайиб мустақкамланиб борди. Савдогарлар, саноатчилар ва дворянлар унвонларини сотиб олдилар. Натижада шаҳар буржуазия билан янги ер олувчилар жентри ўртасида мустақкам иттифоқ қарор топди. Ана шулар стюартлар режими оппозициячилари бўлиб бордилар. Уларнинг норозиликлари Яков I (1603-1625 йил) ва унинг ўкли Карл I (1625-1649 йил) даврида янада кучайди. Яков I ва Карл I лар буржуазиясининг эркин савдосига тўсиқ бўлиш билан бирга Англия денгиз савдога ғов бўлаётган католик Испания ва Францияга қарши курашмади. Тадбиркорлар ва янги дворянлар мавжуд абсолют тузумни қўллаб-қувватлаб келаётган англиз черкови ва унинг расм русмларига қарши чиқдилар. Улар лорд ҳам оддий фуқаро ҳам диний эътиқодда тенгдир деб чиқдилар. Шу сабабли улар прутанлар деб атала бошланди.

Прутанларнинг ғоявий оталари Кальвин ва шотландиялик диндор Жон Нокс эдилар. Прутанлар маросимлар, иконалар, скульптуралар, орган мусиқаси ва бошқаларни инкор қилдилар. Буни улар тежамкорликка зид деб ҳисобладилар. Инсонни реал моддий ва ижтимоий масалалар билан шуғулланиши лозим деб кўрсатдилар. Дин ҳам шунга хизмат қилиши лозим.

Прутанларнинг XVI асрнинг 30 йилларида англиз тилига гуманист Тиндел томонидан таржима қилинган Библиядан ғояларни олдилар. Прутанлар оилада дўстликни, болалар тарбиясини, босиқлигини, ўзини ўзи бошқаришни тарғиб қилдилар. Шу сабабдан уларнинг ғоялари омма олдида кенг тарқалди. Оила улардан илҳомланиб, англиз черковининг қотиб қолган ғояларига қирол абсолютизми, феодал тузумига нисбатан нафратлана бошладилар. Прутанлар епархияли епископ қурилишига қарши эдилар. Ҳар бир диний жамоага пресвитер (оқсоқол), “яхши кишилар орасидан тайинланган кишилар бошчилик қилар эди. Уларнинг сиёсати танқид қилинди. Прутанларни ҳам танқид

қилувчи гуруҳ пайдо бўлди. Улар индепендентлар деб (мустақил) аталди. Улар дин давлат ишига аралашмасин, диний эркинликка тўсиқ бўлмасин деб чиқдилар. Уларнинг ғоялари ўрта жентри, кичик устахоналар, мануфактура-чилар орасида кенг ёйилди.

Қирол сиёсатидан норози бўлган оппозициячи парламентлар 1620 йилда “хуқуқ тўғрисида питеция”лар қабул қилиб қиролга голширдилар. Хужжатда хусусий мулкнинг дахлсизлигини парламент розилигисиз янги ёрлиқлар юборилмаслигини, парламентнинг эркин фаолият кўрсатишини талаб қилган эди. Бунга жавобан Карл I парламентни тарқатиб юборди ва ўн йил мобайнида давлатни танҳо бошқарди. Қирол хазинасини тўлдириш учун турли солиқларни кўпайтирди. Қирол ўз фавороти граф Страффорд ёрдамида Ирландияни талаган бўлса, археепископ Лорд абсолютизмни қўллаб-қувватлаб англиз черкови ёрдамида эркин ғоя устидан зулмни кучайтирди. 1639 йилда Шотландия билан уруш келиб чиқди. Шотландияликлар чегарадан ўтиб бир нечта қалъаларни эгалладилар. Карл I парламентни чақиритишга мажбур бўлди. Парламент икки ҳафта яъни 1640 йил 13 апрелдан 5 майгача фаолият кўрсатди. Чунки парламент қиролнинг янги солиқлар йиғиш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватламади. Парламент тарқатиб юборилди ва у қисқа парламент номини олди. Маблағ масаласи қийин бўлиб қолгач, қирол яна парламентни чақиритишга мажбур бўлди ва у 1640 йил 3 ноябрда чақирилди ҳамда Узоқ парламент номини олди. Парламентнинг чақирилиши инқилобнинг бошланиши бўлди деб ҳисоблаш мумкин. Буржуа-дворянлар оппозициясининг иқтисодий сиёсий талаблари қуйидаги икки хужжатда ўз аксини топди. 1640 йил декабрда қабул қилинган “Илдиз ва новдалар тўғрисида питеция” ҳамда 1641 йил декабрда қабул қилинган “Улуғ ремонстрация” хужжатларида епископликни монополия ва патентларни бекор қилиш, шахс эркинлигини, фуқаролар шахсий муқаддаслиги талаб қилинган эди. Парламент бу масалада аниқ қарорлар қабул қилди. Жумладан 1641 йил июлда юлдузлар палатаси суди, улуғ комиссиялар бекор қилинди. Булар қирол ва епископликнинг органлари эди. 1641 йил 7 августда “кема пули” феодал солиғи ҳам бекор қилинди. Оппозиция етакчилари қамоқдан озод қилинди.

Ирландияда оппозицияга қарши ҳужум қилишга тайёр турган армия тузган Страффорд 1641 йил майда парламент талаби билан суд қилинди ва ўлимга ҳукм қилинди. Ҳукм ижро этилди, сал ўтгач Лорд ҳам қатл қилинди.

1641 йил кузида жабр зулмга дучор қилинган Ирландияда қузғолон бошланди. 1642 йил январда қирол парламентнинг бешта етакчиларини қамоққа олмоқчи бўлди, ammo оломон йўл қўймади. Қирол ғалаёнчиларни тутиб беришни парламентдан талаб қилди, ammo рад этилди. Оломон кўчаларни тўлдириб ғалаён кўтара бошлади. Қирол 1642 йил январда шимолга қочиб кетди ва августда парламентга қарши уруш эълон қилди. Парламент армияси ёмон қуролланган ва харбий таълим кўрмаган кишилардан ташкил топганлиги учун урушнинг дастлабки даврларида қирол армиясидан енгилла бошлади. Армия бошлиқлари қатъиятлик билан ҳаракат қилмадилар. 1643 йил 25 сентябрда парламент Шотландия билан шартнома тузди ва шотланд армияси билан парламент армияси қирол армиясига Марстон-Мурда 1644 йил 2 июнда биринчи зарбани бердилар. Ammo парламент ва армия лидерлари бу ғалабадан фойдаланмадилар. Улар қирол билан келишиш йўлларини изладилар. Бундан фойдаланган Карл 1 армияси Лондонга етиб келди.

Парламент армиясини унча бой бўлмаган жентрилар, дехқонлар, ҳунармандлардан иборат тарзда индипендентлар лидери камбағаллашган дворян парламент депутати Оливер Кромвель тузди. У ўз маблағи ҳисобига шахсий пуллари билан армия сонини 6 минг отлик, бир минг драгун ҳамда 14,5 минг пиёдага етказди ва қаттиқ тартиб ва интизом ўрнатди. Бу ўз самарасини берди. 1645 йил 14 июнда Нейзби ёнидаги жангда қирол армиясига охирги ҳал қилувчи зарба берилди. Карл 1 шимолга қочди ва шотландияликларга асир тушди.

Парламент 1646 йил 24 февралдаги қарори билан қирол ҳуқуқлари ва феодал муносабатларни бир мунча юмшатди яъни дворянларга, жентриларга кўплаб ерлар бўлиб берилди. Улар энди урушни тўхтатиш, ўз мавқеини сақлаб қолиш учун Карл 1 ни шотландлардан олиб уни Холмби қалъасида қамоқда сақлаб, музокаралар олиб борди. Демократик кучлар уруш улар кутган ижтимоий ва сиёсий реформаларни амалга оширмаганлигини тушуниб ета бошладилар.

3. Ўрта ҳол дехқонлар ва шаҳар камбағалларидан ташкил топган армия сўл инқилобий кучларнинг ядросини ташкил қила бошлади. 1646-1647 йилларда левеллерлар сиёсий партияси вужудга келди. Левелларнинг лидерлари Ж. Лилбери У Уолвин, Р Овертонлар 1645 ва 1646 йилларда демократик талаблар комфлетлар билан чиқдилар. 1646 йил 7 июлда қабул қилинган "кўп минг кишилик

шаҳарликлар ремонтацияси” да демократик ўзгаришларни амалга ошириш: корол ҳокимияти ва лордлар жамиятини тугатиш, ҳокимиятни сайловчилар олдида жавоб берадиган қуйи палатасига топшириш, мансабдор шахсларни алмаштириш ва жавобгарлигини ошириш, виждон эркинлиги, сўз матбуот эркинлиги, хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва бошқа талаблар қўйилди. Бу левеллерларнинг реформацион программаси эди. 1647 йилда инқилоб Янги демократик паллага кўтарилди. Инқилобий ташаббус халқ қўлига ўтиб борди. Англияда давлат ва сиёсий тузумнинг қандай бўлиш масаласи 1647 йил 28 октябрда Петнида (Лондон яқинида) бўлган. Армия кенгаши йиғилишида муҳокама қилинди. Унда индипендентлар лидерлари конституцион монархия тузилиши оқлаган бўлсалар, левеллерлар Англияда республика тузумини ўрнатишни талаб қилиб чиқдилар. Масалани ҳал қилиш қийин бўлиб қолди ва кромвель армия кенгашини тарқатиб юборди. Бу йиғилишида индипендентлар ғалабаси вазиятни янада кескинлаштирди. 1648 йил баҳорида иккинчи граждандар уруши бошланди, аммо у узок давом этмади. 1648 йил сентябрда асосан уруш ҳаракатлари тўхтади. Левеллерлар сентябр ойидаги нитенциясида Яна демократик талаблар билан чиқдилар. 1648 йил 2 декабрда армия Лондонни эгаллади. 6 декабрда полковник Прайд корол билан компромиссга интилаётган пресвитериан депутатларни қуйи палатаси йиғилишига киритилади.

Айни вақтда Адолат Олий суди ташкил этилди ва унга Карл Стюартнинг ватан олдидаги қилмишларини ўрганиш топширилди. 1649 йил 9 январда қуйи палата ҳокимият манбаи халқ ҳокимият эса қуйи палата эканлигини эълон қилди. Бу факт Англияда республика тузуми ўрнатилганлигини билдирар эди. Олий суд 1649 йил январ ойи мобайнида Вестминистерда йиғилиш ўтказиб Карл 1 ни ўлимга ҳукм қилди. Ҳукм 1649 йил 30 январда имзо этилди. Англия 1649 йил 19 майда Республика деб эълон қилинди.

4. Янги республика тузумининг сиёсатини либераллар қаттиқ танқид қилдилар. Либери 1649 йилнинг дастлабки ойларида иккита панфлет билан чиқиб, улар парламент қуйи халқ оммасига ҳеч нарса бермаганлигини танқид қилди. Левеллерлар ҳақ эдилар. Давлат Кромвель раҳбарлигидаги армиянинг юқори мансабдорлари ва бир неча табақа ҳуқуқшунослар ёрдамида бошқарилар эди. Ишсизлар сони, очлик, ҳунармандчилик ва савдода турғунлик, уч йиллик ҳосилсизлик омманинг мадорини қуритди. Гўшт, туз, мато ва қўмир нархи ошиб борди. 1649 йил баҳорида

янги "чин левеллерлар" ёки диггерлар (қазувчилар) ҳаракати бошланди. Камбағал халқ оммаси вакиллари деҳқонлар, ишсизлар, ғов тутиш қурбонлари ва бошқалар ҳаммининг мулкый тенглигини, ерларни умумлаштириш ва барча ишлаш зулмини тугатишни талаб қила бошладилар. Диггерларнинг раҳбари Локканер савдогарининг ўғли Жирорд Уинстэнли эди.

1649 йил баҳорида у Серри графлигида бир неча ўн камбағалларни йиғиб ишловсиз ерларга ишлов бериб экин эқдилар. Бундан бошқалар ҳам ўрناق олиб бутун қишлоқ хўжалиги ривожланиб кетади деб ҳисобладилар. Уларнинг ҳаракатига ҳукумат қарши чиқди, қувғин қилди ва 1650 йил баҳорида уларнинг ҳаракати бостирилди. Инглиз инқилоби олдида буржуазия ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифаси турар эди. Ирландия ва Шотландиядаги роялистлар исёнларини бостириш учун Кромвель 1649 йил июлида Ирландияга юриш қилиб, ирланд халқини қонга ботирди. Ирландиядан тортиб олинган ерларни армия бошлиқларига инъом қилди. Улар ерларни савдогарларга сотдилар. Ер эгалари бойиб борди ва инқилобга қарши кучга айланиб борди. Ирландияни талаш, халқ армиясининг босқинчи армияга айланишига олиб келди. Ҳали роялистлар қаршилиги тўлиқ бостирилмаган эди. Улар Карл I ўзини Шотландияда уч давлат қироли деб (Шотландия, Ирландия, Англия) эълон қилдилар.

1650 йил 3 сентябрда Денбиреда Шотланд армиясини Кромвель енгди. Бир йилдан сўнг Вустере ёнида бўлган жангда уларга охириги зарба берилди ва Кромвельнинг обрўси мисли кўрилмаган даражада кўтарилди. Англия республикасини Испания, Германия, Швеция, Франция расман тан олдилар.

Мамлакатнинг ички ҳолати яхши эмас эди. Ҳамма ерда очлик, ишсизлик қонунсизлик ҳукм сурар эди. Бу халқ оммаси ва армия офицерлари орасида норозилик ҳаракатларини келтириб чиқарди. Кромвель ҳокимиятни сақлаб қолиш учун кескин чоралар кўришга мажбур бўлди. Кромвель 1653 йил 20 апрелда парламентни тарқатиб юборди ва янги ҳокимият органини тузди. Кичик ёки Бурбон парламенти ўз йиғилишини 1653 йил 4 июлда очди. Парламент феодализм даврида қолган канцлярия судини бекор қилди. "Никоҳ ишларини черковдан граждан ҳокимиятига олиб берди. Аҳоли даромади асосида солиқ солиш масаласи муҳокамага кўйилди, ғов тутишдан жабр кўрган қишлоқларга компенсация беришга қарор қилди. Офицерлар тазийиқидан кичик парламент ўзини-ўзи тарқатиб юборди. 1653 йил декабрда Англияда Янги конституция қабул

қилинди. Конституцияга мувофиқ Кромвель умрбод Англия, Шотландия ва Ирландиянинг лорд-протекторати бўлди. У парламент билан бирга давлатни бошқарди. 200 фунт стерлинг пули бор ёки ер мулки бор кишилар сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Парламентга катта ҳуқуқ берилди: У юқори лавозим эгаларини танлаш, қуроли кучлар бошлиғи, халқаро муносабат-ларда етакчи эди. Уни розилигисиз қонун ва солиқлар ўзгарилмас эди. Хулоса қилиб айтганда Кромвелнинг мамлакатда ҳарбий диктатураси ўрнатилди. Кромвель протекторати Бурбон парламентининг барча қарорларини бекор қилди.

1651 йилда Голландия билан бошланган уруш инглизлар фойдасига тўхтатилди. Швеция, Дания, Португалия билан савдо шартномалари тузилди. Кромвелнинг тозалаш ўтказиши кутган натижани бермади. Парламент оппозицияси кучайди. Улар йиллик пул қарзини 40 шиллингга тушириш, солиқлар парламент розилиғи билан белгиланиш, умумпалата ҳуқуқини кенгайтириш, армия сонини қисқартириш, милиция устидан парламент назорат ўрнатиш, протекторат ҳуқуқини камайтириш “тўлиқ ва эркин” парламент тузишни талаб қилди. Кромвель парламентни тарқатиб юборди ва ўзи танҳо давлатни бошқаришга ўтди.

Халқ бу сиёсатга, солиқларга қарши чиқдилар. Кромвель мамлакатни ўн бир округга бўлди, ҳар округга барча ҳуқуқлар тўлиқ берилган майор-генералларга берилди. Мамлакатда ўч олиш кучайиб кетди. Матбуот цензура кучайтирилди. Нормалар шубҳали кишилар билан тўлиб кетди. Майор-генераллар режими жуда катта маблағларни сарфлашни талаб этар эди. Солиқлар ошиб борди, ғов тутишлар давом этди. Мамлакатда танглик маблағ етишмовчилиғи кучайди. Армияга иш ҳақи берилмай қолди. Кромвель 1656 йил сентябрда Янги парламент чақиришга мажбур бўлди. Парламент Янги конституция қабул қилди. Лордлар палатаси ва умумпалата қайта тикланди. Кромвель корол унвонини олди. Бунга офицерлар қарши чиқдилар. Давлат инқилобдан олдинги ҳолатда бошқариладиган бўлди. Бироқ ҳукумат мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб келаётган ҳалокатдан қутқара олмади.

Армияни сақлашга маблағнинг етишмаслиғи, очлик, хазинанинг бўшаб қолганлиғи, давлат қарзларининг 1,5 млн. фунт стерлингга етганлиғи, савдо ва ҳунармандчиликнинг жар ёқасига келиб қолганлигини тўхтатиш қийин бўлиб қолди. Фақат Кромвелнинг шахсий обрўси мамлакатда даҳшатли ҳолатнинг келиб чиқишини тўхтатиб турмоқда эди.

5. 1658 йил 3 сентябрда Кромвель вафот этди. Ҳокимият ўгли Ричард қўлига ўтди. У давлатни бошқаришга лаёқатсиз эди. 1659 йил баҳорида Узоқ парламент тарфдорлари ҳокимиятни эгалладилар ва Англияда иккинчи республика ўрнатилди. Лекин Узоқ парламент тарафдорлари генерал Ламберт томонидан 1659 йил кузида ҳайдаб юборилди ва ҳарбий диктатура ўрнатилди. Узоқ парламент ўрнига конвентга сайловлар ўтказиладиган бўлди. Конвент 25 апрелда ўз йиғилишида Голландияда яшаётган Карл II мамлакатнинг ҳақиқий қироли деб эълон қилди. Карл- II 1660 йил 26 майда Лондонга келди ва ҳокимиятни эгаллади. Англияда яна абсолют монархия режими ўрнатилди.

Монархия барча эркин фикр ва демократик ҳаракатлардан ўч олди. Карл- II ва унга тарафдор бўлган роялистларга қарши яширин кураш олиб борди. 1685 йилда Карл II вафот этди ва ўрнига акаси Яков II ҳокимиятга келди. У ҳам Карл II сиёсатини давом эттирди. Ҳокимиятга қарши бўлган кучлар лидери 1688 йил июнь ойида Нидерландия ҳукумати бошлиғи Вильгельм Оранскийга нома юборди. Унда Яков II нинг қизи бўлмиш Мариянинг Эри бўлган Вильгельм инглиз тахтига таклиф қилинган эди. 1688 йил 5 ноябрда 15 минг армия билан Вильгельм Англия чегараларидан ўтди. Яков армияси улар томонга ўтди. Яққаланиб қолган Яков II Францияга қочиб кетди. 1688 йил 18 декабрда Вильгельм Лондонга кириб келди ва 1689 йил бошларида

Англиянинг қироли деб эълон қилинди. Шундай қилиб қон тукилмасдан "ғалати инқилоб" амалга оширилди.

Янги ҳокимият "ҳуқуқ тўғрисида Билл" қабул қилди. Унда қорол ҳуқуқлари бирмунча чекланиб, у давлатни парламент билан ҳамкорликда бошқарадиган бўлди. Қорол парламент режимисиз солиқлар йиғиш, мунтазам армияни сақлаш, дин ишларига аралашуш ҳуқуқига эга эмас эди. 1688 йилги давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятга келган кучлар икки партия аъзолари билан компромисс асосида иш олиб борди. Ҳокимиятда баъзан вичилар (буржуа-дворянлар партияси), баъзан торилар партияси (консерватив-дворянлар) устунликка эга эдилар. Халқ сиёсий ҳаётга аралаштирмас эди. Аммо савдо-сотик ўсди, дастлабки жамғармалар кўпайиб борди, мануфактуралар ривожланди, ташқи сиёсатда ҳукумат босқинчилик йўлидан борди.

6. Вельгельм ва Мариядан сўнг қорол Анна (1702-1714) сўнгра немис династиясидан бўлган. Ганноверлар мамлакатда қороллик қилдилар. Парламентда йирик ер эгалари кўпчилик бўлиб, улар

катта ҳуқуқларга эга эди. Кейинчалик йирик буржуазиянинг роли ошиб борди. Тори ва виги партиялари бир-биридан кам фарқ қилар эдилар. Чунки партия ҳам ҳокимият, бойлик учун кураш олиб борар эди. Фақат улар сиёсий позицияси билан фарқланар эди. Торилар тожни виглар эса-парламентни ёқлар эди. 1701 йилдаги парламент қарори билан Стюартлар династияси шкиллари тахтга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Давлат сиёсатини юритишда парламентга ҳисоб берадиган министрларнинг роли ошиб борди. Министрлар кабинети парламентда кўпчиликни ташкил этган партия вакилларида тузилар эди. Анна короллиги даврида виглар қўллаб-қувватланди. 1721 йилдан бошлаб икки ўн йиллик даврида виглар партиясидан Г. Уолпол давлатни бошқарди. Уолпол даврида Англияга четдан келтириладиган хом ашёдан бадал олиш камайтирилди. Ишсизлар, қўлдилар устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Англия, Испания (1701-1713) ва Австрия (1740-1748 й) ҳамда етти йиллик урушда (1756-1763) актив қатнашди ва йирик даромадни Ост-Индия, Гвенея ва бошқа савдо компаниялари орқали олар эди. Қўл савдосидан катта даромад келар эди. Савдогарлар Адрианадан Шимолий Америка мустамлакачилари кўплаб қулларни олиб бориб сотар эдилар. Испания урушдан сўнг бутун Испания мустамлакаларига қул сотиш ҳуқуқи инглиз короли қўлига ўтди. XVIII асрда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. XVI асрда бошланган аграр тўнтариш тугалланди. Гражданилар уруши ва 1688 йилги давлат тўнтаришидан сўнг ғов тутиш давлат сиёсати бўлиб қолди ва деҳқонлар XVIII асрда батамом синф сифатида (Иомен) туташига олиб келди. Кўплаб хонавайрон бўлган деҳқонлар Шимолий Америкага кетиб қолдилар. 1694 йилда ер магнатлари ва савдо-саноатчилар Англия банкига асос солдилар.

XVIII асрда саноатда ҳам кенг қўламли ўзгаришлар бўлди. Кичик товар ишлаб чиқариш ўрнини мануфактура эгаллаб борди. Мануфактура ривожини механикада янги-янги кашфиётлар қилинишига олиб келди. 1733 йилда Моки ихтиро қилиниб мато тўқилган. 1738 йилда ип йигириладиган машина ихтиро қилинди. 1764 йилда механик Ж. Харгривс, "Жени" тўқиш станогини ихтиро қилди. 1771 йилда Р. Аркрайт биринчи тўқимачилик фабрикасини қурди ва 1790 йилда уларнинг сони 150 тага етди. 1765 йилда биринчи буғ машинасини Жеймс Уатт яратди ва 1771 йилда уни анча такомиллаштирди. Буғ машинасининг ихтиро қилиниши

Машиналарнинг яратилиши кўмирга бўлган, металлга бўлган талабларни оширди. Натижада кўмир саноати тез ривожлана бошлади. Саноатнинг ўсиши Манчестер, Бирмингем каби янги саноат шаҳарларининг пайдо бўлишига олиб келди. Фабрикаларда болалар, Хотин-қизлар меҳнатидан кенг фойдаланилар эди. Ишчилар кунига 14-18 соатлик оғир меҳнатга дучор бўлган эдилар. Саноатнинг ўсиши билан уюшган илғор ишчилар сони ошди ва уларнинг эгалари бўлган буржуазияни келтириб чиқарди. Ишчилар машиналарни синдирар эди. 1769 йилги парламент қарори билан машинани синдирган ишчилар ўлимга ҳукм қилинадиган бўлди. 1773-1775 йилларда Шимолий Америкада бўлган инқилоб ва Англия парламенти 1783 йилда Шимолий Америкадаги мустамлакалар мустақиллигини тан олишга, мамлакатда сиёсий курашнинг кучайишига олиб келди. Ҳали Англия, Канада ва Хиндистонда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолмоқда эди ва улар инглиз иқтисодиёти учун катта бойлик манбаи эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Новая история страны Европы ва Америки. Учеб для вузов. И.М. Кривогуз, В.Н. Виноградов, Н.М. Гусева и др; Под- ред. И.М. Кривогуза- М; Драфа, 2002. 912 стр.ч
2. Новая история страны Европы и Америки Первые период: Учеб по спец. "История" В.Н.Виноградов, Н.М.Гусева, А.М. Зверев и др; Под ред. Е. Е Юравкой - М. Выс. Шк. 1998 318 стр.
3. Новая история страны Европы и Америке. Второй период: учебн по спец. "История" В.И. Виноградов, А.М.Зверев, Т.М. Исламов и др; Под ред. И.М. Кривогуза и Е.Е. Юровской - М. Выс. Шк.
4. Сборник документов по истории нового времени. Экономическое развитие и внутренняя политика страны Европы и Америки 1870-1914 г. (Сост. П.И.Остриков, П.П. Вандель, М., 1989)
5. Сборник документов по истории нового времени страны Европы и Америки (1640-1870). Сост Е.Е. Юровская М. 1990 г.

2. МАВЗУ: ШИМОЛИЙ АМЕРИКАНИНГ МУСТАМЛАКАГА АЙЛАНТИРИЛИШИ, МУСТАҚИЛЛИК УРУШИ ВА АҚШНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Асосий саволлар:

1. Шимолий Америкада Англия мустамлакаларининг ташкил топиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.
2. Мустақиллик урушининг шарт-шароитлари, урушнинг бошланиши.
3. Мустақиллик урушининг бориши ва АҚШ нинг ташкил топиши.
4. Инқилобнинг характери ва ўзига хос хусусиятлари.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Америка қитъасининг мустамлакага айлантиришда Англиянинг иштироки.

Шимолий Америкада мустамлакаларнинг ташкил топиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

Мустақиллик урушининг шарт-шароитлари ва бориши АҚШнинг ташкил топиши 1787 йилги Конституция. Инқилобнинг характери ва ўзига хос хусусиятлари.

Шимолий Америкага келган инглизлар олтин ва бошқа қимматбаҳо мўйналар, тошларга эга бўлмаган бўлсада, лекин бу ерлардан фойдаланиб катта даромад қилиш мумкинлигини кўрдилар ва тушундилар. Улар табиий бойликларни Англияга ташиб кетишдан қўра шу ерда қайта ишлаш афзал эканлигини билдилар. Карол Яков 1 оқсан қирғоқларидаги ерларни 1606 йилда икки мустақил компанияларга Лондон ва Плимутга колонияларга қўчиб бориш ва ўрни тақсимлаш ҳуқуқини берди. Карол Виргинияни ўзининг шахсий мулки деб эълон қилди. Виргиния ҳудудларида 1601 йил май ойида мустақил мустаҳкамланган жеметаун қишлоғи, посёлкага асос солинди.

Бу Шимолий Америкадаги инглизларнинг биринчи замонавий жойи эди. Улар бу ерда кўплаб ўлим, касаллик ва индеецлар билан тўқнашувидан кўплаб шундай ҳолатига дуч келсаларда, қолганлари 1616 йилдан бошлаб деҳқончиликда тамаки ишлаб чиқариб Англия сотиб даромад қила бошладилар. Янги Карол Карл 1 бутун Виргинияни карол мустамлакаси деб эълон қилди ва унга чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган губернаторни бошлиқ қилиб тайинлади. Ўз плантацияларида ишлаши натижасида, асосан тамаки етиштиришдан бойиб бораётган кишилар ўзларининг маҳаллий «аристократиясини»

вужудга келтириб борди. Мол-мулклари бор эркин кишилар, яъни фермерлар колониялар маҳаллий бошқариш органлари сайловларда қатнашиши ҳуқуқига эга эдилар. Виргиниялик камбағаллар етти йил колонистлар қулида ишлаб кетиши озод мустақил бўлишлари феодал капиталистлари ерларида иш юритувчи бўлиб ишлашлари мумкин эди. Карол 1632 йилда Виргиниянинг шимолий қисмини мерленд колониясини балтиморнинг лорди Сесия Калверийга берди, яъни ҳады қилди. Эркин колонистлар карол ёки лорд ерларига келса солиқ тўлар эди, яъни аренда солиғи тўларди.

1620 йил сентябрда бир группа прутан сепаратистлар диний тазийқидан қочиб «мэйфлауэр» кемасида ҳозирги **масачуссетес** штати территориясига келиб тушиб жойлашиб, янги колониялар пайдо бўлади. Булар, Род-Айленд, Коннектукит, Нью-Гэмпшир ва МЭН вужудга келди.

Шимолий Америкада феодализм барқарор мустаҳкам сақланиши мумкин эмас эди, чунки бу ерларда феодализмнинг асоси бўлган феодалларнинг ерга эгалик қилган ҳуқуқи йўқ эди. Жанубий мустамлакаларда плантация хўжалиги тижорат савдосотиқ характерида эди.

Плантаторлар ишчилар ва ерга капитал қўяр эди. Плантацияларда сервентлар шартнома асосида ишловчи, Африкадан келтирилган қора танли қуллар ишлар эди. Биринчи қулларни Виргиняга 1619 йилда голланд қулдорлари олиб келишган. Плантацияларда четга экспорт учун тамаки, гуруч, индиго, шакарқамиш кейинчалик пахта етиштирилган. Мустамлакаларда маҳаллий аҳоли ерларини алдаб сотиб олиш, ер спекуляцияси авж олган эди. Қишлоқ хўжалиги аҳолисининг асосий қисми 80% ни фермерлар ташкил қилар эди. Мустақил хўжалик юритувчилар ҳам ортиб борди. XVIII асрдаёқ Массачустес ер эгалари аслида хусусий ер эгалари бўлиб, улар солиқ тўламас эди.

Бундан ташқари Америкада скватерлик ҳаракат эгасиз ерларни рўйхатсиз эгаллаб олиш ҳам кучайиб борди. Мустамлакаларни бошқаришда қонун чиқарувчи орган ассамблеяси ёки фермерлар йиғини (эркин келгиндилар) вакиллари, ижрочи орган эса губернатор эди. Губернатор вето қўйиш ҳуқуқига эга эди. Уларга суд органлари ҳам бўйсунар эди. Колонистлар бир неча бор губернаторлар зўравонлигига қарши ғалаёнлар кўтардилар. Натаниэл Бэком Виргинияда 1676 йилда савдогар Жейкоб Лейслар бошчилигида, Нью-Йоркда 1689-1691 йилги кўтарилган ғалаёнлар мисол бўла олади. Бу ҳаракатлар шафқатсиз бостирилди.

Улар демократик талаблар ва сайлов ҳуқуқини кенгайтиришни талаб қилган эдилар. Шимолий Америкада яшовчи эркин аҳоли вакоилиятларнинг яшаш тарзи, турмуши ҳақида. Асосан улар гўшти, маънавиятлар кўп истеъмол қиларди, узоқ умр кўриш, бўйнинг унўлиги билан Европа аҳолисидан устун эди. Улар эркин меҳнатчилар эди. Кўплаб тўқнашувлар бўлиб турса ҳам яхши яшар эдилар.

Протестант динига қатъий амал қилар эдилар. Улар меҳнат қилиш маданиятига, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, ўз меҳнати билан бойлик топишга астойдил ишониб меҳнат қилар эдилар. Улар Европа аҳолисидан иқтисодий, сиёсий ва диний эркинликлари миқёсида устун эдилар. Бу ҳолат Англия ҳукумати ва парламентга маъқул эмас эди.

Шимолий Америка мустамлакаларининг мустақиллик уруши 1773-1783 йил мустамлакалар ва Англиянинг ўзида вужудга келган шифоитдан қонуний ҳолатда келиб чиққан эди. XVIII аср ўрталарида келганда мустамлакалар ҳўжалик соҳасида анча илгарилаб, ички бозорларга ўтди, иқтисодий тангликка барҳам берилди. Уларнинг ўз хўсусий фаолияти, чексиз ўрмонлари, ҳосилдор ерлари бор эди.

Плантаторлар чет давлатларга экспорт учун асосан тамаки, гўруч, индиго, шакарқамиш ва пахта етиштиришга ҳаракат қилдилар. Аҳолиси сони ошиб борди. Агар 1688 йилда мустамлакаларда 200 минг аҳоли яшаган бўлса, 1775 йилга келиб 2,7 млндан ошди. Шулардан 18% негр-қуллар эди.

Мустамлакалар Англияга қарашли бўлса ҳам, аммо бутун Европадан бу ерларга иммигрантлар асосан Ирландия ва Германиядан кўчиб келарди. Мустамлакаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши натижасида ички ва ташқи савдо маркази бўлган шаҳар ва портлар пайдо бўлди. Булар Бостон, Нью-Йорк, Филадельфия, Балтимор, Чарлстон ва бошқалар пайдо бўлди ва ривожланди. Бу шаҳарларда маориф ва маданият ўсди, жонланди. XVIII аср бошларидан бошлаб мустамлакаларнинг ўз газетаси нашр қилина бошланди.

Умумий ва шахсий мактаб ва коллежлар очилди ишга тушди. Коллежлар таркиби ошди ва университет ишга тушди. Булар Горвард, Йельский, Пренстон, Колумбия эди. Мустамлака даврининг охирида буюк мутаффакирлар, Америка маорифнинг буюк кишилари етишиб чиқдилар. Уларга Бенжамин Франклин, Томас Жефферсон, Жон Адамс, Жеймес Медисон ва бошқаларни мисоллар келтириш мумкин. Булар ўсаётган миллатнинг нафақат моддий имкониятлари, балки маънавий имкониятлари ҳам мавжудлигини тасдиқлар эди. XVIII асрга келиб мустамлакаларда

мустақиллик учун кураш пишиб етилган бўлса, Англия анча ўзини ўнглаб олган, 7 йиллик урушдан Франция мағлубиятга учраган (1756-1763 йй). Канада бошқа ерларни Франциядан тортиб олиб, шимолий Америка мустамлакаларида Англиянинг колонистлари ҳуқуқларини чеклаш, мустақил савдо-сотик қилишга қаршилик кўрсатишни норозиликни кучайтирди. Англия парламенти XVII аср 11-ярми ва XVIII асрнинг биринчи ўн йилларида бир қанча актлар қабул қилиб уларда колонияларнинг денгиз давлатлари билан эркин савдо қилишни, қатти таъқиқлаш тўғрисида 1763 йилдаги қонун мисол бўлади. Бунга ғарбга аҳолини эркин кўчиб боришини таъқиқлаб қонунлар чиқарилди. Колониал аппарати ва бу ердаги армияни сақлаш учун 1764 йилда бир қанча товарларга бож солиғи солинди, 1765 йилдаги Англия Шимолий Америкага 10 минг солдатни жойлаштирди ва унинг харажатини қоплаш учун шу йили герб солиғи жорий қилинди.

Булар колонияларда аҳолини ғазаблантирди ва шаҳар кўчаларига одамларнинг чиқиши бошланди. Айни вақтда феодал мажбуриятга қарши Нью-Йорк шимолий ва жанубий колонияда аграр ҳаракатлар кучайди. XVIII аср 70 йилларида Земных горда, партизан ҳаракати бошланди. Фермерлар қишлоқ аҳолиси қисман шаҳар аҳолисининг бир қисмини бўлажак инқилобий ҳаракат асоси ташкил этди. Герб солиғи Янги бож солиғи билан алмаштирилди, аммо ҳаракат тўхтамади. 1770 йил 5 мартда Бостонда шаҳар аҳолиси билан армия тўқнашувида бир неча киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. Колонистлар "Озодлик фарзандлари" сиёсий клубларини тузди. Инглизлар ҳукмронлигига қарши курашнинг актив қатнашувчиларидан бири Бостонлик хизматчи Сэмюэл Адамс эди. Унинг ташаббуси билан бир группа колонистлар индеецлар кийимини кийиб 1773 йилда Бостон портида кема юқларини титкилаб метадан чойларни денгизга ағдардилар. Адамс метрополияга қарши бўлган кучларни бирлаштиришни ҳам ташкил этди. Англия бунга таввақал массачустесга қарши чоралар куриб Бостон портини бекитди ва шимолий-ғарбни ўз провинцияси Кебек (Канада) билан бирлаштирди. Бу чидаб бўлмас "актга" қарши ватанпарвар кучларнинг бирлашуви тезлашди.

1774 йилда Филадельфияда биринчи континенталь конгресс мустамлакалар вакиллари кенгаши (1765 йилда) ҳам герб солиғига қарши шундай кенгаш бўлган эди. Унда "ҳуқуқ тўғрисида декларация" қабул қилинди. Унда колонистларнинг ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи «яшаш эркинлик ва хусусий мулк»га эгалик қилишга ҳақи борлигини кўрсатган эди. Бу ҳали мустақиллик эмас, балки унинг остонаси эди. 1775 йил мартда Виргиния қонун

широқчи орган йиғилишида ватанпарвар кучлар лидерларидан бири Батрик Генри "мен ўз ҳаётимни озодлик йўлига бағишлаганман" деган эди. Уруш етилиб бошланди. 1775 йил 19 апрелда Америкадан инглиз армиясининг қўмондони генерал Гейж Бостон яқинидаги қурол-яроғ омборига ҳужум уни эгаллаш, раҳбарчиликларнинг лидерларини қамокқа олиш тўғрисида армиясига буюриқ берди. Генерал Гейж юборган Лексингтон ва Конкард районларида қуролланган фермерлар ва ватанпарварлар билан жанг қилди. Ватанпарвар кучлар лидерлари бир қисми қурол-яроғ билан шаҳиринишга муваффақ бўлган, аммо қайтишида уларга зарба берди. Полк учдан бир қисмини йўқотиб зўрға Бостонга етиб келди. Бу раҳбарчиликларнинг биринчи ғалабаси эди.

1775 йил май ойида чақирилган иккинчи континентал конгресс мустамлакаларни эмас, балки Америка ҳукумати конгресси бўлди. Конгресс аъзолари тезкор ҳаракат қилиш, ўз ихтиёри билан йиғилаётган армияга Виргиниялик йирик плантатор тажрибали жангчи полковник Жорж Вашингтон раҳбар этиб тайинланди. 1775 йил июн ойида ихтиёрий йиғилган америкалик отрядлар Бостон қирғинидаги Банкер Хиллда инглиз армиясига катта талофат берди. Аҳоли орасида бирлаштириш сафарбарликни вужудга келтиришда маърифатчи Томас Бейннинг "Тетик фикр" панфлети муҳим роль ўйнайди. Панфлетда Америка халқининг буюк келажагини мустақил, бўлими тузумини қарор топтириш йўли билан таъминлаш мумкинлигини, рад қилиб бўлмайдиган мисолларда асослаб берилди. Бу пайғамбарона башорат эди.

1776 йил 4 июлда конгресс Томас Жефферсон томонидан тайёрланган «Мустақиллик декларацияси»ни қабул қилди. Бу ҳужжат фақат Америка халқи учун эмас балки, жаҳон халқлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу биринчи маротоба амалда инсон ҳуқуқлари асосланиб берилган ҳукумат эди. Бу XVII асрдан инглиз (жон-локк) XVIII асрдан француз маърифатчилари илгари сурган ғоялар ифодаси эди. Декларациясида Худо томонидан ҳамма бир хил ҳуқуққа эга қилиб яратилган. Ҳаммининг яшаши, эркинликка, бахт-саодатга, интилишига ҳаққи борлиги кўрсатилганди. Агар ҳокимият бунга тўсқинлик қилса ҳам уни йўқотиб, ўрнига бошқа ҳукумат тузишга ҳаққи бор деган эди. Давлат тузумининг асоси халқ суверенитети принципини эълон қилди. Декларация инглиз королини ва парламентини зулмкорликда айблади. Улар инсоннинг арзимас эркинликларига ҳам тўсқинлик қилганлигини ҳозирги мустамлакалар бундан буён "эркин ва мустақил штатлар" эканлиги таъкидланди. Бу штатларнинг уруш эълон қилиши, тинчлик шартномаси тузиш

иттифоқларга аъзо бўлиши савдо ва бошқа шартларни олиб боришга, яъни мустақил давлатлар билан олиб борадиган тула ҳуқуқи борлиги кўрсатилди. Хусусий мулк ҳам инсонга берилган эркинлик ва мустақиллик каби муқаддасдир дейилди.

Мустақиллик декларацияси Англиядан иқтисодий, сиёсий ва бошқа сабаблар асосида ажралишни истамаётган кўпчилик лендлар, корол инглиз савдосидан ажралиб қолишдан кўрққан савдогарлар "қоралар" ҳаракатидан монархия ва граждон урушларидан кўрққан кимсаларга маъқул бўлмади. Улар умумий ном билан роялистлар деб атала бошланди. Кўпчилик негр-қуллар инглизлар томонига ўтди. Плантаторларнинг асосий қисми мустақиллик кураши тарафига ўтди, чунки уларнинг кўпчилиги инглиз савдо уйларида кредит олиб, қарздор бўлиб қолган эдилар. Эркин савдо вакиллари ва ишбилармонларнинг кўпчилиги мустақиллик урушини ёқлаб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Шулардан бири Бостонлик савдогар контрабандитлар "корол"и Жон Хэнкок биринчилардан бўлиб мустақиллик декларациясига ўз имзосини қўйди. Ж.Вашингтон армияси оз сонли бўлса ҳам кўтаринки Рух билан жанг олиб борди. Америка армиясининг оғир аҳволдан фойдаланган роялистлар қуроли отрядлари тузиб инглизларга ёрдам бердилар. Вашингтон армиясига доимий равишда озиқ-овқат, қурол-яроқ етишмас эди. Англия ҳам катта кучни Америкага юборишда қийинчиликларга дуч келмоқда эди.

1775 йилдаёқ Карол Георг Ш Россия императори Екатерина II га мурожаат қилиб 20 минг кишилик корпус билан ёрдам кўрсатишни сўради. Аммо рад жавобини берган Англия истамасдан ҳарбий кучларни қайта пул эвазига Герман князликларидан ёлланма солдат сифатида олар эди. Мустақиллик уруши охирида Америкада 50 минг инглиз армияси бор эди. Вашингтон армияси эса 20 мингдан ошмаган, аммо Вашингтон армияси кўп сонли миссияси ва партизан отрядларини қўллаб-қувватлар эди. 1776 йил кузида Нью-Йоркда АҚШ майда оғир жангда Ж.Вашингтон ўз армиясини зўрға қутқариб қолишга муваффақ бўлди. 1776-1777 йил кишида Вашингтон яна куч йиғиб Нью-Жерси штатида душман армиясига сезиларли зарбалар берди. 1777 йил кузида америкаликлар мағлуб бўлди ва инглизлар АҚШ пойтахтини Филадельфияни эгалладилар. 7 минг кишилик инглиз армияси саратогда милиция ва кўнгилли отрядлар томонидан қуршаб олинди ва таслим қилинди. Бу ғалабадан фойдаланган Б.Франклин 1778 йилда Франция билан Англияга қарши битим тузишга мувоффиқ бўлди. 1779 йилда Англияга қарши урушга

Испания ҳам қўшилди. 1780 йилда Недерландия қўшилди. Россия ва Австрия масалани тинч йўл билан ҳал қилишда воситачилик қилишга розилигини берди. 1780 йилда Россия англизларнинг ишларида бетараф давлатлар кemasини талашга қарши қуролли қаршиликлар ташкил қилди. 1780 йилда Англия урушни давом эттирди. АҚШ жанубида йирик ғалабаларни қўлга киритиб, Чарлстонни эгаллади. Инглизлар Виргинияга қараб юриш бошлади. Амма қаттиқ қаршиликларга дуч келди. Америкага француз қўшинлари қўшилиб лорд Корнуоллис армиясини Виргинияда ўраб олдилар ва 1781 йилда таслим қилдилар. 1780 йилда Англия урушни давом эттирди. АҚШ жанубида йирик ғалабаларни қўлга киритиб, Чарлстонни эгаллади. Инглизлар Виргинияга қараб юриш бошлади. Амма қаттиқ қаршиликларга дуч келди. Америкага француз қўшинлари қўшилиб лорд Корнуоллис армиясини Виргинияда ўраб олдилар ва 1781 йилда таслим қилдилар. 1782 йил АҚШ ва Англия ўртасида тинчлик битим имзоланди. Англия натижада АҚШ мустақил давлат деб тан олишга мажбур бўлди. Янги давлат чегаралари ғарбда Миссисипи дарёси, жанубда 31 параллел қилиб белгиланди. Флорида Испания, Канада эса Англия ихтиёрида қолди. Бу ёш республикалар мамлакат ичкарасида катта ўзгаришлар амалга оширди. Мустамлака штатлар республика формасида бошқариладиган мустақил давлатлар ҳуқуқига эга бўлдилар. 1776-1780 йилларда улар конституция ишлаб чиқдилар. 13 та штатнинг 10 таси икки палатали қонун чиқарувчи органга эга эди. 7 та штат конституциясига кўплаб эркинликлар ўзгартиришлар киритилди. Феодал муносабатлар бекор қилинди. 1787 йилда конгресс қонуни билан шимолий-ғарбийерлар фоизлари ташкил этилди ва бу ерлархусусий кишиларга сотилиши мумкин эди. Шимолий штатларда қўлчилик бекор қилинган бўлса, жанубий штатларда сақланиб қолинди. Дастлаб АҚШ мустақил штатлар шартномасига асосланган формада эди. Хали президент Олий суд йўқ эди. Бу номигагина ҳокимият бўлиб ва умуммиллий конституция керакли эканлигини айтди. Конференция ягона пул чиқариш солиқлар йиғиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Штатлар бир-бирида бож асосида ажралиб қолган, турли хил пул бирликларга, хусусан қоғоз аттестацияларига эга бўлдилар.

1786-1787 йилларда Массачустес ва унга қўшни штатларда фермерлар ғалаёни бўлиб ўтди. Қарздорлар Даниэл Шейс раҳбарлигида ғалаён кўтардилар. Улар Массачустес графлигининг ғарбий, марказий қисмини эгалладилар. 1787 йил ёзида федерал Конституция ишлаб чиқилди ва унда марказий ҳокимият

мустаҳкамланди. Конституцияга мувофиқ Конгрессни вакиллар палатаси аъзолари тўғридан-тўғри йўл билан сайланадиган бўлди. Сенаторларга эга ҳар бир штатдан иккита вакил сайланадиган бўлди, Чунки кичик штатларга зарар етмаслиги ҳисобга олинди. Конституция ишлаб чиқишда обрўли фуқаролар жумладан Ж.Вашингтон, Б.Франклин, Америка сиёсатининг ақлли Янги вакилларида Александр Гамильтон Ж.Мэдисон ва бошқалар қатнашди. Конституция мамлакат президенти сайлаб қўйишини қонунлаштирди ва унга катта ҳуқуқлар берди.

Суд ишлари АҚШ Олий суд ихтиёрига берилди. Шундай қилиб Марказий ҳокимиятнинг роли ва ўрни юқори даражага қўйилди. Конституцияда бир қанча келишувларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан 1808 йилгача қул савдосига руҳсат берилди.

13 та штатнинг 9 таси тасдиғидан сўнг конституция кучга кирар эди. Бу ўзаро курашни кучайтириш, хусусан конституцияга қарши бўлган антифедералистлар штатлар мустақиллиги йўқолиб, марказий ҳокимият кучайиши ва унда ҳуқуқ тўғрисида Билл деб чиқдилар.

Федералистлар ва йирик шаҳарларнинг ҳунарманд ва ишчилар конституцияни қўллаб-қувватладилар ва 1788 йил июнда янги Конституция кучга кирди ва конгресс 1791 йил ноябрда ҳуқуқ тўғрисида Биллни тасдиқлади ва ўнта тузатиш конституциясига киритилди. АҚШнинг ташкил топиши процесси инқилобий характерда эди. Ташқи душман-метрополияга қарши кураш билан бир вақтда муҳим ички ўзгаришлар ҳам амалга ошириб борилди. АҚШда Янги даврдаги биринчи демократик республика бўлиб, у ўзида маърифатпарварлар ғояларини мужассам қилди.

XVIII аср АҚШ инқилоби энг ҳайрон қоларли жиҳати шундаки, унда инглиз ва француз (XVIII аср) инқилобларида бўлган террор йўқ эди. АҚШда бирорта ҳам қирол губернатори қатл қилинмади, роялистларга эса АҚШ дан кетишга руҳсат берилди. АҚШ инқилоби цивилизациялашган Европага қўрқув солмади. Англиядан бошқа давлатлар унга хайр-хохлик билан қарадилар, хатто Россия самодержавияси ҳам гарчи Франция республикасига қарши уруш олиб борган бўлса ҳам, АҚШ билан савдо-сотик олиб борди. АҚШ га бундай муносабатларнинг пайдо бўлиши, тасодифий ҳол эмас эди, чунки Янги дунёда вужудга келган республика феодал-монархия Европасига таҳдид солмади. Улар Франция инқилоби каби "қулбаларга тинчлик-саройларга ҳужум" шиори билан кураш олиб бормадилар. Ички сиёсатда АҚШнинг «асосчи оталар»и куч ишлатмасдан тўнтаришларни амалга ошириш, мағлублардан ўч олмаслик, аксинча келишув йўлини танладилар.

Америка аҳолисининг барча қатламлари-озодлик ва хусусий мулк эгалларига ишонадилар ва содиқ бўлдилар. Ижтимоий талончилик тинч ўзинга буриб борилди. Ҳатто Д.Шейс раҳбарлигидаги ҳаракат қитнашчилари кўлида қурол бўлса ҳам, суд залини ўраб олган бўлсаларда қурол ишлатиши ўрнига ультиматум куйдилар. Уларга қарши юборилган кучлар ҳам, уларга қурол ишлатмасдан тинч таслим бўлишини талаб қилдилар. Ҳаракат лидерлари ўлимга ҳукм қилинган бўлсаларда, кейинчалик уларни авф этдилар. Федерал Конституция ҳуқуқ тўғрисида Билл киритгач, мустақил мамлакатдаги қайта қуришни ниҳоясига етказди. 1790 йиллар бошларида икки марта сайланган президент Ж.Вашингтон (1789-1797 йй.) ва конгресс бир қанча зарур қонунларни қабул қилди.

Федерал ҳукумат бюджетини тасдиқлаш, савдони тартибга келтириш, штатлар қарзларини тўлаш, ишларини ўз қўлига олди. Шу билан бирга Миллий банк ва ягона валюта-доллар муомалага киритилди. Иқтисодий ўзгаришларга талантли ва ҳайратли молия министри А.Гамильтон раҳбарлик қилди.

АҚШ XVIII аср охирида ташқи сиёсатда Англия билан яқинлашди ва 1794 йилда дўстлик ва савдо шартномасини тузди. Франциянинг босқинчилик ҳаракатларини қўлламади ва икки давлат муносабати ёмонлашди. АҚШ ташқи сиёсатида бетарафлик ва барча давлатлар билан савдо алоқалари ўрнатиш етакчи ўринда эди. Франция АҚШ савдо алоқалари ўрнатиш етакчи ўринда эди. Франция АҚШ савдо кемаларига қарши кураш олиб боришга уринган бўлса ҳам, аммо ўртадаги зиддиятлар 1800 йилда дипломатик йўл билан бартараф қилинди.

Мустақиллик уруши АҚШ нинг ташқи ва ички сиёсатида мустақамланишига олиб келган бўлса ҳам, кейинчалик мамлакатда федералистлар билан янги вужудга келаётган демократик кучлар ўртасида сиёсий кураш оппозиция кучайиб борди.

АДАБИЁТЛАР

1. Соединенине Штаты Америки. Конституция и законодательные акты. (под ред О.А. Жидкова) М., 1993
2. История США: в.4 т. М., 1984-1987 г. Т. 1.
3. Фурсенко А.А. Американская революция и образование США. Л., 1978.

3- МАВЗУ: ФРАНЦИЯДА АБСОЛЮТИЗМ КРИЗИСИ, БУРЖУА ИНҚИЛОБИ, ИМПЕРИЯ ВА УНИНГ ҲАЛОКАТИ

Асосий саволлар:

1. Францияда "Бюрократик" монархия ва унинг қулаши.
2. Инқилобнинг бошланиши Миллий конвент.
3. Якобинчилар ҳокимияти ва 9-термидордаги тўнтариш.
4. Директория 18 аср охиридаги инқилоб ва унинг аҳамияти
5. Консуллик ва Наполеон 1 империяси.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Франциядаги абсолютизмнинг ўзига хос томонлари ва "Бюрократик" монархия тузуми кризиси ва унинг қулаши. Францияда инқилобнинг бошланиш сабаблари ва бориши. Миллий конвент юритган сиёсат. Конституцион-монархия, Жирондистлар ҳукмронлигининг қулаши. Якобинчилар давлат тепасида.

Якобинчилар юриттан ички ва ташқи сиёсати. 1793 йилги конституция. 9-термидордаги давлат тўнтариши. Директориянинг тузилиши. 18 аср охиридаги инқилоб ва унинг аҳамияти. Францияда консуллик ва Наполеон-1 империяси. Наполеон урушлари ва унинг оқибатлари.

Францияда абсолютизм қиролларнинг узоқ вақт мобайнида тарқоқ феодал ўлкаларни ягона давлат сифатида бирлаштириш жараёнида вужудга келди ва мустахкамланиб борди. Улар ўз хоҳиши билан қирол кенгашини туздилар ва вақт ўтиш билан бошқаришнинг турли соҳалари бўйича алоҳида кенгашлар-ташқи ва ички ишлар, молия ва бошқалар ташкил топди.

16-17 асрларга келиб вазирликлар пайдо булди. Маҳаллий маъмуриятларни губернаторлар (интендантлар) ва қирол суди бошқарар эди. Булар орасида юқори вазифаларни бошқарадиган судлар энг асосий ўринда турар эди ва улар парламент деб юритилар эди. Англияда парламент қонун чиқарувчи орган вазифасини бажарган бўлса, Франция парламенти ундан фарқ қилиб, суд ва маъмурий бошқариш органи ҳисобланар эди. Франциянинг Париж, Тулуза, Бордо, Руан, Ренн, Дижон ва бошқа йирик шаҳарлари парламентлари асосий ўринда бўлиб, улар қироличага тегишли энг муҳим суд ишларини, йирик чиновниклар ишларини кўриб чиқар эдилар. Бу парламентлар қирол ҳокимияти фаолиятига танқидий қарайдиган органлар эдилар. Бу парламентлар

ичида қирол қарорларини кўриб уни ҳисобга олгандан кейин кучга кириш ҳуқуқи Париж парламенти ихтиёрида эди. Француз қироллари ўрта асрлар давридаёқ оддий одамлар орасидан ишбилармон билимли кишиларни ўз хизматларига олганлар ва булар (манти дворянлари), азалий дворянлар эса (шпаг дворянлар) деб юритилган. Мамлакатда давлат лавозимлари сотилар ва сотиб олинар эди. Давлат чиновниклари сони кўрилмаган даражада ошиб борди. Масалан 16 аср бошларида улар сони 8000 бўлган бўлса, 17 асрда 46000га етди. Бюрократик аппаратнинг ўсиб кетиши гоифавий кенгаш фаолиятининг йўқолиб боришига олиб келди. Шу сабабли 14 асрда вужудга келган генерал штатлар 1615 йилдан то 1789 йилгача чақирилмади. Франция абсолютизми кучли бюрократик аппаратга эга бўлса ва унга таяниб келган бўлса ҳам бу аппаратлар турли вазиятларда, турли тоифалардаги, турли вазифаларни ижро қилганлиги сабабли улар қирол ҳокимиятининг ўзбошимчалигига қарши чиқа бошладилар ва уни чеклашга ҳаракат қила бошладилар. 17 асрда аристократия қирол ҳокимиятини икки марта чеклаб кўришга ҳаракат қилди. Улар феодал эркинликларига эришишни истар эдилар. Бу ҳолат Генрих IV вафот этгач, ўрнига ёш ўтли Людовик 13 қирол бўлгач яққол сезилди. Унинг онаси Мария Медичи регентлиги даврида давлат йирик зодоганлар кўлидаги кўғирчоққа айланиб қолди. Фақат 20-30 йилларда биринчи министр қилиб тайинланган кардинал Ришелье 1585-1642 даврида уларнинг бебошлиги анчагина чекланди. Аристократия оппозицияси 1643 йилда Людовик 13 ўлиmidан кейин яна бош кўтарди. Ёш Людовик 14 нинг онаси Анна Австрийская регентлиги даврда Францияда ижтимоий, оммавий ҳаракатлар кучайди. Бу Франция тарихида Фронда (фрондакраша) деб ном олди. Париж парламенти ва королга яқин кишилар шаҳар аҳолисининг оғир солиқларга қирол чиновникларининг ўзбошимчаликларига қарши чиқишларини қўллаб-қувватладилар. Кардинал Ришелье вафотидан сунг бу лавозимни кардинал Мазарини эгаллади ва қирол ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. 1661 йил март ойида кардинал Мазарини вафот этгач, Бош министр лавозимини Людовик 14 ўз қўлига олганлигини билдирди. У шундай деган эди- "Давлат-бу" мен" барибир Людовик 14 бошқарув аппаратисиз ҳеч нарса қила олмаслигини билар эди. Шу сабабли у молиявий ишларнинг бош контроли лавозимларига навбатма-навбат қўйган ўз яқинлари Фуке ва кольберга таяниб иш юритади Людовик 14 даврида Франция абсолютизми ўзининг энг юқори чўққисига чикди. Қирол ички ва

ташки сиёсатда Францияни Европада олдинги ўринда турадиган етакчи давлат даражасига кўтаришга ҳаракат қилди. Франция иқтисодий жиҳатдан юксалди. Франция Людовик 14 даврда етакчи мустамлакачи ва денгиз давлатига айланди. Франция денгиз флотисавдо ва ғарбий флоти ривожланиши кольбер номи билан боғланади. Кольбер ташаббуси билан Голландиядан 600 кема сотиб олинди ва шу асосида янги кемалар куриш йулга қўйилди. Кольбер даврида бир қанча янги мануфактуралар курилиб улар армия ва флот учун қурол-яроқ, кийим-кечак, ишлаб чиқардилар. Париж атрофида Версаль саройи курилди. Бу саройни француз қиролининг буюклиги куч-қудрати симболи ҳисоблашарди. 1685 йилда Людовик 14 барча протестантларни мажбурий католизмга ўтиб сиғинишга мажбур қилди. Кўплаб протестантлар Америка ва Германияга қочиб кетдилар. Франция кўплаб мутахассислардан ажралиб қолди. Людовик 14 ташки сиёсатда му стамлакалар босиб олиш, чап қирғоқ Рейнни қўшиб олишга ҳаракат қилиб кўрди. Ана шундай урушлардан энг қимматга тушгани ва чўзилиб кетгани Испания тахти учун 1701-4714 йилларда бўлган уруш эди. Людовик 14 Испания тахтини ўз невараси ихтиёрига олишга ҳаракат қилди ва бунга эришди. Испанияда француз бурбонлари ҳукмронлигини бошладилар. Лекин Людовик 14 бирлашган француз-испан давлатини тузмади. 1715 йилда Людовик 14 вафотидан кейин француз абсолютизмининг тушкунлик даври бошланди. 1721 йилда тахтга чиққан қирол Людовик 15 даврида унинг фаворити бўлган Маркиз де Помпадур саройда катта ҳуқуққа эга бўлиб, у лавозимлар бериш, мукофотлар бериш, вазирларни тайинлаш, бушатиш ҳуқуқларига эга эди. У 18 йил шу имкониятдан фойдаланди. Франция учун ҳалокатли ҳолат 1756-763 йилларда бўлган етти йиллик уруш бўлди. Франция урушда Габсбурглар монархияси ва Россия билан бирга Пруссия ва Англияга қарши курашди. Франция Хиндистон, Шимолий Америкада икки юз йил давомида қўлга киритган ерларидан ажралди. Жумладан Канада ва Луизана Англия қўлига ўтиб кетди. Франция жахон савдоси, мустамлакачилик соҳасидаги ҳукмронлигини Европадан бошқа давлатларга-бушатиб берди.

1788 йилда бўлган ҳосилсизлик мамлакатда қимматчилик ва нарх навонинг ошишига олиб келди ва оммавий халқ ҳаракатини келтириб чиқарди. Франция 1786 йилда Англия билан эркин савдо шартномасини тузган эди. Бу инглиз савдогарлари, саноатчилари учун фойдали бўлди, сабаби арзон инглиз моллари Франция бозорларини тўлдириб юборди. 1788 йилдаги давлат бюджетидagi

камомад 160 млн ливрга (бутун давлат даромадининг учдан бирига тенг) етди. Давлат харажатларининг 40 фоиз карзларини тўлашга сарф қилинар эди. Бундан ташқари сарой харажатлари ниҳоятда катта эди. Бу харажатлар 1788 йилда 42 млн ливрга етди. Молия бош контроли Жак Неккер маслаҳати билан Людовик 16 Генерал Штатларни чакиришга қарор қилди. Традицияга мувофиқ хар тоифадаги икки юз депутат сайланар эди. Людовик 16 учинчи тоифа вакиллари депутатлари сонини икки баробарга оширди. Илғор кишилар бу ҳолат мамлакатда ижобий ўзгаришларга янгиликларга сабаб бўлади деб ҳисобладилар. Генерал Штатларга сайловлар 1789 йил баҳорида ўтказилди. Сайловда дворянлар, рухонийлар ва учинчи тоифа вакиллари 25 ёшга етгач солиқ тўлаш имкони бор эркаклар. (Хотин-қизлар камдан кам) қатнашганлар.

2. 1789 йил 5 майда Версалда Генерал штатларнинг йиғилиши иш бошлади. Сайловда ҳар бир тоифа вакиллари алоҳида овоз берар эди. Бу ҳолат учинчи тоифа вакиллари учун маъқул эмас эди, чунки овоз беришда улар озчилик бўлиб қолар эди. Шу сабабли 12 июнда овоз бериш умумий бўлишни ва бунга тоифа вакилларини қўшилишга чақирди. 17 июнда 3 чи тоифа вакиллари ўзларини миллий мажлис деб эълон қилдилар ва бу билан мамлакатни бошқариш ҳуқуқи борлигини кўрсатмоқчи бўлдилар. Учинчи тоифа вакиллари Буржазия вакиллари (йирик саноатчилар, банкирлар, савдогарлар ва х.к) эдилар. Бу қарор мавжуд тартибларга зид эди ва инқилобнинг амалда бошланганлигини билдирди. 19 июнда рухонийлар табақаси депутатлари учунчи тоифа депутатларига қўшилганликларини билдирди. Бунга жавобан Людовик 16 Миллий Мажлис йиғилишини ёпиб қўйишни билдирди. Депутатлар бунга қулоқ солмадилар ва ўз йиғилишни 20 июнда бошқа бўш бинода давом эттирдилар. Улар мамлакат конституцияси қабул қилгунча йиғилишни давом эттиришга қарор қилдилар. Людовик XVI 23 июнда Генерал штатлар барча тоифа депутатларнинг бирлашган йиғилишини ўтказди. У ҳаммага баробар солиқ солиш, суд ишларини реформа қилишга ваъда берган бўлса ҳам, аммо ҳокимиятни бошқаришга танҳо ўзи маъсулликни таъкидлади. Бу норозиликга олиб келди. Ниҳоят 27 июнда қирол учта тоифа депутатларни бирлаштиришга рози бўлди (дворянъ, рухоний, саноатчилар). Бу инқилобнинг биринчи ғалабаси эди. 1789 йили 7 июлда учта тоифа депутатлари ҳамкорликда ўзларини Таъсис мажлиси деб эълон қилди. Бу қиролнинг танҳо бошқаришига берилган зарба эди: Улар конституцияни ишлаб чиқадиган комиссия

туздилар. Қирол тарафдори депутатларга қарши қатъийроқ чоралар кўришни талаб қилдилар. Парижга ҳукумат кўшинлари қисмлари яқинлаша бошлади. 11 июлда тўсатдан қирол Неккерни истъфога чиқарди. Қирол янгилик тарафдорларидан ўч олишга тайёрланаяпти деган гаплар тарқалди. 12 июл куни қиролнинг тартиб сақловчилари билан ҳалаён кайфиятдаги оломон ўртасида биринчи тўқнашув бўлди. 13 июл куни Ратушада фуқаро милициясини тузиш бошланди. Эрталаб ўқ дори сақланмоқда деган ишонч билан оломон Бастилия қўргони томон юриш бошлади. Бастилия эгалланди ва эски тузумнинг барбод бўлганлиги сезилиб қолди. Бастилиянинг олиниши халқ кайфиятини кўтариб юборди. Шаҳарларда ўз-ўзини бошқариш органлари тузила бошлади. Фуқоралар милицияси миллий гвардияга айлантирилди. Унинг қўмондони Маркиз де Лафайет (1757-1834) бўлди. Қишлоқларда деҳқонлар дворянларнинг ғалла ерларини тортиб олди, қўргонларига ўт қўйди. Бу ҳаракатлар мамлакат аҳолисини қарама қарши бўлган икки гуруҳга бўлиб юборди. Қирол тарафдолари жуда кўплаб дворянлар, қиролнинг яқин кишилари (кичик укаси граф д. Артуа-бўлгуси қирол карл 10) чет элларга қочиб кетди. Вазиятга қараб аҳоли табақалари гоҳу-гоҳ бу лагер томонга ўтиб турар эдилар. Таъсис мажлисининг 1789 йил 5 августдан 11 августгача чиқарган декретлари феодал муносабатларни бекор қилиш билан деҳқонларнинг озод бўлиши, черков ерларини бекор қилиш, дворян имтиёзларини, ов қилиш, балиқ тутиш, куён боқиш, каби ҳуқуқлари бекор қилинди. Умуман олганда феодал ҳуқуқлар ва тартибларни тутатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1789 йил 26 августда таъсис мажлисида "Инсон ва граждон ҳуқуқлари Декларацияси" қабул қилинди. Унда давлат манбаи халқ эканлиги, ҳаммани озод, эркин, хусусий мулкга эгаллик қилиш ҳуқуқи, ҳуқуқлари фикрлари, эркинликлари бузилганда қўзғолон қилишга ҳаққи борлиги таъкидланди.

Қирол Таъсис мажлисининг 5-11 август декретларини тасдиқлашдан бош тортиди. Август охирида қирол зўрлик билан Таъсис мажлисини тарқатиб юборар эмиш деган гап тарқалди.

1789 йил 5 октябрда бир гуруҳ Хотин-қизлар оломони Версаль саройига ёпирилиб чиқдилар. Уларга Людовик 16 5-11 августдаги декретларини ҳамда, инсон ва граждон ҳуқуқлари декларациясини тасдиқлашга розилик билдирди.

1789 қирол Парижга кўчиб ўтишга ҳам ваъда берди. Қирол изидан Таъсис мажлиси ҳам Парижга кўчиб ўтди. 1789 йил кузидан

инқилобнинг тинч ривожланиш даври бошланди ва сал кам икки йил давом этди. Шу давр мобайнида Францияда янги жамият, янги давлат тузилиши қарор топди.

1790 йил баҳорига келиб солиқ тизими асосан қарор топди. Учта тўғри солиқ, ерга эгаллик қилиш савдо-саноат соҳаси солиқлари тасдиқланди. Монопол савдо компаниялари, жумладан Ост-индия савдо компанияси бекор қилинди. Эркин кон савдосига руҳсат этилди. 1790 йил июнда дворянлик ва унга боғлиқ унвонлар бекор қилинди. Икки йил мобайнида депутатлар конституция устида иш олиб бордилар. 1791 йил 3-сентябрда Таъсис мажлиси конституция қабул қилди ва қирол Людовик 16 га тасдиқлашга берди. Қирол уни 13-сентябрда тасдиқлади ва 14 сентябрда қасамёд қабул қилди. Ой охирида Таъсис мажлиси ўзини тарқатилган деб эълон қилди. Қирол Людовик "инқилоб тугади" деб хитоб қилди. Конституция давлатни бошқаришнинг конституцион Монархия формасини жорий қилди. Ҳокимият иккига бўлинди: Ижроия ҳокимият сифатида қиролга катта ҳуқуқ берилди. Жумладан, унга ҳукумат вакиллари тайинлаш, армияга қўмондонлик қилиш, чет давлатлар билан алоқада бўлиш ва х.к. Миллат мажлиси қонунларни ишлаб чиқади ва қабул қилади, солиқлар миқдори ва давлат харажатларини белгилайди, пул зарб қилади ва х.к.

Махаллий органларга раҳбарлар сайлаб қўйилади. Қарол суд қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Суд органлари куйидан юқоригача сайлаб қўйилади. Буржазия қонун чиқарувчи ва суд ишларини ўзиники қилиб олди. Инқилобнинг дастлабки йилларида мамлакатда мақсадлари бир-бирига қарши бўлган гуруҳлар вужудга келди: роялистлар-абсолютизм тарафдорлари ва конституцион монархистлар-қирол ҳокимиятини чеклаш тарафдорларидир.

Конституцион монархистларнинг етакчи раҳбарлари-Мирабо (1749-1791), ака-ука Ламетлар, Дюпор, Барнав, Лафайет ва бошқалар эдилар.

Инқилоб даврида фуқороларнинг сиёсий ташкилотлари ҳам пайдо бўлди ва клублар номини олди: Учинчи тоифа вакиллари қарашларини ифода этувчи клуб-Якобинчилар клуби (монастр номи). 1789 октябрда ташкилоти Якобинчилар клуби аъзоларининг кўпчилиги конституцион монархистлар етакчилари эдилар. 1790 йил апрел Кордельерлар клуби (монастр номи) ташкил топди. Унинг аъзолари-Джорж Дантон, Марат, Камил Демулен ва бошқалар

Икки клуб ҳам карол ҳокимиятини чеклаш тарафдорлари эдилар. Қонун чиқарувчи мажлисга 745 депутат сайланган эди. Уларнинг кўпчилигини эркин касб эгалари, хусусан адвокатлар (400 киши) ташкил этарди. Роялистлар деярли йўқ эди. Конституцион монархистлар гуруҳидан 250 депутат бор эди, бошлиқлари Феянлар клуби (монастр номи) аъзолари эди.

Улар 1791 июлида якобинчилардан ажралиб чиққан 150 депутат ўзларини республика тузуми тарафдорлари деб эълон қилдилар. Булар янги гуруҳга жирондистлар ва монтаньерларга бўлинди. Жирондистлар (жиронду-департамент номи)га Бриссо, Кондорсе, Вернолар раҳбар эдилар. Монтаньерлар (французча-тоғ) (уларнинг вакиллари қонун чиқарадиган мажлис залининг юқори жойларида ўтирганлар-баланд, чўққи, тоғ)нинг қонун чиқарувчи мажлисда кўзга кўринган раҳбарлари йўқ эди. Жирондистлар ва монтаньерларни кўпчилик аъзолари Якобинчилар клубига мансуб эди. Қолган депутатлар ўзларини мустақил деб ҳисобладилар. 1791 йил иккинчи ярмида Франциянинг халқаро аҳволида кескинлик вужудга келди. Бунга эмиграцияда роялистлар ҳаракати кучайганлиги ва бошқа давлатларнинг Франция ички ишларига аралашшига ҳаракатлари сабаб бўлди.

Эмиграцияда королнинг ўртанча укаси граф Прованский (бўлажак Людовик 18) бош бўлди. У Париждан Австрияга қочиб кетган эди. Прованский 15 минг армияга эга бўлган Калон бошлиқ эмиграцион ҳукумат тузди. Бу армияга шахзода Конд раҳбарлик қилди. Людовик 16 нинг Париждан қочишга уриниши конституцион монархистлар мавқеига салбий таъсир кўрсатди. Қирол 1791 йил 20-21 июнга ўтар кечаси Австрия чегарасига яқин Нидерландга қочиб ўтмокчи бўлди ва йўлда 21 июнда Варенда қўлга тушиб қамаб қўйилди. Қирол қамалиши Европа монархистларини ташвишга солиб қўйди. Бундан ташқари олдиндаги Франциянинг заифлашувиға манфаатдор бўлиб келаётган давлатлар бу имкониятдан фойдаланишга уриндилар.

1791 йил 27 августда Саксония қальаси Пильницда Австрия императори Леопольд II ва Прусс қироли Фридрих Вилгельм 2 ўртасида Людовик 16 га (Людовик 16 нинг хотини Мария-Антуанетта Австрия императорининг синглиси эди) ҳарбий ёрдам беришга келишиб олган эди. Роялистлар ва Людовик 16 уруш бўлиш тарафдорлари эди. Жирондистлар уруш бўлса, Францияда монархия ағдарилади деб ўйладилар. 1792 йил мартда Людовик 16 жирондистлар ва унга яқин бўлган кишилар-Дюмурье, Лакост,

Ролн, Клавьерни министрлар лавозимига тайинлади. 1 ой ўтгач 1792 йил 20 апрелда Франция Австрияга уруш эълон қилди. 1792 йил 6 июл куни Пруссия Францияга уруш эълон қилди. Франция армияси жанубий Нидерландия худудига кирди. Аммо ютуққа эришмади. Июл бошларидаги Рейндаги кучли прусс армияси пайдо бўлди. Унга герцог Брауншвейгский раҳбарлик қилди. У Людовик 16 га заррача зарар етказилса, Парижга ўт қўяман деди. Бунинг устига мамлакат ичкарасида роялистлар исёни кучайди. Халқ қуролланиб Франция мушофаасига чиқди. 9-10 августда халқ тўполон билан Тюильри саройига бостириб кирди. Людовик 16 Тампль башниясига қамаб қўйилди. Қонун чиқарувчи мажлис ижроия ҳокимият эгаси вазифасидан четлатилди деб қарор чиқарилди. Ва исёнда қатнашганлардан қаттиқ ўч олди. 1,5 минг киши қатл этилди. Қонун чиқарувчи Мажлис депутатлари янги таъсис мажлиси учун умумий сайлов ўтказишга қарор қилди. Янги Таъсис мажлиси Миллий-конвент эди. 1792 йил 20 сентябрда Конвент ўз ишини бошлади. 750 депутатдан 500 таси юрист эди.

Монтаньярларга Робеспьер Дантон, Марат, Кутон, Карно, Сен-Жюстлар раҳбарлик қилар эди. 500 депутат қайси томон устун бўлса ўша томонга ўтар эди. Улар "боткок" номини олди. Конвент 1792 йил 21 сентябрда Францияда монархиянинг тугатилганлиги ва республика тузими ўрнатилганлигини эълон қилди. Бу Франция тарихида биринчи республика деб аталади. У 1804 йил Наполеон Францияни империя деб эълон қилгунча яшади. 1792 йил 5 октябрдаги Декрет билан янги йил ҳисоби ва календарига ўтилди. конвентда ҳукмрон мавқеига эга булган жирондистлар ва монтаньярлар ўртасида кураш кетди. Жирондистлар парламентаризм нормалари тарафдорлари эдилар. 1792 йил кузида жирондистлар Якобинчилар клубидан ажралиб кетди. конвент ташки сиёсатга этиборини қаратди. 1792 йил 20 сентябрда французлар Вальма ёнида пруссларга зарба берди. 6 ноябрда эса Жемаппе ёнида австрийстларга ҳам зарба берилди. Французлар жанубий Нидерландияга бостириб кирди ва немис ерларидаги Брюссель, Майнц, Франкфурт-майн шаҳарларини босиб олди.

Конвентдаги қизгин тортишувидан сўнг Франция инқилобий урушни давом эттиради, деб қарор қабул қилди. 15 декабрда французлар босиб олган ерларида феодал муносабатлари бекор қилиниб сайлов йули билан янги бошқарув жорий қилиниши армияга топширилди. Ички сиёсатда жирондистлар ва монтаньярлар кураши кучайди. Монтерньярлар қиролни жазолашни талаб қилган бўлсалар жирондистлар бунга қарши чиқдилар. Нихоят 1792 йил 3 декабрда

конвент қиролни суд қилишга розилик билдирди. 1 ойдан нарироқ суд давом этди. 15-16 январ кунлари овозга қўйилди ва қирол ўлимга ҳукм қилинди. 1793 йил 21 январда боши кесилди (гильотина).

1793 баҳорида Францияга қарши биринчи қолиция пайдо бўлди. Унинг биринчи ташаббусқори Англия эди. Уларнинг мақсади француз босқинчилигига хотима бериш ва Бурбонлар сулоласини қайта тиклаш эди. 1793 мартда французлар Нидерландияда катта ҳарбий ҳалокатга учради. Шимол армияси қўмондони генерал Дюмурье душман томонга ўтиб кетди. Бунинг устига мамлакатнинг шимоли-ғарбида роялистлар исёни кучайди. Исён марказлардан бири Вандея департаменти эди. Франциянинг иқтисодий аҳволи танглашди ва очлик, қимматчиликга қарши Мак РУ бошчилигида Парижда халқ ҳаракати бошланди. Улар қатъий нарх-навони талаб қилдилар.

1793 йил баҳорида конвент бир қанча декретлар қабул қилди. қўлида қуроли бор "исёнчилар"га ўлим жазоси, матбуот эркинлигини чеклаш тўғрисида декрет қабул қилинди. Армияга депутатлар юборилиб, улар армия бошлиқларини алмаштириши ва қамаши мумкин эди.

3. 1793 йил 6 апрелда жамоат қутқарув Комитети тузилди. Унинг 9 аъзоси бор эди. Ана шу комитетнинг ички ва ташқи сиёсатига оид қарорларини министрлар сўзсиз бажариши кўрсатилди. 1793 йил 4 майда галла, дон учун баҳо максимумини жорий қилди ва нон ва ғалла устидан контрол ўрнатди.

Бу ишларни бажариш жирондистларга топширилган эди. Аммо бу қатъий чоралар қутилган натижа бермади. Жирондистлар сиёсатидан норози бўлган бир гуруҳ кишилар 1793 йил 31 май куни конвент мажлислар залига бостириб кириб, жирондист депутатларини хайдаш ва максимумини амалда жорий қилишни талаб қилдилар. Конвент аъзолари иккиланиб тургач ниҳоят, 1793 йил 2 июнда 22 жирондист депутат қамоққа олиниши тўғрисида декрет қабул қилди. 1793 йил 31 май 2 июндаги қўзғолонлар натижасида конвентда Якобинчи депутатлар қўли баланд келди. Ҳарбий ҳолат ниҳоятда оғирлашди. 1793 йил апрелда австрийстлар Нидерландия орқали Франция ерларига ҳужум бошладилар. Прусслар эса Майнцга қўшин киритди. Жанубий Сардиния каролиги армияси Савай-Ниццани эгаллади. Испанлар, инглизлар ҳужумини кучайтирдилар. Англия 1793 йил июнда барча француз портларини қамал қилганлигини эълон қилди. Август ойида Ўрта ер денгизида Франциянинг катта қальаси ва флоти базаси бўлган Тулон таслим бўлди. Ёз ойида Франциянинг 83

департаментида 60 та роялистлар исёни бошланди. Якобинчилар тезкор чоралар кўришга киришдилар. 1793 йил июн-июл ойларидаги декретлар билан феодал муносабатлар тўловларсиз тугатилди, эгаси ташлаб кетилган ерларни сотиш ва сотиб олишга рухсат берилди. 24 июнда янги конституция тасдиқланди. 1793 йилги бу Конституцияда бир жойда муҳим 6 ой яшаган ва 21 ёшга етган эркекларга умумий сайлов ҳуқуқи берилди. Қонун чиқарувчи корпус ваколати кенгайтирилиб, (бир йилга сайланади) қонунлар қабул қилиш бюджетни тасдиқлаш, солиқлар жорий қилиш, мансабдор шахслар устидан назорат ўрнатиш ва бошқа ҳуқуқлар берилди. 1793 ёз ойларида жамоат кўтқарув комитети қайта тузилди. Унинг хайратли аъзолари Максимилиан Робеспьер, Кутон, Сен Жюст, Карнолар эди. Ундан олдинроқ тузилган умумий хавфсизлик комитети эса сиёсий полиция вазифасини бажарди. 1793 йил 10 октябрда конвент "Бошқаришнинг инқилобий тартиби" тўғрисида декрет қабул қилди. Шундай қилиб Францияда амалда бошқаришнинг диктатура режими ўрнатилди. 1793 йил декабрда департаментлардаги генерал советлар тарқатилди, ўрнига "миллий агент"лар қўйилди. Улар барча жараённи кузатиб текшириб бордилар. Улар конвент ва комитетларнинг чиқарган қарорлар ижросини текширдилар. 1793 йил 23 августда ялпи харбий сафарбарлик тўғрисида декрет чиқарилиб ҳаммани армияга чақириш йўлга қўйилди. Қурул яроқ ишлаб чиқарадиган мануфактуралар устидан миллий (давлат) назорат ўрнатилди. 1793 йил 29 сентябрда умумий максимум тўғрисида декрет чиқарилиб, унда кенг ва истемол молларининг гўшт, балиқ, ёғ, винодан тортиб, газлама, тери, тамаки, саноат хомашё ва ёқилги нархи устидан назорат ўрнатди ва иш хақи ўсишига йўл қўймади.

Якобинчилар 1793 йил 17 сентябрда "Шубҳали кишилар" тўғрисида декрет чиқариб, Декретга мувофиқ шубҳали деб топилган кишилар ўлимга ҳукм қилинди, яъни мамлакатда террор бошланди. Якобинчилар ўзлари учун душман деб ҳисоблаган кишилардан аёвсиз уч ола бошлади. Уларнинг биринчи қурбони киролича Мария Антуаннета ва 31 май 2 июнда қамокка олинган жирондист-депутатлар бўлди. Хатто халқ харакати раҳбарлари ҳам жазосиз қолмади. 1793 йил сентябр бошида инқилобий трибуналга Жак Ру топширилди. 1794 йил 13 мартдан 14 мартга ўтар кечаси Эбер қамокқа олинди ва кўп ўтмай қатл этилди. 1793 йил апрелда Кордельерлар клуби аъзолари Дантон ва Демулен ўлимга ҳукм қилинди. 1794 йил 20 июнда инқилобий трибунал қайта кўрилиб,

унга сал хавф солган кишилардан ҳам ўч олиш топширилди. "Халқ душманлари" -ким ёлғон тарқатса", "халқни алдаса", монархистлар хоинларга ўлим жазоси белгиланди.

Террор натижасида 1793-1794 йилларда 30-40 минг киши террор қурбони бўлган бўлса, 1793 йил мартдан 1794 йил июлигача Францияда ярим миллион киши қамоққа олинди. Армияга ёппасига қайтадан чақириш натижасида 1794 йил бошларида армия сони 1 миллиондан ошди. Эски тузум армия қўмондонлари ўрнига янгилар генераллар Гош, Марсо, Журдан, Пишегр, Бонапарт ва бошқалар келди. 1794 йил июнига келганда французлар австрийсларни тор мор қилди, ҳамма ерда француз армиясининг қўли баланд келди. Шунга қарамай Робеспьер бошчилигида террор давом этди.

4. Конвентда бундай зўровонликка қарши оппозиция пайдо бўлди. 2 йил 9 термидорда Конвент (1794 йил 27 июл) Робеспьерни (жаллод) деб эълон қилди ва уни қамоққа олишга овоз берилди. Эртаси Сен-Жюст, кўтон ҳам қамоққа олинди ва қатл этилди. Террор юмшади, эркин савдога руҳсат берилди. 1794 йил 24 декабрда максимум тўғрисидаги декрет бекор қилинди. Бир канча мануфактуралар хусусий кишилар қўлига ўтди. Конвентта жирондист ва монархистлар қайтиб кела бошлади. Эркин савдо ва чуқур иқтисодий кризис аҳолининг турмуш даражасини пасайтириб юборди. 1790-1794 йилларда Парижда аҳоли турмуш тарзи 10 марта оғирлашди. 1795 йил апрел-май ойларида халқ Парижда 1793 йилги конституция шиори билан галаён кўтардилар. Бу ҳаракатлар доимий ва миллий гвардия томонидан бостирилди. Роялистлар 1795 йил сентябрда Парижда республикани ағдариш учун исён уюштирдилар. Уни қўллашга ёш генерал Бонапарт келди, шундай қилиб 9- термидордаги тўнтариш якобинчилар ҳукронлигига барҳам берди (1794 27июл). 1795 йил (3 чи республика йили) да янги конституция қабул қилинди. Конституция сайлов цензурасини тиклади. Икки погонали сайлов системасини жорий қилди. Олий қонун чиқарувчи орган икки палатали-беш юзлар кенгаши ва оқсоқоллар кенгаши бўлди. Беш юзлар кенгаши қонунларни тайёрлайди, оқсоқоллар кенгаши тасдиқлайди. Уларнинг аъзоларининг учдан бири йилига янгиланди. Франция олиб борган урушлар туфайли иқтисодий жонланиш бўлса ҳам, хали умумий ҳолат оғир эди. Ижроия ҳокимият беш кишидан иборат Директория қўлига берилди. Директория республика тузумини сақлаб қолди ва 1795-1799 йилларда давлатни бошқарди.

1798 йил апрелда Франция Швейцарияни босиб олди. Директория сиёсатида роялистлар, якобинчилар ҳам қарши эдилар. 1799 йил апрелдаги сайловларда директория ўз оппозициячиларига ютқазиб қўйди ва Директориянинг учта аъзоси июн ойида палатадан ҳайдалди. Ташқи сиёсатда ҳам Директориянинг аҳволи ёмонлашди. 1798 йил 1-2 августда инглиз флоти адмирал Нельсон бошчилигида Абу Бакир бухтасида француз кемаларини йўқ қилди. Бонапарт армиясининг Сурияга юриши омадли бўлмади.

5. Айни вақтда Францияга қарши иккинчи коалиция бошланди. Бонапарт Францияга қайтиб келди ва Директория аъзоси, конституцион монархия тарафдори Сийес билан тил бириктирди. Ва 1799 йил 9-10 ноябрда (VIII йил 18-19 брюмер) давлат тўнтаришини амалга оширдилар. Қонун чиқарувчи палата (аслида Наполеон тайзиқида) ўзини тарқатилган деб эълон қилди. Ва бутун ҳокимият уч консул қўлига ўтди. Биринчи консул Наполеон Бонапарт эди. Шундай қилиб, 18 аср охиридаги француз инқилоби ниҳоясига етди. Инқилоб Франциядаги монархия тузумини йўқ қилиб ўрнига демократик ҳаракатлар учун республика учун шарт-шароитлар яратиб берди.

1799 йил 13 декабрда (8 йил 22 фример) янги конституция қабул қилинди. Ҳокимият номига бўлиб бошқариладиган бўлди. Аслида ижроия ҳокимият қонун чиқарувчи ҳокимиятни ҳам ўзига бўйсундириб олган эди. Ижроия ҳокимият 10 йил муддатга уч консулга берилди. Биринчи консулга-барча министрларни тайинлаш, армияга қўмондонлик қилиш, халқаро шартномаларни имзолаш ва бошқа ҳуқуқлар берилди. Қонун чиқарувчи палата фақат қонунларни тайёрлайди. Хаммага умумий сайлов ҳуқуқи берилди. Қўйидаги юқори лавозимларга биринчи консуль томонидан номзодлар тайинланадиган бўлди. 1800 йил январда кўпгина газеталар ёпилди ва фуқаролар қонунлари билан шуғулланадиган комиссия тузилди. 1804 йил мартда фуқаролар кодекси қабул қилинди. Унда шахс эркинлиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги, виждон эркинлиги, меҳнат қилиш эркинлиги, давлатнинг дунёвий характери кўрсатилди.

1791 йилги Ле Шапелье қонуни сақлаб қолинди. 1807 йилда савдо, 1810 йилда жиноят кодекслари қабул қилинди. Наполеон иккинчи коалицияга қарши кураш олиб борди. У Пруссия ва Россиянинг бетарафлигини таъминлаб, Шимолий Италияга бостириб борди. Ва 14 июнда австрийсларни тор-мор келтирди. Австрия 1801 йил февралда Люневиль тинчлик шартномасини

битим тузди. Бу ғалабалар орқали у ўзининг шахсий хокимиятини янада мустахкамлади. 1802 йил майда ўз-ўзини умрбод Консул деб эълон қилди. Наполеон 1801 йил июнда рим папаси билан контракт (шартнома) тузиб кўпчилик французларнинг католик динига сизинишани тан олди. 1802 йил апрелда монархия кайфиятида бўлган эмигрантларни авф этди. 1802 йилда апрелда монархия кайфиятида бўлган эмигрантларни авф этди.

1802 йилда Фахрий легион таъсис этилди. Унга келажак аристократия таянчи бўладиган кишиларни қабул қилди. 1802 йилдан 14 йилгача уларнинг сони 48 минг кишига етди. 1803 йилда Англия билан яна уруш бошланиб кетди. Наполеон ўзига қарши гўё тайёрланаётган фитнага қарши кураш олиб борди ва 1804 йил 18 майда ўзини император деб эълон қилди. Конституцияга мувофиқ 1804 йил 10 майда ҳам (12 йил) Францияда республика тузуми сақлаб қолинди. Ва фақат 1808 йилда Франция республикаси империя деб атала бошлади. У эски дворян титулларни тикламаган бўлсада, янги титулларни жорий қилди: князь, герцог, граф, барон. Наполеон 1805 йилда Англия ва Россия ташкил этган ва унда қатнашган Австрия, Неаполитан кароллиги ва Швеция давлатлари учинчи каолициясини ҳам тор-мор қилди. Австрия жангсиз Венани топширди. Каолиция Аустерлицда енгилгач 1805 йил 2 декабрда Наполеон билан сулх туздилар.

1806 йилда тўртинчи каолиция бошланди. Наполеон Йене ва Ауэрштед ёнидаги жангда прусслар мағлуб бўлди. 1806 йил октябр охирида Наполеон Берлинга кирди. Наполеон 1806 йил 21 ноябрда континентал қамал тўғрисидаги декретни имзолади.

Унда Франция ва унга қарашли ерларининг Англия билан савдо қилиш тақиқланди. 1807 йил 7 июлда Тильзитда французлар ва руслар ўртасида сулх тузилди. Сулҳга мувофиқ Россия ва Пруссия Наполеоннинг қитъа қамалини тан олди. Поляк ерлари Наполеонга ўтди ва 1793-1795 йилларда Франция билан дўстона муносабатда бўладиган Варшава улуғ герцоглиги тузилди. Наполеон 1808 йилда Испанияга қарши уруш олиб борди. Испанлар қатъий қаршилиқ кўрсатдилар. Бундан фойдаланган Австрия 1809 йилда Англия билан бешинчи каолицияни бошлади. Аммо Ваграм ёнидаги жангда австрийслар тор-мор келтирилди ва 1809 йил октябрда Австрия тинчлик шартномасини тузди. Ва катта ерларини французларга топширди. Наполеон босиб олган ерларни монархия тартибда бошқарди ва у ерларга ўзининг укалари, опалари, невараларини бошлик қилиб куйди: Голландия кироли-Луи Бонапарт, Вестфалияга-Жером Бонапарт, Неаполга-Жозеф

Бонапарт, Испанияга-Жозеф, Тосканага-Элиза (опаси) ва бошқаларга берилди. Наполеон босиб олган ерларда французлардаги тартиблар ўрнатилди.

Францияда 1800 йилда Банк ташкил этилди. Молиявий чоралар мамлакатда саноатнинг ўсишига олиб келди. Аммо қитъа камали француз тўқимачилиги саноатига салбий таъсир кўрсатди. Четдан пахта хом-ашёси келтириш қисқариб кетди. Наполеон империяси ва унинг "улуғ" армиясига 1812 йил Россияда қақшатқич зарба берилди. Бу унга қарши олтинчи коалиция тузилишига олиб келди. Бу коалицияга Россия, Австрия, Англия, Пруссия ва Швеция қатнашди. Иттифоқчилар армияси 1813 йил 16-19 октябрда Лейпцигда "халқлар жанги" да қаттиқ зарба берди. 1814 йил 30 мартда иттифоқчилар армияси Париж деворларига етиб келдилар. 1814 йил 1 апрелда Александр I ва прусс қироли Фридрих Вильгельм 3 армияси Парижга кирдилар. 1 апрелда Талейрон таклифи билан сенат муваққат ҳукумат тузди. 3 апрелда Наполеон тахтдан афдарилганлиги эълон қилинди. 6 апрелда Франция тахтига Людовик 18 тавсия этилди. 1814 йил 11 апрелда иттифоқчилар Наполеонни умрбод Ўрта ер денгизидаги Эльба оролига сургун қилиш тўғрисида Фонтенблода шартнома туздилар. 20 апрелда Наполеон Фонтенблода ўз гвардияси билан хайрлашиб, сургунга равона бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Великая французская революция и Россия. под ред. А.В.Адо, В.Г.Сироткина. М. 1989. т 1-2
2. Документи истории великой французской революции. Сост. А.В. Адо и др. М. 1990
3. Куропоткин П.А. Великая французская революция 17 89-1793. М. 1979.
4. Шиканов В.Н. Созвездие Наполеона: Маршал Первой империи. М. 1999

4-МАВЗУ: АҚШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ФУҚАРОЛАР УРУШИ

Асосий саволлар:

1. АҚШ ривожланишининг асосий хусусиятлари икки партиячилик системасининг вужудга келиши
2. Шимол ва Жануб ўртасида келишмовчиликларнинг етилиши ва 1861-1865 йиллардаги Фуқаролар уруши
3. Жанубнинг Реконструкция қилиниши (1865-1877 йй)
4. Фуқаролар уруши ва Жанубнинг Реконструкция қилинишининг ахамияти

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий хусусиятлари. АҚШда иккипартиячилик системасининг вужудга келиши ва уларнинг давлатни идора қилиш борасидаги ўзаро курашлари. Шимол ва жануб ўртасида қарама-қаршиликларнинг кучайиши ва фуқаролар урушининг бошланиши.

1861-1865 йилларда фуқаролар уруши ва унинг бориши. Урушнинг тугаши ва жанубий реконструкция қилиш учун кураш 1865-1877 йилларга жанубни реконструкция қилишнинг натижалари

Фуқаролар уруши ва жанубни реконструкция қилишнинг ахамияти. XIX асрнинг биринчи ўн йиллик даврида АҚШ ғарбий Европа хусусан саноат ривожига жихатидан Англиядан анча орқада эди. ҳали АҚШ иқтисодий жихатдан аграр мамлакат эди.

Бироқ, капитал тўплаш, ички бозорнинг вужудга келиши, кашфиётлар қилинишнинг ўсиши (патент бюроси), иммиграция орасида кўплаб тажрибали механиклар ва инженерларнинг келиши индустриал инқилобга олиб келди. Фабрика типидagi корхоналар дастлаб 1790 йилларда пайдо бўлди. Кейинчалик фабрика системаси тўқимачилик металлургия соҳаларида ҳам жорий бўлди.

Мамлакатнинг иқтисодий юксалишида транспорт тармоғининг роли асосий ўринда турар эди. Америкаликлар ва иммигрантлар ғарбдаги ерларга бориб ўрнашдилар ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. XIX асрнинг биринчи чорагида каналлар қазилди йўли билан Атлантика океанига қуйиладиган дарёлар суви янги ерларга оқизилди. Буюк кўллар ички районлар билан бирлаштирилди. XIX аср ўрталарида 100 лаб параходлар сузар эди. 30-йиллар бошларида темир йўллар қуриш бошланди ва 1860 йилга келганда

АҚШ дунёда темир йўлларнинг умумий узунлиги 30000 миль (1 миль-1,6 км) га етказди ва биринчи ўринга чиқиб олди. 1869 йилда трансконтинентал магистрал очилди. Темир йўллар бўйлаб шаҳарлар телеграф линиялари билан боғланди.

1861 йилга келганда қўшма Штатларда асосан Шарқ ва ғарбда 40 та штат пайдо бўлди. XIX аср ўрталарида мамлакат чегараси Тинч океани қирғоқларига етиб борди.

1867 йилда Россиядан Аляска сотиб олинди. Айна вақтда Франция, Испания ва Мексикага қарашли ерлар турли йўллар билан қўшиб олинди.

Ярим аср мобайнида ғарбдаги ерлар асосан ишга туширилди. Дастлаб ерлар катта-катта участка сифатида катта нархларда сотилган бўлса, кейинчалик майда участкаларга бўлиниб арзон нархларда сотиладиган, ҳатто ерларда аренда асосида ишлаш мумкин эди. Оилавий типдаги фермер хўжаликлари кўпайиб борди. Улар ғалла, маккажўхори, чўчка гўшти етиштириб уни Шарқ ва Жанубга олиб бориб сотар эдилар. Ғарбдаги аграр хўжаликларга арзон саноат молларининг кириб келиши уларни бундай молар ишлаб чиқаришдан холос этди ва бу улар учун арзонга тушар эди. 40-йилларда қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш анча кучайди ва оғир қўл меҳнатини энгиллаштирди.

АҚШ да саноат ишчилар синфи пайдо бўлди. Америкаликлар пул тўланадиган оилада катта фарзандга мерос қолиши мумкин эди, шу сабабли ёшлар завод ва фабрикаларда (ўзига тўқ оила фарзандлари ҳам) ишларга борар эдилар ва ўз кунини, турмушини ўзи ҳал қилар эди. Каттага бўлиб мустақил мулк эгасига айланар эди.

Саноатда ишлаш бир неча йил ёки бир йил ҳам бўлиши мумкин эди. Оддий ишчи бир кунда бир доллар иш ҳақи олар эди.

АҚШ жамоатчилиги ҳаракатчан бўлиб, улар бир иш билан банд бўлиб қолмас, ўзи учун энг фойдали иш топгунча ишни ўзгартириб бора эдилар. 1859 йилда рус олими ва сайёҳи А.Лакиер америкаликлар бир иш билан боғланиб қолмасдан, улар бутун деҳқон, эртага чиновник, сўнг савдогар, денгизчи, қанчки ўзи даромадли деб топган ишигача ҳаракатни давом эттираверадилар деб ёзган эди.

Масалан XIX аср иккинчи ярмида пулат эритиш саноати магнатларидан бири бўлган Эндрю Карнеги АҚШ га Шотландиядан келган бўлиб, у темир йўл хизматчиси, 12 йил тўқимачилик фабрикасида ёрдамчи ишчи бўлиб ишлаган эди. Жанубдаги штатларда плантатор куллар ҳукмрон бўлиб, бу ерларда Англия саноати учун пахта, шоли, шакар, тамаки ишлаб чиқириш йўлга қўйилган эди. 1793 йилда плантаторлар пахтани чигитидан

ажратадиган станок "жина" дан фойдалана бошладилар ва плантацияларда иш унумдорлиги 100 ва минг баробар ўсиб кетди.

Кулчилик ишчиларнинг эркин ишлашга тўсиқ эди. Куллар саноат корхоналарида ҳам ишлар эдилар ва улар эркин ишчилар билан рақобатлашар эдилар. Кулларга бўлган талаблар ошиб боргани сари уларнинг нархлари ҳам ошиб борди. 1859 йилда янги Орлеон аукциониди 1,5 минг долларга, бир йилдан сўнг эса, 4,5 минг долларга бир кул сотилган. Бу пулга ғарбда тўлиқ таъминланган ферма қуриш мумкин эди. Жанубда куллар "тирик капитал" эдилар. 1808 йилдан бошлаб АҚШ Конституциясига мувофиқ тутқунларни мамлакатга келтириш таъқиқланган эди, аммо кулдорлар бунинг ҳам йўлини топдилар. Улар кулларда туғилишнинг кўпчилигини ҳисобга олиб, уларнинг турмуш оила қуришига рухсат берди, қўллаб-қувватлади, ҳатто никоҳсиз туғилишига ҳам йўл берилди. Махсус "ферма"лар ташкил этилди ва улар сотилар эди (у ерда кулларга "ажралишга" рухсат берилар эди).

Куллардан кўпроқ фойда олиш учун уларга кучли овқат бериш, яхши дам олишларига шароит яратиб беришга ҳаракат қилардилар. Ишлайдиган куллар болаларини энагалар боқар эди. Кулчилик идеологиясида куллар ғарбдаги ёлланманма ишчи ва шаҳарлардаги ишсизлардан яхши яшайди деб кўрсатилар эди. Ёзувчи аёл Г.Бичер-Стоу "Том тоғанинг кулбаси" (1852 й) асарида кулларнинг оғир аҳволини тасвирлаб берган эди. Кулларнинг тутқунликдаги меҳнати гуманизмга зид эди. Плантация хўжалигини ривожлантириш саноатида бўлгани каби машиналарнинг иш унумини ошириш, ёлланманма ишчилар сонини кўпайтириш ҳисобига бўлмасдан, балким экстенсив характерига эга бўлиб, пахта, тамаки ернинг кучини олиб қўяди ва янги ерларни талаб қилади. Шу сабаби жануб кулдорлари учун янги ерлар зарурати кучайиб борди.

XIX аср бошларида АҚШ ташқи сиёсати активлашди ва у йўналишда Шимолнинг савдо буржуазияси ва Жанубнинг плантаторлари мафаатларига асосланиб олиб борилди.

Биринчиси бартараф мамлакат байроғи остида эркин денгиз савдосига эришиш, иккинчиси эса территориал экспансия, асосан жанубий-ғарбий йўналиши бўйича амалга оширилди. АҚШ ўз денгиз савдосини Англия босқинидан ҳимоя этиб 1812 йилда Англияга уруш эълон қилди. 1815 йилда тинчлик битими тузилди. АҚШ катта ютуқларга эришмаган бўлса ҳам, унинг халқаро обрўси ошди. Англия билан савдо сотиқ қилиш тўхтатилди ва АҚШ махаллий

1803 йилдаёқ АҚШ жуда нозик сиёсат юритиб, ўз территориясини икки баробарга кенгайтиришга муваффақ бўлди. Франциядан 1 млн. кв миль территорияга эга бўлган Луизианани 15 млн. долларга сотиб олди. (Бу ерни Наполеон 1800 йилда Испаниядан тортиб олган эди). АҚШ 1810-1818 йилларда заифлашиб қолган Испанияга қарашли Флорида ярим оролини парча-парча қилиб тортиб олди. 1819 йилда Испания бутун Флоридани АҚШга топширди. АҚШ тинч океанига қадар бўлган ерларни эгаллаши учун кенг йўл очилди. Испания Жанубий Америкадаги барча ерларидан ажралгач АҚШ бутун ғарбий яримшарда гегемонлик қилиш имкониятига эга бўлди. 1823 йилда Монро докторинаси (ҳукумат бошлиғи) эълон қилинди. Унда Лотин Америкасига Америка континетидаги воқеаларга Европа давлатларининг аралашуви, АҚШ га экспансия уюштириш мумкин эмаслиги кўрсатилди. Аммо ўша вақтда Испания ҳам, "Муқаддас иттифоқ" аъзолари ҳам, Лотин Америкаси ишларига аралашуш имкониятига эга эмас эди. АҚШ лотин Америкасидаги озодлик ҳаракатини табриклаш билан бирга йигирма йиллар давомида ўз қўшнисини бўлган Мексикани урушлар гирдобига тортиб келди. 1836 йилда Техас мустақил республика деб эълон қилинди. Натижада 1846-1848 йилларда АҚШ Мексика уруши келиб чиқди ва АҚШ ғалабаси билан тугалланди. Мексика нафақат Техас, балки Калифорния, Аризона ва янги Мексикадан ажралди ва улар эвазига 15 млн доллар компенсация олди холос. Бу Мексика территориясининг деярли ярмини йўқотди деган сўз эди. Бу ҳаракатлар Англияга ёқмаган бўлса ҳам, у Шарқда экспансия олиб бораётганлиги сабабли етарли эътибор бермади. АҚШ ўз территориясини 1867 йилда рус Америкасини (Алеут ороли ва Аляска) 7,2 млн долларга сотиб олиш билан янада кенгайтди. Америка республикаси сиёсий ҳаётида икки партиячилик муҳим роль ўйнаб келмоқда. 1828 йилгача АҚШ сиёсий ҳаётида битта партия миллий республикачилар партияси ҳукмронлик қилиб келди. Бу партияни жануб плантаторлар блоки Шимол буржуазиясининг бир қисми ва ғарб фермерлари куллар эди. Штатларда сайлов ҳуқуқлари кенгайтириш ғарбдаги ерларнинг ўзлаштириб борилиши янгича сиёсий муносабатларни келтириб чиқарди. АҚШ Президенти Эндрю Жексон (1829-1837 йй) даврида у сайловчиларни ўзига жалб қила олди. Халқ тарафдори, демократия учун курашчи қилиб кўрсатди. У тараф ставкаларини пасайтирди. АҚШ Марказий Банкни (1836 й) тарқатиб юборди. Бу хусусий банкирлар учун

кредит олувчи ишбилармонлар, фермерлар учун фойдали бўлди. Жексон амалда янги Демократлар партиясига асос солди (хозир ҳам бор). Бу партия вакиллари 1841 йилгача танҳо ҳукмронлик қилди. 1846 йилда президент бўлган Уильям Гаррисон миллий республикачилар партиясига сиёсатини юритди. Бу икки партия лидерлари 1860 йилгача бир-бири билан алмашиб давлатни бошқардилар.

1854 йилда Чикагода янги Республикачилар партиясига тузилди (хозир ҳам мавжуд). Унинг лидери Авраам Линкольн бўлиб, у мамлакатда демократияни кучайтириш негр кулларни озод қилиш ва аграр соҳада радикал реформалар ўтказиш сиёсатини юритди. 1885 йилгача республикачилар партиясига мамлакатни бошқарди. Шундай сўн Оқ уйга демократ-президент келди ва АҚШда икки партиячилик системаси гулиқ қарор топди.

АҚШ Европадаги энг ривожланган мамлакатлардан ҳам узиб кетди. Мамлакатга утопик социализм ва марксизм таъсир қилмади. АҚШ шахсининг индивидуал эркинлиги, хусусий мулк ва оила тўкинлиги қадрланадиган мамлакат бўлиб қолди.

2. XIX аср биринчи ярмида АҚШда колонизациянинг (ерларни "ўзлаштириш) икки оқими-шимол ва жануб оқимлари вужудга келди. Бу эркин ва қулчилик штатларига боғлиқ эди. Бу икки система бир мамлакатда мавжуд бўлиб, шимолий штатлар конституциясида қулчилик таъқиқланган эди.

Улар манфаатлари Конгрессда ҳам тўқнаш келар эди. 1820 йилда Компромиссга мувофиқ 36° 30' шимолий кенгликдан жанубий қисми қулчилик, шимолий қисми эркин штатлар деб эълон қилинди. Бу қулдорларни ҳониқтирмади. Уларга қарши 1848 йилда фрисойлер сиёсий партиясига ("фри сойл"-озод ер) тузилди ва бу партия янги территорияларда қулчиликнинг тарқалишига қарши чиқдилар.

Мексикадан тортиб олинган ерлар масаласида яна кураш кескинлашди. 1850 йилда вақтинчалик янги компромисс тузилди.

Олтин конлари топилган Калифорния конгресс қарори билан эркин штат, Нью-Мексико ва Юта эса статусини ўзлари ҳал қилсин дейилди. Уч йилдан кейин худди шу масала Канзас ва Небраска территорияларига ҳам қўйилди. Жанубликлар бу ерларни "скваттерлар суверенитети" яъни биринчи келганлар ҳал қилади деб ўз манфаатларини сақлаб қолдилар. Қулдорлар қулчиликни бутун мамлакатда қонун кучига киритишга ҳаракат қилдилар. Бу масалани фақат АҚШ Олий суди ҳал қилиши мумкин эди. 1857 йилда Олий суд қулчиликни тақиқлаган ҳар қандай қонун конституциясига хилоф деб қулчиликни ёқлаб чиқди.

Худди шу даврда Канзасда қулчиликка қарши ва тарафдорлар ўртасида кураш кескинлашди. Миссури ва бошқа жануб штатлардан келаётган омма билан эркин штатлар фермерлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар кучайиб кетди.

Ҳокимият тепасига келган республикачилар партиясига ер масаласини тубдан радикал тарзда ҳал қилиш, фермерларни қўллаб-қувватлаш учун жануб сиёсатига қарши бўлган кучларни бирлаштирди. 1861 йилда республикачиларга Авраам Линкольн бошчилик қилди ва у президент қилиб сайлашди. Л. Линкольн халқ президенти эди, у камбағал оиладан чиққан ўз меҳнати ўз билими (адвокат даражасига етган) билан обрў қозонган ҳалол одам эди.

АҚШ да фуқаролар урушининг "бош репетицияси" Канзасда қулчиликка қарши бўлган Жон Браунинг "юриши" бўлди. У 22 киши билан 1859 йил октябрда Харпер-Ферри (Виргиния)да қурол-яроқ омборидан қурол ўғирлаб, қулдорларга қарши ҳаракат қилмоқчи бўлди. Уни ҳеч ким қўлламади. Исён бостирилди. 1859 йил 2 декабрда улар дорга осилди. Браун ўлими олдидан бу лаънати мамлакат айби фақат қон билан ювилади деган эди.

Қулдорлар ўз олдидарига қулчиликни бутун мамлакатга ёйиш, ҳеч бўлмаганда қулчилик штатларини Шимолдан мустақил бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар эдилар. Бу ҳолат 1832 йилда Жанубий Каролинада, 1850 йилда жанубликлар ажралиб чиқишга уринишган эдилар. Бу ҳаракатлар президентлар Жексон ва Закари Тейлор томонидан тўхтатиб қолинган эди. А. Линкольннинг президент бўлиши қулдорларнинг янгидан бош кўтаришига сабаб бўлди. Шимолликлар кучсизланиб қолишини истамас эдилар.

1861 йил қиш-баҳорида ўн битта жануб штатлари Конфедерацияси, (қолганлари нейтралист ҳолатини сақлаб қолди) ташкил этилди. 1861 йил 13 апрелда жанубликлар Чарлтон бухтасидаги (Жанубий Каролина) федерал форт Самтерни тўпга тўтиб, уларни тор-мўр қилиб АҚШ тарихида тўрт йил давом этган қонли фуқаролар урушини бошлаб бердилар. Асосий саноат корхоналари, аҳоли ресурслари кўпчилиги Шимолда бўлса, жануб уюшган (у ерда қулчилик диктатураси мавжуд) ва ғарбий офицерлар, қурол-яроқ запаслари кўп бўлиб, улар тез ва қатъий хужум билан ғалаба қилишларини билар эдилар.

Жануб плантаторлари фақат яшаш учун эмас, балки ҳаёт-мамот учун янги (шимолликлар)ларни ўзларининг ватандошлари эмас, балки ашаддий душманлари деб билар эдилар. Бундан ташқари Шимол буржуазияси орасида плантаторлар билан ҳамкор бўлиб келаётганлар ҳам етарли эди. Жанубнинг оқ танли аҳолисининг

маънавий-психологик ҳолатини адибга Маргарет Митчелл ўзининг “Унесенний ветром” (Шамол олиб кетган) романида кўрсатиб берган.

Урушда иккиланиш шимолликларга қимматга тушди. 1861 йил июн ойида жанубликлар пойтахт Вашингтонни босиб олишга сал қолди. Шимолликлар 1861 йил охирида армия сонини 650 минг кишига етказган бўлса ҳам, улар қисиб бориш (доира) (“анаконда—план”), йўлини тутди. Бир неча минг милга чўзилган Фронтни ёриб ўтиш осон эди. Бу ҳолат 1862 йилда рўй берди.

Феодал армия бир вақтнинг ўзида ғарбда (Миссисипи дарёси бассейнида) ва шарқдан (Виргиния) генерал Улисс Грант раҳбарлигида ҳужумга ўтди ва бир қанча шаҳарлар озод этилди. Флот ёрдамида янги Орлеан қўлга киритилди. Конфедерация армиясига Р.Ли қўмондонлик қилар эди. Улар конфедерация пойтахти бўлган Ричмондни химоя қилар эди ва федералистлар ҳужумини қайтарар эди.

Линкольн ҳукуматининг қатъий сиёсий чоралари туфайлигина уруш шимолликлар фойдасига ўзгара бошлашга имкон туғилди. 1862 йил 20 майда гомстедлар тўғрисида қонун ва 22 сентябрда кулларни озод қилиш тўғрисида АКТ қабул қилинди.

Биринчи қонунда қўшма Штатларга қарши исёнда қатнашмаётган ва 10 доллар миқдорида бож тўлашга қурби етадиган кишиларга гомстед 160 акр (64 га) ер фермерлик учун бериладиган бўлди. Беш йил шу ерда яшаган кишига ер бепул ўзида қолдирилади дейилган эди. Бу масала иммигрантлар ер олувчилари учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Улар ер олиш учун жануб исёнини бостириш заруратини тушуниб етдилар.

Иккинчи қонунда 1863 йил 1 январдан бошлаб куллар озод деб эълон қилинди. Кўплаб негр куллар шимолга қочиб кетиб, федералистларга қўшилди. Жанубнинг аҳволи оғирлашди. Денгиз йўлининг қирғиб қўшилиши уларнинг Европага пахта чиқариши ва ерлардан озиқ-овқат медикаментлар олиб келишни қийинлаштирди. Озиқ-овқат запаслари чегарага келиб қолди, аммо ғарбий кучлари ҳали синдирилмаган эди.

Жанубликлар 1863 йил баҳорида Виргиниядаги Чанселорвилле ёнида Ли армияси федералистларга кучли зарба берди. Бу жанубликларнинг охириги кучли зарбаси эди.

Шимол саноатида тўнтариш бўлиб, у тўлиқ қувват билан ишлай бошлади. Фермер ҳўжалиги ривожланди, одам ресурслари кўпайиб борди. Негрлар жон дили билан ёрдам берди. Четдан керакли

моллар ўз вақтида шимолга келиб турди. Буларнинг ҳаммаси исёни бостириш учун асос бўлди.

1863 йил июл ойида Геттисберг ёнида (Пенсильвания) Ли армияси орқага Виргинияга улоқтириб ташланди. Грант армияси конфедералистларнинг таянч нуқталаридан бири бўлган миссисипи дарёси қирғоғидаги Викеберг шаҳрини эгалладилар. Бу урушда қискин бурилиш ясади. 1864 йил баҳорида федерал кучлар ғарбдан конфедерациянинг юраги бўлган Жоржия штатига ҳужум бошлади. Кузида генерал Уильям Шерман йирик саноат шаҳри бўлган жанубий Атлантика қўлга киритди ва денгизга юришни бошлади. 1865 йил апрел бошларида Ричмонд қўлга киритилди (Конфедерия пойтахти) 1865 йил 9 апрелда 28 минг киши билан Ли таслим бўлди Жануб жамаи 175 минг кишини асир олди.

Шундай қилиб 600 минг кишининг ёстиғини қуритган фуқаролар уруши якун топди. Авраам Линкольн 14 апрелда актёр Бус томонидан отиб ўлдирилди.

Линкольн АҚШни қулчиликдан холи Конфедерацияга асосланган тенг штатлар мамлакат сифатида кўришни орзу қилган, ўз даврининг энг машхур сиёсатчиларидан бири оддий америкалик фуқаро эди. Афсуслар бўлсинки жанубни Реконструкция (тиклаш) қилиш Линкольн орзу қилган ўзини бахшида этиш йўлидан бормади.

3. 1865 йил апрелда сенат қулчиликни бекор қилиш тўғрисидаги қонунни тасдиқлади. Конституцияга 13-тузатиш киритилди. Аммо жануб қай ҳолатда бошқарилади, иттифоққа қандай йўллар билан бирлаштирилади, бу масалалар очиқдан-очиқ тўсиқларга учради. Линкольн ўлиmidан сўнг президент ва конгресс ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди. Янги президент Эндрю Жонсон обрўси йўқ, лаёқатсиз киши эди. У 1865 йил май ойида амнистия тўғрисида қонун қабул қилди. Унда кулдорларнинг гражданлик, сиёсий, хусусий мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқлари (фақат қул сақлаш мумкин эмас) тикланди. Уруш йилларида тортиб олинган ерлар яна плантаторларга қайтариб берилди. Улар яна қора танлиларга ҳужайин бўлиб қолдилар. Қора танлилар ер олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Уларнинг эркинликлари, сўз, матбуот йиғилишлар қилиш, оқ танли билан никоҳда бўлиши таъқиқланди (“қоралар кодекси”) махсус террорчи ташкилотлар кулуксклан ташкилотлари негрларни уларга хайрихоҳ бўлган оқ танли кишиларни террор қилдилар.

Жанубда янги фуқаролар уруши бошланди. Бу урушда плантаторлар билан озод бўлган куллар қатнашдилар. Озод бўлган куллар ўз ҳуқуқлари учун ер олиш учун курашдилар. Улар юнионистлар лигаси иттифоқини туздилар.

1866 йил июл ойида Конгресс Конституциясига 14 ўзгартиришни киритди. Унда Конфедерация лидерларини давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқларидан маҳрум қилди, қора танли билан ок танли фуқаролар ҳуқуқлари тенглаштирилди "қоралар кодекси тақиқланди. Сайловларда республикачилар 2/3 овоз олиб ғалаба қилдилар ва Жанубни тиклаш масаласига эътиборни қаратди. 1867 йилда жанубда ғарбий ҳолат эълон қилинди ва бу штатлардаги Конституциялар бекор қилинди. 1868 йил июлда жануб штатлари 14-тузатишни ратификация қилди ва жанубдаги уруш ҳолатига барҳам берилди.

Жанубни қайта тиклаш оғир кечди, аммо террор ва диктатура режимига йўл қўйилмади (якобинчилардан фарқи). Ҳамма масалалар қонун йўли билан ҳал этиб борилди. 1870 йилда Конституцияга 15-тузатиш киритилди.

15 тузатишда АҚШ да сайловда овоз беришда тузилиши, ирқи ўтмишда қул бўлганлиги ҳисобга олинмайди, дейилган эди. Негларга ер бериш масаласи тўла ҳал бўлмади. Плантацияларни бўлиб сотишга руҳсат берилди. Кучмас мулки бор негр ўз хўжалигини юритиши мумкин эди. Шунга қарамай жануб штатларида ҳам 1862 йилги гомстедлар тўғрисидаги қонун (160 акр ер бериш) амал қила бошлади. Негрларни маорифли қилиш борасида тадбирлар ўтказилди. 1880 йилга келганда негрлар орасида саводсизлик 70% га қискарди. Негрлар маҳаллий органларга, ҳатто Конгрессга сайланиш ҳуқуқларидан фойдаландилар.

1868 йилда президент Жонсон импичмент¹га тушди. Бир сенатор овози кўп бўлганлиги билан у президентликни сақлаб қолди.

1869 йилда собик ғарбий кўмондон генерал У. Грант президент бўлди. Унинг даврида тадбиркорларга кенг йўл очиб берилди. Ўзи ҳам биржа операциялари билан шуғулланган. Жануб плантаторлари ҳам замон зайли билан "ер аркстократияси"дан буржуа коммерсантга айланиб борди.

Марксист-тарихчилар фуқаролар урушини прогрессив буржуазия раҳбарлигида XIX асрда бўлган миллий-озодлик ва бирлашиш ҳаракатига тенглаштирадилар. Улар бу охирига етказилмаган, буржуа -демократик инқилоб, унинг вазифаси негрларни қулликдан озод қилиш, уларга ер бериш эди деб кўрсатадилар Сенат суди: юқори лавозимли кишиларга айб қўйиш.

Бироқ Шимол Жануб билан негрларни озод қилиш учун урушмадилар, балки қуролли исённи бостириш, эски ягона давлатни конституция асосида тиклаш эди. Фақат шундай сиёсат юритиш шимолликлар учун тушунарли ва улар ўз ҳам юртларига қарши

курашдилар. Бир қанча қулчилик штатлари нейтралитет қолганлиги учун улардаги плантаторлар ҳуқуқи эскилиги билан сақлаб қолинди.

Жанубда қулчиликни бекор қилиш, қулларнинг ички исёнларга қарши туришини таъминлаш (плантаторга қарши курашдилар, яна қул бўлишни истамадилар, қулларни қонуний ҳуқумат томонига ағдариб олиш эди.

Бош натижаси фуқаролар уруши ва жанубни тиклашнинг яхши ўтганлигини сақлаб қолиш ва қулчиликни бекор қилиш эди. Уруш иқтисодий ривожланиши пасайишига олиб келган бўлса ҳам, охири оқибатда у бутун мамлакат бўйлаб капитализмнинг эркин ривожланиши учун шароит яратиб берди.

1862 йилда гомстед тўғрисидаги АКТ мамлакатда аграр масалани демократик йўл билан ҳал қилиш, давлат ихтиёридаги бўш ерларни хусусий кишилар ихтиёрига бериш масаласини ниҳоятда тез аграр масала тарихида қўрилмаган даражада ҳал қилди.

1861 йилдан 1884 йилгача ҳукмронлик қилган Республикачилар партияси саноат ва молия тузилишини ривожлантириш учун бир қанча тадбиркорларни амалга оширди.

Фуқаролар урушидан кейин ҳам Жануб АҚШнинг энг қолоқ штатлари сифатида узоқ вақт қолиб кетди. Плантаторлар асосий бойликлари бўлган қуллар ва ерлар бир қисмидан маҳрум бўлдилар. Кўпгина плантациялар янги эгаларига ўтиб кетди, майда бўлақларга бўлиб сотиб юборилди, арендага берилди. Бу ерларда негрлар қуллар сифатида эмас, балки батрақлар ёки арендаторлар бўлиб ишладилар ва етиштирган ҳосилининг бир қисмини хўжайинга бердилар.

Жаҳон бозорида пахта нархининг тушиши аммо талаб катталиги сабабли унинг унумдорлигини ошириш учун курашдилар. Пахта ҳосилига қараб кредитлар берилар эди.

Қулчиликнинг бекор қилиниши жанубда ишчилар синфини вужудга келтириш йўлидаги биринчи қадам эди. Бунга бош тўсиқ жанубда ирқий дискриминация-қора танлиларни энг оғир ишларга қабул қилиниши, "бу иш оқтанлига эмас" каби ғоялар бутун АҚШда кенг тарқалди. Конституцияга 14-15 ўзгаришлар киритилган бўлса ҳам, қора танлилар мамлакат аҳолисининг "қашшоқ қатлами" бўлиб, қола берди, гарчи улар орасида ўқимишли, мулкдор кишилар пайдо бўлган бўлса ҳам тиклаш қулчилик қолдиқларини батамом тугатиш имконига эга бўлмади.

Бунинг учун қора танлилар ҳисобига ерни қайта тақсимлаш керак эди, бу эса мамлакатда янгидан ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин эди. Бу масала эволюция йўли билан олиб

борилди. Америкаликлар умуминсоний қадриятлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни биринчи марта 1776 йилда (Инсон ҳуқуқлари Декларацияси) эълон қилган бўлса уни юз йилдан сўнг негрларни қулликдан озод қилиш билан ҳал этдилар. Бу йилда биринчи қадамни А.Линкольн қулликни бекор қилиш билан бошлаб берган эди. 1787 йилги конституцияга биноан қонун чиқарувчи ҳокимият конгрессга қарашли бўлиб, у икки палатадан депутатлар палатаси ва сенатдан иборат эди. Мустақиллик декларацияси 1776 йил 4 июл Фелодельфияда Томас Жефферсон томонидан ишлаб чиқилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Соединенных Штати Америки: Конституция и законодательные акт пер Сангл М., 1993.
2. История внешней политики и дипломатии США 1775-1877 Под ред Н.Н. Волховитиднова, М., 1994.
3. История США: В 4 т М., 1983-1983-1987 Т.1.
4. Шпотов Б.М. Промышленный переворот в США В. 2 ч М., 1991.

5-МАВЗУ: МУСТАМЛАКАЧИЛИК ИМПЕРИЯЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Асосий саволлар:

1. Голландия ва Англияда мустамлакачилик империяларига асос солиниши
2. XVII-XVIII асрларда мустамлакалар учун инглиз-француз кураши
3. Европа давлатларининг 1775-1870 йилларда мустамлакалар масаласидаги рақобатлари.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Голландия ва Англия давлатларининг бошқа давлатлар ерларини босиб олиши ва талаши эвазига уларга буйсунувчи мустамлакачилик империяларига асос солиши.

XVII-XVIII асрларда Янги мустамлакалар учун Европа давлатлари, хусусан инглиз-француз ўртасидаги кураш.

1775-1870 йилларда Европа ривожланган давлатлар томонидан Америка, Осиё, Африка қитъасида янги ҳудудлар учун олиб борган ҳаракатлари ва уларнинг оқибатлари.

Мустамлакачилик ва мустамлака империяларнинг ташкил этилиши янги давр маҳсулидир. Мустамлака талончилиги ва савдо метрополияларнинг бойишига, ривожланишига ва дастлабки капитал жамғарилишига олиб келди.

Испан ва Португалларнинг Америка, Осиё ва Африкадан ташиб келинган бойликлари Голландия ва Англияда капитализмнинг ривожланишига туртки берди.

Шу сабабли мустамлакачилик системасига асос солиш шу икки давлат зиммасига тушди ёки ҳиссасига тўғри келди.

1. Биринчи мустамлакачилик ҳаракати XVI аср охирида.

Голландия (Нидерландлар ҳиссасига тўғри келди. Бу шунчаки сабаб эмас 1566-1609 йилларда Голландияда инқилоб туфайли капиталистик муносабатлар пайдо бўлди.

Итқисодий ривожланиш, денгизда ҳукмронлиги (1588 "Улуғ армада" ҳалокатидан сўнг) натижасида голландлар дунёнинг турли ерларини босиб олдилар. 1590-1593 йилларда биринчи голланд экспедицияси ғарбий Африка ва Жанубий Америка қирғоқларига етиб келди. 1595 йилда Ява оролига биринчи голланд савдо экспедицияси келди ва Индонезияда мустамлакачиликка асос

солинди. 1598-1600 йилларда улар португалларга қарши Маврикий оролини эгаллади. Босқинчилик ҳаракатида 1602 йилда асос солинган голланд Ост-Индия савдо мустамлакачи компанияси муҳим роль ўйнади. 1619 йилда Жакарта (Батава) қўлга киритилиб Шарқда таянч нуҳтаси пайдо бўлди. XVIII асрнинг дастлабки икки ўн йилликларида бу компания Шарқий ҳиндистон ва Сиамда таянч нуқталарини ташкил этди. 1638-1658 йилларда португалларга қарши курашиб, Цейлон ороли қўлга киритилди ва ҳукмронлик ўрнатилди. 1641 йилда Малакко қўлга киритилди. 1642 йилда Тайвань ороли, 1652 йилда жанубий Африкада таянч пунктлари барпо этилди.

Голандлар янги дунёни забт қилишга ҳам ҳаракат қилдилар. 1609 йилда Ост-Индия компанияси инглиз денгиз сайёҳи Гудзон раҳбарлигидаги экспедициясини Шимолий Америкага жўнатди. 1621 йилда Вест-Индия компанияси тузилди ва у Шимолий Америкада Янги Нидерландия ва Янги Амстердам шаҳрига асос солдилар. Шаҳар Манхэттен орасида (ҳозир Нью-Йоркнинг марказий қисми) қурилди. Манхэттен ороли индец қабила бошлиқларига пичоқ, одеал, тақинчоқлар (жами нархи ҳозирги нарҳда бир неча ўн доллар) бериш ҳисобига "сотиб" олинган.

XVIII аср 40 йилларида жанубий Америкада Португалияга қарашли Бразилия устидан контрол ўрнатди кейинчалик Португалия Бразилияни 8 млн гульденга Голландиядан қайтариб олди. Голландиянинг бу ердан кетишга Бразилияда уларга қарши кўтарилган кўзғолон сабаб бўлган эди.

XVII аср биринчи ярми Голландия мустамлакачилик системасига асос солиш даври бўлди. XVII аср ўрталарида Голландия жаҳонда савдо, кемачилик, кемасозликда биринчи ўринга чиқиб олди. Голландия флоти кемалари Англия флоти кемаларидан ўн баробар ортиқ эди. XVII аср ўрталарида Африканинг ғарбий қирғоқларидаги Луанда, Эльмин, Каво-Корсо таянч пунктларини ташкил этди. Ява ороли қул савдоси бозорига айлантирилди.

Англия ҳам Голландия босқинчилари билан деярли бир вақтда мустамлакачилик олиб борди. Англия ҳукумати қўллаб-қувватланган ўз қароқчилари ёрдами Португалия ва Испания мустамлакачилик гегемониясига зарба беришда муҳим роль ўйнади "қирол қароқчилари" Фрэнсис Дрейк, Уолтер Рейли, Жон Хокинс ва бошқа португалиянинг денгиздаги ҳукмронлигига катта зарба бердилар.

XVI аср 80 йилларида Дрейкўз экспедицияси билан Флорида қирғоқларидаги, Чили, Перу ва Калифорниядаги Испан шаҳарларини талади ва Англияга Тинч ва ҳинд океанлари орқали

Магелландан сўнг иккинчи бўлиб дунё бўйлаб сайёҳат қилиб қайтиб келди, Дрейк "хизматлари" учун адмирал унвони ва дворян титулига эга бўлди. Англия 1600 йилда ўзининг Ост-Индия компаниясини тузди. Компанияга 1609 йилда корол буйруғи билан ҳинд ва тинч океани зонасида "абадий мудлатгача" монопол савдо қилиш ҳуқуқи берилди.

XVII аср бошларида Шимолий Америкада Англиянинг дастлабки мустамлакасига асос солинди. 1607 йилда Виргинияда (номи виржин бева дегани) "Эрсиз қиролича-мустамлака" вужудга келди. XVI аср охириги ўн йиллигида Африканинг ғарбий қирғоғида (Замбия) биринчи таянч пункт (фактория) пайдо бўлди ва у қул савдоси учун хизмат қилар эди.

1609 йилда Бермуд ороли. XVII аср биринчи ярмида Кариб хавзасидаги ороллари (барбадос, Антигуа, Монсеррат ва бошқалар), Марказий Америка территорияларини (умумий номи Британия Гандурасни) эгаллади ва Испания Америкаси йўлидаги стратегик муҳим пунктларга эгалик қилди. Мустамлакалар босиб олишда Англия ҳали Голландиядан орқада эди. Аммо XVII асрдаги инглиз буржуа инқилобидан кейин Англия Голландия мустамлакаларига қарши курашни кучайтирди. Кромвелнинг 1651 йилги "Навигационний акти" (Денгиз акти) Голланд савдоси ва денгизчилигига қаттиқ зарба берди. Уч уруш натижасида (1652-1654, 1665-1667, 1672-1674); Англия Голландия устидан ғалаба қилди. 1665-1667 йиллардаги уруш даврида голландларнинг Шимолий Америкадаги территориялари ва таянч нуқталари, жумладан Янги Амстердамни (ҳозирги Нью-Йорк) босиб олди.

Англия Ҳиндистон қирғоқларида ҳам мустаҳкам ўрнашиб борди. Англия Голландияга қарши кураш жараёнида ўзига яна бир рақиб абсолют Францияни орттирди.

2. Франция буюк географик кашфиётлар давридаёқ Шимолий Америка ва Бразилияда ўз мустамлакаларини яратишга уринган бўлсада аммо у Испания ва Португалия қаршилигига дуч келиб муваффақиятга эришмади.

Франция Шимолий Америкада бой территориялар излаб Буюк кўлларга етиб келди ва бу ердан Миссисипи водийсига чиқиб, бир қанча портлар, жумладан Сан-Луи ва Янги Орлеанга асос солдилар. Бу XVIII аср бошларига тўғри келди.

XVII аср 30 йилларида Франция мустамлакаларига Гваделупа Мартеника, Тобаго Гаитиннинг ғарбий қисми (Сан-Доминго) ва бошқа бир қанча ороллар айлантирилди. Французлар ғарбий Африкада бир қанча савдо мустамлакачи компанияларини (Сенегал, Гвинея ва бошқалар) ташкил этди ва қул савдоси билан шуғулланди.

1638 йилда Французлар ҳинд океанидаги муҳим оролни Бурбон ороли (ҳозирги Реюньон)ни қўлга киритди. XVII аср ўрталарида Вест-Индия мустамлакаларида плантация хўжалиги (шакар қамиш, тамаки, кофе, индиго) етиштириш ривожланди. Плантацияларда Африкадан келтирилган қўллар меҳнат қилар эдилар. 1664 йилда Французлар ост ва Вест Индия компанияларини туздилар. Улар Ҳиндистондаги Чандернагор ва Пондишерни босиб олдилар.

XVII аср охири XVIII аср ўрталарида жаҳон мустамлакачилиги, жаҳон савдоси масаласида Англия ва Франция ўртасидаги муносабатлар кескинлашди ва урушлар олиб келишга сабаб бўлди. Худди шу мақсадда биринчи катта уруш 1701-1714 йилларда Испания тахти учун бўлиб ўтди. Франция династия боғлиқликлари сабабли Испания мустамлакалари устидан контрол ўрнатишга ҳаракат қилар эди. Англия бунга йўл қўймади. Уруш даврида инглизлар Гибралтарни ва Францияга қарашли Шимолий Америкадаги Янги Шотландия ва Ньюфаундлендни эгаллади. 1740-1748 йилларда Австрия тахти учун икки давлат ўртасида уруш келиб чиқди. Шимолий Америка ва Ҳиндистонда ҳукмронлик ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Бу урушлар икки давлат ўртасидаги мустамлакалар масаласидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилмади.

XVIII аср биринчи ярмида Французлар Ҳиндистонда анча муваффақиятларга эришиб, Хайдарободда Корнатик князликларини қўлга киритди, лекин бу узоққа бормади. Чунки метрополия босқинчиларга етарли ёрдам бериш имкониятига эга эмас эди. 1756-1763 йиллардаги етти йиллик уруш даврида инглизлар Французлар мустамлакаларига. Айниқса Ҳиндистонда қаҳшатгич зарбалар берди, 1757 йил июнда 900 инглиз ва 2 минг спохлар Бенгалиянинг (Французлар қўллаб-қувватламоқда эди) 70 минг кишилик армияга зарба берди. Бу инглиз армиясига Р.Клайв раҳбарлик қилган эди. Бундан ташқари бенгал армияси офицерлари инглизларга сотилиб кетдилар. Инглизлар бор йўғи 72 киши йўқотган.

Французларнинг Ҳиндистонда мустамлака империяси тузиш Асосий саволларси чиппакка чиқди ва унинг Ҳиндистон қирғоқларида бешта шаҳарда ҳукмронлиги сақлаб қолинди. 7 йиллик уруш даврида Франциянинг Шимолий Америкадаги Канадаси (Янги Франция) ва Аппалачи ҳамда Миссисипи орлигидаги катта территория Англияга тегди.

XVIII асрнинг дастлабки 10 йилликларида Инглиз Ост-Индия компанияси Ҳиндистонни Бенгалия, Бихор, Орис, Ауд каби

жойларида ва Жанубий Ҳиндистоннинг катта қисмини ўзиники қилиб олди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Англия Францияга қарши кураш олиб бориш жараёнида жаҳонда катта мустамлака империясига асос солди.

3. Шимолий Америкада мустақиллик учун олиб борилган уруш (1775-1783) туфайли Англия ўзининг 13 та мустамлакасидан айрилган бўлсада, у Яна тезда ўзини ўнглаб олди ва дунёнинг бошқа ерларидан янги мустамлакалар босиб олди.

XVIII асрдаги француз инқилоби туфайли унга қарашли мустамлакаларда ҳам миллий озодлик ҳаракатлари кучайди ва янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. 1791 йилда Сан-Домингода негр кул Туссен Лувертюр бошчилигидаги кўзғолон натижасида у 1801 йилда бутун оролда қулчиликни бекор қилди. 1802 йилда кўзғолон бостирилди. Наполеон урушлари даврида Франция мустамлакалари деярли Англия қўлига ўтиб кетди. 1803 йилда Луизананинг ғарбий қисми АҚШга сотиб юборилди.

1814 йилги Париж тинчлик шартномасига кўра Франция қўлида ғарбий яримшарда Сен-Пьер ва Микелон, Гваделупа, Мартеника, Гвиана, Ҳиндистон қирғоғида бешта катта бўлмаган ерлар ҳинд океанидаги Реюньон ороли ва Сенегалда кичик ери қолди.

XVIII аср охирида Англия Голландиянинг мустамлакаларига зарба берди. Англия Жанубий Африкадаги Кап колониясини (1795- 1806), Цейлон (1795-1796), Ява (1811) ва Индонезиядаги қолган голланд мулкларини ўзиники қилиб олди.

XVIII асрда Испания мустамлакалари территорияси жихатдан дунёда биринчи ўринда турар эди. Америкада испан мулклари шимолда Миссури дарёсидан жанубда Магеллан бўғозигача (пролив) бундан ташқари Куба, Пуэрто-Рико, Филиппин, Океаниядаги ороллар ва Африканинг бир қанча ерлари қарар эди. XIX аср бошларида ҳам Испания мустамлакалари кўп бўлсада Испаниянинг заифлиги уларни ўз қўлида узоқ сақлаб туриш имконини бермади.

Испан Америкасида бошланган миллий озодлик ҳаракати 1826 йилга келиб тугади ва Испанияга қарашли ерлар (Куба ва Пуэрто-Рикодан бошқа) мустақил бўлиб кетди.

1703 йилда тузилган Лиссабон шартномасига ва метуэн трактатига биноан (Англия Португалия ўртасида) Португалиянинг деярли барча мустамлакалари Англия қўлига ўтди. 1820-1822 йилларда Бразилияда бўлган озодлик ҳаракати туфайли Португалия ҳукмронлиги бу ерда йўқ қилинди. XIX аср бошларига келганда Испания ва Португалиянинг мустамлакачилик ҳукмронлиги тарих бўлиб қолди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ҳиндистон деярли Англияга тўлик қарам бўлиб қолди. Бу даврда Англия ихтиёрига Канада, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африкадаги ерлар, 1819 йилда Сингапур, 1839 йилда Аден, 1840-1842 йилларда Сянган (Гонконг) ороли ўтди. XIX аср ўрталарида жаҳон энг катта мустамлака империясига асос солди. Унинг умумий ер майдони 11 млн кв.км бўлиб, бу ерларда 120 млн киши яшар эди. Франция 1830 йилги инқилобдан сўнг яна босқинчилик ҳаракатини кучайтирди. XIX аср ўрталарида Французлар Тунис ва Мароккага кириб бордилар. 1858-1867 йилларда Вьетнамнинг жанубий қисми (Ҳиндихитой ярим оролида) 1863 йилда Камбодже, 1842-1847 йилларда Океаниядаги Полинезия ороллари ва 1853 йилда Янги Каледон ороллари эгалланди. 1869 йилда Мисрдан ўтувчи ва Ўрта ер денгизи билан Ҳинд океанини боғлайдиган канални ўз ихтиёрига олди (Сувайш).

XIX аср ўрталарида АҚШ ҳам Лотин Америкаси мамлакатларига, Хитой ва Японияга ҳамда Тинч океанидаги оролларга қарши экспансияларини бошлади. Худди шундай сиёсатни Россия ҳам давом эттирди.

Дастлабки жамғармаларни тўплаш, Европа давлатлари, хусусан Англия учун қул савдосидан келган эди. Бу XV асрдан то XIX аср ўрталаригача давом этди.

Африка шу даврда 65 млн дан 100 млн гача бўлган одамларни қул бўлишни бошидан кечирди. Англиянинг Вест-Индия компанияси 1680 йилдан 1786 йилгача Америкага 2 млн дан ортиқ африкаликларни қул қилиб олиб кетган эди. Қул савдоси Францияни ва бошқа Европа давлатларини бойитди.

Ливерпуль, Бристоль, Лондон, Баордо, Нант каби шаҳарлар иқтисодий жиҳатдан гуллаб яшнади.

XIX аср биринчи ярмида келганда мустамлакаларни эксплуатация қилиш сиёсатида ўзгаришлар рўй берди, мустамлакаларни бошқаришда реформалар (колониал кўманияларнинг савдо монополиясини чеклаш ва бекор қилиш ерни сотиш формаларини ўзгартириш ва бошқалар) ўтказди. 1833 йилда Англия ҳукумати ўз колония қулдорларга катта миқдорда (20 млн ф стр) компенсация тўлади. Бу босқинчиларнинг мустамлакаларни капиталистик йўл билан эксплуатация қилишга ўтаётганлигини билдиради.

Англияга қарашли Ҳиндистон ва Цейлонда жун, чой, пахта етиштирилар эди. 1780 йилдан 1850 йилгача Англиянинг Ҳиндистонга экспорти 386 минг фунт стерлингдан 8 млн фунт стерлингдан ошди. Ҳинд халқи очлик, касалликка дучор бўлди.

1770 йилда Бенгалияда, бўлган очарчиликда салкам 10 млн одам қирилиб кетди.

Ҳиндистонда очликдан 1800-1825 йилда 1 млн 1850-1875 йилларда яна 5 млн. киши қирилиб кетди. XIX аср 30 йилларида инглиз мулклари Ген-Губернатори ҳисоботларидан бирида "Ҳиндистон тексликлари тўқувчилар суяклари билан оппоқ бўлиб қопланиб ётар эди" деб ёзган эди. Мустамлакалар қанчалик жабр зулмига дучор қилган бўлса ҳам, аммо яна бир нарсани назардан қочирмаслик керак. Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий юксалиш ва маданий ривожланиш бу халқларга ўз таъсирини ўтказиб борди.

Масалан, Ҳиндистондаги турли диний фанатизмга қарши кураш олиб борилди. Варварча "сати" (беваларнинг ўзини ёқиши) одати таъқиқланди, маҳаллий аҳоли орасидан элита қатлами ажралиб чиқди. Улар орасида Европа давлатларига бориб, билим олиб келган кишилар кўпайиб борди ва улар ўз халқининг зулмига қарши кураш уйғонишига ёрдам бердилар.

Мустамлакалар босқинчиларга қарши кураш олиб бордилар. 1825-1833 йилларда Дипо Негоро раҳбарлигида Явада голландларга қарши озодлик ҳаракати бўлиб ўтди. 1857-1859 йилларда Ҳиндистонда инглизларга қарши халқ ҳаракати бўлди. Унда ҳинд феодаллари ва помешчиклари ҳам қатнашди. Бу кўзғолонлар шафқатсиз бостирилди. XIX асрда колонизаторларга қарши кўтарилган кўзғолонлар уюлмаган, бирлашмаганлиги учун оғилди. Бу ҳаракатларга маҳаллий феодаллар бош бўлганлиги сабабли улар ўз мол-мулкларини сақлаб қолиш умидида босқинчилар билан тезроқ тил топиш ҳаракатига хоинлик қилиш ҳолатида эдилар. Аммо бу ҳаракатлар мустамлакачиликни тақдир билан кўпориб ташлайдиган кучлар майдонга келаётганлигидан далолат бермоқда эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Полиская Европейских дертов в Юго-Восточный Азии в 60-х годах XVIII в 60-х годах XIX в "Документи и материалам" 1 под ред А.А. Туберя М. 1962
2. Ерофеев А.А. "Империя создавались так "Английский колонизации в XVIII в" М. 1964
3. Ерофеев И.А. Английский колонизаций в средние XIX в М. 1977
4. Холдин И.А. Муродон А.А. Янине Востоке в XIX веке или колонизации без империи М. 1966.

6-Мавзу: XVII АСР ВА XIX АСР 60- ЙИЛЛАРИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

АСОСИЙ САВОЛЛАР:

1. Вестфаль системаси ва XVII асрда Европанинг сиёсий картаси
2. VIII асрда "кучлар баланси" ва халқаро келишмовчиликлар.
3. XVIII аср ва XIX аср бошларида қарама-қаршиликлар ва халқаро муносабатларни либераллаштиришнинг бошланиши.
4. Вена конгресси ва халқаро муносабатларнинг янги (система) тартиби
5. XIX асрнинг 50-60 йилларида Вена системасининг инқирози ва халқаро муносабатлар ривожланишида янги тенденциялар (интилишлар).

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

XVII асрга келганда Европанинг сиёсий харитасида рўй берган ўзгаришларнинг сабаблари ва Вестфаль системасининг қарор топиши.

XVIII асрга келганда давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати, "кучлар баланси" ва халқаро келишмовчиликлар ўсиши.

Халқаро муносабатларда Янги тартибларнинг вужудга келиши ва Вена конгресси XIX аср 50-60 йилларига келганда Вена конгресси қарорларига нисбатан қарши ҳаракатлар ва Вена тартибининг инқирози ва халқаро муносабатлар ривожланишида янги тенденцияларнинг пайдо бўлиши.

XVII-XIX асрнинг 60-йилларида халқаро муносабатларда, либерал ғояларнинг тарқалиши, капитализмнинг ривожланиши ва индустриаллаштириш муҳим омил бўлди. Бу даврда икки тенденция вужудга келди, бир томондан давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, иккинчи томондан улар ўртасида келишмовчиликлар, ривожланишнинг нотекслиги ва ўзига хослиги намоён бўлди.

XVII-XIX асрларда халқаро муносабатлар системаси вужудга келди ва у Европа қитъасини, ғарбий ярим шарқини, Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Океанияни ўз таъсир доирасига у ёки бу даражада тортди. Европа, айниқса унинг ғарбий қисми бу системанинг маркази бўлиб қолди.

Айни бир вақтда халқаро ҳуқуқ асослари яратилди. Бу шартномалар, конвенциялар ва бошқа икки ва кўп томонлама алоқаларда ўз аксини топди.

Давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, ташқи сиёсатини мувофиқлаштиришда дипломатик фаолиятнинг роли ошиб борди. Дипломатия минтақавий, умумевропа "Жаҳондаги муносабатларни тартибга солишда муҳим роль ўйнай бошлади. Дипломатиянинг меъёр ва принциплари жорий этилди.

XVII-XVIII асрларда Европа сиёсий ҳаётига ўрта асрлардан қолган муносабатлар салбий таъсир кўрсатиб келмоқда эди. Нидерландлар (Голландия) ва Англиянинг индустриал тараққиёти босқичига ўтиши халқаро муносабатларга ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Шунгача халқаро муносабатларга династиялар манфаатлари, тахт ва мерос учун курашлар, Испания, Португалия, муқаддас Рим империясининг қудрати, католик дини ва папа катта таъсир кўрсатиб келар эди.

Турли даражадаги монархлар-императорлар, қироллар, князлар, герцоглар ва бошқа дунёвий ва диний ҳукмдорлар уруш ва тинчлик, иттифоқлар танлаш давлат манфаатини белгилаш, ҳарбий бошлиқлар ва дипломатларни тайинлашни монополия қилиб олган эдилар.

Мухим дипломатик масалаларни ҳал қилишда династик никоҳлар, “шахсий” дипломатия, тахт ворислиги, қариндошлик, вассаллик, алоқалари ҳам ўз таъсирини ўтказар эди.

Европада халқаро муносабатларини белгилашда 1648 йилда бўлган Вестфаль тинчлик шартномаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу шартнома кўпгина давлатлар тақдирини, Европа сиёсий харитасини, давлатлар суверенитети чегаралар бутунлигини белгилаб берди.

Вестфаль шартномаси Голландия ва Швейцария мустақиллигини тан олди. Шартномада муқаддас Рим империяси (ўз ичига 350 та Герман давлатларини олган). Австрия монархияси бир қанча италян территориялари масалаларида келишилди. Герман давлатининг ўз пулини зарб қилиш, армияни сақлаш, ташқи сиёсат юритиш каби ҳуқуқлари кенгайтирилди. Бу Германиянинг князликлар орасида мавқеининг мустаҳкамланишига олиб келди.

XVII аср иккинчи ярмида Голландия ва Англиянинг халқаро муносабатларда роли ошиб борди. Бу давлатлар халқаро муносабатларга янгича туртки, қизиқиш бозорлар учун кураш, савдо йўллари ва денгиз коммуникациялари устидан контрол ўрнатишни “денгиз киракашлиги”, молия ва савдо операцияларида қатнашиши хали европаликларга маълум бўлмаган ерларни эгаллаш масалалари пайдо бўлди. Англия ва Голландия етакчи денгиз мамлакатлари бўлиб қолди.

Умумевропа масалаларини дипломатик ва ҳарбий йўл билан ҳал қилишда Англия билан Голландия ўртасида ўзаро курашлар кескинлашиб борди ва улар ўртасида бир қанча урушлар келиб чиқди (1652-1654, 1665-1667, 1672-1674 йй). Урушлар натижасида Англиянинг етакчилик мавқеи мустаҳкамланди.

XVII-XVIII асрларда Европада ва мустамлакалар босиб олишда Франция ҳам ўз таъсирини ўтказди. У Испания, Австрия, Англияга қарши кураш олиб борди. Франция Рейн қирғоқларига яқинлашиб борди. Биргина Людовик XIV (1661-1715 й.й) даврида 100 га яқин ерлар қўшилди.

Унга Шимолий Америкада Канада ва Луизиана Ҳиндистондаги катта ерлар қарар эди. Франциянинг кўзга кўринган дипломатлари Ришелье ва Мазарини даврида мамлакатнинг халқаро обрўси ортди. Версал саройида халқаро учрашувлар бўлиб ўтар эди. XVIII-XIX асрларда дипломатик учрашувларда, ёзишмаларда давлатлараро келишувларда халқаро конференцияларда француз тилидан фойдаланилар эди.

Хукмрон бўлиш ва буюк давлат статусини олиш учун курашнинг кучайиб бориши вестфаль системасининг беқарор, ўткинчи эканлигини кўрсатди. Айниқса Шимолий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Европада хукмронлик, экспансия ҳаракатлари кучайди.

Россияга қарши кураш олиб борган давлатлар-Реч Посполитая (Польша-Литва князлиги) Пруссия, Австрия ва бир қанча каолицияларда қатнашган Швециянинг Болтиқ денгизи ва Шимолий денгиз ҳавзасида мақейлари мустахкамланди.

XVIII-XIX асрлар мобайнида Шарқий Европа масаласи анча чигаллашди. Бунга бутун марказий Европани босиб олишга ҳаракат қилаётган Усмон империяси сиёсати сабаб бўлди.

1683 йилда Туркиянинг 100 минг армияси Австрияга юриш қилди ва Венани қуршаб олди. Австрияга Польша ва Украина казаклари ёрдам бериб туркларни Дунайнинг нариги томонига чекланишга мажбур қилди. Россиянинг Азовга юриши, Россия, Австрия, Венеция республика ва Реч Постолитаянинг туркларга қарши кураши ўз натижасини берди. 1698-1699 йилларда Карловиц конгрессида бу давлатлар Усмон империясининг Марказий Европага хужум қилиши мумкин эмаслигини таъкидладилар. Кучлар нисбатан яна ўзгарди. Биргина Австрияга Марказий Венгрия, Трансильвания деярли тўлиқ Марказий Славения ўтиб кетди.

XVII асрда бўлган урушлар, харбий ишлар, харбий денгиз флоти, кемасозликнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Айни вақтда Европа регионида иқтисодий, маданий алоқалар кучайди. Минтақавий ва миллий бозорлар гарчи турли бож тўсиқлари бўлса ҳам ўсди. Мануфактура молларини алмашиш кучайди. Ғалла, мўйна, минерал қишлоқ хўжалик хом ашёси (тери, кўмир, темир) савдолари кучайди. Европа моллари денгиз орти мустамлакалари, осие давлатларига чиқариладиган бўлди. Йирик савдо, молия

марказлари-Лондон, Амстердам ва бошқа шаҳарлар бўлиб қолди. Янги пайдо бўлаётган шаҳарлар маъмурий, иқтисодий, маданий марказлар бўлиб борди. Европа аҳолисининг кўпайиб бориши улар иммиграцияси ва колонизациясини кучайтирди.

XVIII аср Европа учун қарама-қаршиликлар кучайган, беқарорлик, қуроли зўравонлик, халқаро муносабатларда дипломатик найрангбозликлар кучайган давр бўлди. Минтақавий, умумевропа ва жаҳон масалаларини хал этишда кўплаб давлатлар иштирок этадиган бўлди.

Англия, Голландия, Франция, Австрия, Испания давлатлари сафига Швеция, Россия, Польша, Пруссия, Усмон империяси қўшилди. Бутун XVIII аср-давлатлар ўртасидаги келишмовчиликлар, қарама-қаршиликларни бартараф қилиш йўлидаги курашлар билан ўтди. Бу даврда Европада хукмронлик учун, денгизда, мустамлакаларда етакчилик учун инглиз-француз; Германияда хукмронлик учун Австрия-Пруссия; Италия ва Европа марказида испан қарамоғидаги ерлар учун Австрия-испан; Болтиқ ва Болтиқ бўйи учун Швеция, Россия, Пруссия, Польша ва бунга зўр бериб аралашди. Англия, Голландия Дания; ва ниҳоят манфаатлари Қораденгиз бўйи ва Жануби-Шарқий Европа учун тўқнаш келди Россия, Усмон империяси, Австрия, Польша Пруссия ўртасидаги ўзаро зиддият янада кучайди.

XVIII асрдаги кўпгина келишмовчиликлар династик урушлар формасида бўлиб ўтди. Испания тахти (1701-1713 йй), Поляк тахти (1733), Австрия тахти (1740-1748), Бовария тахти (1778) учун бўлган ва династик манфаатлари учун бўлган етти йиллик (1756-1763) урушлар бунга мисол бўлади.

XVIII асрда бўлган урушлар кенг қўламда ҳам қуруқликда, ҳам денгизда, кўп давлатлар коалиция бўлиб қатнашганлиги, Европанинг турли жойларида, ғарбий яримшарда ва Осиёда бўлганлиги билан ҳам характерланади.

Бу урушларда-унда қатнашувчи давлатларнинг династик, савдо ва мустамлакачилик стратегик ва иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган ерлар, денгиз коммуникацияларини эгаллаш, эркин денгиз савдосига Европа ёки жаҳон миқёсида катта таъсир доирасига эга бўлиш манфаатлари ётар эди.

1700-1721 йилларда бўлган Шимолий уруш ва испан тахти учун бўлган уруш 1700 йилда бефарзанд Испания қироли, Карл II нинг ўлими туфайли бошланиб кетди. Испан тахти ва унинг ерлари учун бош даъвогар Франция қироли Людовик XIV, унинг невараси Филипп, шаҳзода Карл Габсбургский ва Бавария шаҳзодаси Иосиф Фердинанд эдилар...

Людовик XIV бошқа монархларнинг розилигини қўймасдан Филипп Бурбонни Испан қироли деб эълон қилди ва француз

қўшинларини Испан Нидерландиясига юборди. Франциянинг Европада таъсири кучайишига қарши антифранцуз каолиция тузилди. Каолизацияга Англия, Голландия, Дания, Австрия, Португалия, Савой ва Бранденбург герцогликлари (кейинчалик Пруссия) қўшилди. Французлар ўз чегарасигача суриб ташлади.

1711 йилда Карл Габсбургнинг Герман императори бўлиши каолиция орасида ажралишга сабаб бўлди. 1709 йилда Полтавада Швециянинг Россия томонидан тор-мор келтирилиши ва Россия таъсирининг кучайишига олиб келишидан хавфсираган Англия, Голландия, Дания тезроқ урушни тўхтатиш ва испан тахти масаласида компромисс йўлини топишга шошилдилар.

1713 йилда Утрехтда Франция билан Англия, Голландия, Дания ва Португалия, 1714 йилда эса Франция Австрия билан тинчлик шартномаси тузди. Испан тахти Филипп V Бурбонга қолди. Карл Габсбургга компенсация сифатида (бу даврда у Австрия императори бўлган эди) Австрияга Испан Нидерландияси, Италиядаги испан ерлари-Милан герцоглиги, Неаполитан короллиги, Сардиния ороли ва Тоскананинг бир қисми берилди. Герцог Савойяга жанубий Франция билан чегарадош ерлар ва Сицилия ороли (кейинчалик бу орол Сардиния ороли билан алмаштирилган) берилди ҳамда унга 1718 йилда қирол унвони берилди. Италия шимолида Сардиния короллиги тузилди.

1701-1713 йиллардаги уруш Англия учун фойдали бўлди. Ўрта ер денгиздаги ғарбий операциялари натижасида Гибралтар ва Менорка ороли унинг қўлига ўтди. Португалиянинг ғарбий ярим шаридаги асьендо-қуллар сотиш ҳуқуқи ҳам Англияга ўтди. 1721 йилги Ништад тинчлик шартномасига мувофиқ Россия Болтиқ денгизига чиқиш ва Европа давлатлари билан савдо-сотиқни кучайтириш имкониятига эга бўлди.

Европада вужудга келган халқаро муносабатлар таъсирида давлатлараро алоқалар, савдо ижтимоий ва маданий алоқалар, давлатлар хавфсизлигини вужудга келтиришнинг мақбул йўлларини излаш кучайди. Бунда дипломатия ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг таъсири катта бўлди.

Утрехт тинчлик (1713) шартномасидан сўнг “кучлар баланси” концепцияси пайдо бўлди. Сўз-ғарбий, сиёсий, иқтисодий, ташқи сиёсат соҳасида кучлар тенглиги масаласида бормоқда. Бу концепцияни XVII аср охирларида инглиз дипломатияси қўллаган эди. XVIII асрга келиб бу концепцияни (фикрни) кўп мамлакатлар, монархлар, давлат арбоблари, дипломатлар, омма ва ижтимоий-сиёсий фикр эгалари қўллаб-қувватладилар.

Аммо бу концепсияни (фикрни) ҳар бир давлат ўз мавқеига қараб талқин қилдилар. Масалан, Англия ўзининг иқтисодий, молиявий, тараққиёти, денгиздаги ҳукмронлигини ҳисобга олиб дунёдаги воқеалар ечимини топишда халқаро арбитр ва воситачи ролини ўйнашга ҳаракат қилди.

XVIII асрда энг кўзга кўринган халқаро майдонда ўз номига эга бўлган кишиларга мисол қилиб инглиз давлат арбоби Уильям Питт Старшего (катта) Австрия сиёсатчиси ва дипломати В.А Кауница, Пётр I, Екатерина II, швед короли Карл XII, прусс короли Фридрих II, Австрия императричаси Мария Тереза ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бироқ, халқаро масалаларни ҳал қилишда асосий ролни-урушлар ўйнар эди. Барча масалалар урушлар туфайли ҳал қилинади деган ақида асосида зўр бериб қуролланиш, армия сони ва турини кўпайтириш давлатлар орасида авж олди.

Шимолий Америка мустамлакаларининг мустақиллик учун уруши (1776-1783) ва АҚШнинг ташкил (1787) топиши, Франция инқилоби (1789-1794), янгича уруш, янгича дипломатияга йўл очиб берди, Европада қарор топган кучлар нисбатини парчалаб ташлади ва инглиз гегемониясига катта хавф солди.

Жаҳон савдоси, мустамлакачиликнинг кучайиши Европалик ҳуқуқшунослар, тарихчилар, философларни уруш, унинг табиати, характери халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, ер юзида тинчликни сақлаш масалаларини ўрганиш юзасидан кенг қўламда иш олиб боришларига сабаб бўлди.

Голландиялик ҳуқуқшунос ва сиёсий назариётчи Гуго Гроций табиий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ назариялари асосчиларидан бири ҳисобланади. У 1625 йилда нашр қилдирган "О праве войны и мир" (уруш ва тинчлик ҳуқуқи) трактатида уруш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан қараб куч ишлатмасдан тинч ҳал қилиш лозим деди. Гроций ҳалқлар ўртасида тинчлик, давлат суверенитети, миллий зулмга қарши курашни ёқлаб чиқди.

Уруш ва тинчлик масаласи XVIII асрда, янада кенг қўламда муҳокама қилинадиган бўлди, айниқса XVIII аср маърифатчилари Европада ва жаҳонда тинчлик сақлаш барча аҳолининг табиий тенглиги ва бахтли бўлиши мумкинлиги ҳақида фикрлар кенг тарқалди. Улар деспотизм ва абсолютизмга, династик урушларга, қарши чиқдилар.

Д.Свифт "Гулливернинг саёҳати" асарида монархларнинг очқўзлиги, тўймаслиги Европада урушларга сабаб бўлмоқда деб кўрсатди.

Маърифатчиларнинг Ш. Монтескье, Ж.Ж Руссо, И.Г Гердер ва бошқа вакиллари А.Смитнинг гуллаб яшнашига иқтисодий

факторлар (саноат ривож, савдо, Фан ва алоқа воситалари) ва халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги сабаб бўлади деган фикрларини қўллаб-қувватладилар. Улар "маданийлашган" ва "варвар" халқлар тараққиётидаги тенгсизликлар, давлат ўз халқи тинчлиги ва яхши яшаш учун маъсул эканликларига диққатни қаратдилар. Шулар таъсирида "миллий манфаат", "халқ суверенитети" каби Янги атама пайдо бўлди. Бу ҳолатларга шимолий Американинг Англияга қарши мустақиллик учун уруши ва XVIII аср охиридаги француз буржуа инқилоби ҳам катта таъсир кўрсатди.

Шимолий Америка аҳолиси истаклари умидларидан келиб чиқиб мустақиллик Декларациясида (1776 й). Париж тинчлик шартномасида Янги давлат АҚШнинг тан олинishi (1783 й) ва АҚШ Конституцияси (1787 й)нинг қабул қилиниши давлатлараро муносабатларда, халқаро ҳуқуқ масалаларида Янги даврни бошлаб берди инсон табиатида яшаш ҳуқуқи, тенглик, бахт, мустақиллик, хавфсизлиги ва эркинлиги бегона эмаслигини исботлаб берилди.

1789 йилда француз абсолютизмга қарши бошланган инқилоб ҳам Европада худди бугундай таъсир кўрсатди. 1791 йили француз Конституциясининг 6-бобида француз миллати босқинчилик урушларини қоралайди, ўзи ҳам бошқалар ерига тажовуз қилмайди деб таъкидланган эди.

Юқорида кўрсатилган ўзгаришлар жуда қийин шароитларда ўзига йўл очиб борди. Наполеон Бонапартнинг бутун Европани забт қилиш учун қилган ҳаракатлари ва унга қарши қаратилган еттита коалицияларнинг уюштирилиши халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ нормаларини чалкаштириб бузиб юборди.

Францияга қарши қаратилган еттита коалициянинг бештаси муваффақиятсиз чикди. Бу коалицияларни Англия, Австрия монархияси ва Россия империяси, Пруссия ташкил қилган эди. 1792-1797 йилларда Австрия, Англия, Голландия, Пруссия ва Испания; 1798-1802 йилларда Англия, Россия, Астрия-Неаполитан короллиги ва Пруссия; 1805-1806 йилларда юқоридаги давлатлар (Пруссиядан ташқари), 1806-1807 йилларда Англия, Россия, Пруссия ва Швеция; 1809 йилда Англия ва Австрия; (Австрия Ваграм ёнида енгилиб, мустақиллигини йўқотди). Фақат 1812 йилда Наполеон Россиядан мағлуб бўлгач, 6-коалиция (1813-1814 йй) Англия, Россия, Пруссия, Швеция, Испания ва Португалия ва 7-коалиция (1815) даврида французларнинг Европадаги ҳукмронлигига хотима берилди.

Наполеон урушлари даврида 7 млн киши халок бўлди. 1806-1807 йиллар Н.Бонапартнинг гуллаган даври бўлди. Франция ихтиёрига Бельгия, Голландия, Рейннинг чап қирғоғи, Шимолий

денгиз қирғоғлари, Савая ва Ницца, Шимолий ва Марказий Италиянинг катта қисми, Иллирия провинциялари французлар мулкига айланди.

1812 йилда Франция аҳолиси ўзгалар билан бирга 75 млн кишига етди. Коалиция кучларининг 1814-1815 йиллардаги қаттиқ зарбалари Наполеон империсига хотима берди.

1814-1815 йилларда бўлиб ўтган Вена тинчлик конгресси ўз масштаби қўйилган масалалари ҳажми жихатдан хали Европада кўрилмаган даражада эди. Унда давлатлардан келган 216 та вакиллар, икки император, қироллар, 450 та дипломат ва сиёсий арбоблар қатнашди. Урушдан кейин Европада халқаро муносабатлар тартиби конгрессининг Бош яқунлари актида ўз ифодасини топди. Яқунловчи Бош акт 1815 йил 9 июнда имзоланди.

Конгрессда буюк давлатлар манфаати ҳисобга олинди. Илжожи борича эски монархия тартиблари сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Бонапарт режимини қулатган давлатлар бошлиқлари рус императори Александр I, Австрия канцлери К. Меттерних инглиз бош министри лорд Кэстлри ва ташқи ишлар вазирлиги бошлиғи А.У.Веллингтонлар асосий рол ўйнадилар. Пруссиянинг ҳам таъсири кучайди.

Европа сиёсий харитасида ўзгариш бўлди. Франция 1792 йилдаги чегараларида қолдирилди. Бельгия, Голландия ва Люксембург Нидерландия короллигига бирлаштирилди. Пруссия, Австрия ва Россияга анчагина янги ерлар тегди. Пруссияга Рейн провинцияси Вестфалия ва Шимолий Саксония берилди.

Австрияга конгресс қарори асосида тузилган Германия иттифоқида (34 герман давлати ва тўртта "эркин" шаҳар) етакчилик қилиш ҳуқуқи., Ломбордия-Венеция короллиги (Шимолий Италияда) ҳамда югослав ерлари берилди. Даниядан (Наполеон Бонапарт итифоқчиси) Норвегия ажратилиб Швеция униясига берилди. Вена конгресси Англиянинг баъзи бир мустамлакалар ва денгиз базаларида устунлигини тан олди. Жумладан, Мальта ороли (ўрта ер денгизиди), жанубий Африкада Кап мустамлакаси ва Цейлон ороли Англия мулкига айланди. Конгресс инқилобдан олдинги режимини сақлаб қолишга, янги инқилобий, озодлик ҳаракатларига йўл қўймасликка ҳам ҳаракат қилди. Шу мақсада Александр I ташаббуси билан 1815 йил 26 сентябрда Россия, Австрия ва Пруссия монархлари "Муқаддас иттифоқ" туздилар.

Вена конгресси ва муқаддас иттифоқ конгресслари (Ахен конгресси 1818, Тропаус конгресси 1820, Лайбах ва Верон конгресслари 1821, 1822 йй) Европада 20-40 йилларда бошланган инқилоб ва миллий озодлик ҳаракатларига йўл қўймаслик

чораларини кўрдилар. Масалан Австрия 20,30 ва 40 йилларда Испания ва бир қанча Италия давлатларида бўлган озодлик ва демократик ҳаракатларни, Россия декабристлар ҳаракатини 1830 ва 1863 йиллардаги поляклар ҳаракатни 1848-1849 йилларда венгер инқилобини (Австрия ва Россия ҳамкорликда) бостиришда, Марказий ва Жанубий Америкада испан ва португал мустамлакаларида бошланган миллий озодлик ҳаракатларига интервенция уюштиришга, урушлари билан Вена конгресси ўз характери билан реакцион иттифоқ эканлигини кўрсатди. Аммо марказий ва жанубий Америкада янги мустақил давлатлар (Бразилиядан ташқари) XVIII аср охирида вужудга келди.

АҚШ 1823 йилда Монро доктринаси эълон қилинди, бу қўпгина мамлакатларда кенг муҳокама, мунозараларга сабаб бўлди. АҚШ Президенти Монро 1823 йил 2 декабрда Конгрессга нома юборди ва у Монро доктринаси номини олди. Унда биринчидан, Европа давлатлари ғарбий яримшарни аввалгидай мустамлака деб қарашга ҳуқуқи йўқлиги, иккинчидан, Европа давлатлари Америка қитъасидаги давлатлар ички ишларига аралашадиган бўлса, бу айнан АҚШ давлати ишларига аралашув деб қаралади дейилган эди.

XIX асрнинг биринчи чорагида Монро доктринаси прогрессив аҳамиятга эга эди, чунки Марказий ва жанубий Америкада эндигина мустақил тараққиёт йўлида курашган давлатларга четдан таҳдид солишнинг олди олинган эди, гарчи бу ерларда АҚШ манфаатлари илгари сурилган бўлса ҳам.

1824 йилда Европа давлатлари Америкадаги давлатлар мустақиллигини (де-юре) тан олди. Ҳали Африка, Осиё, Австрия, Янги Зеландия Европа давлатлари мустамлакаси зулми остида қолиб кетмоқда эди.

Европада 1848-1849 йилларда бўлган инқилоблар 1870-1871 йиллардаги француз-герман уруши Вена конгресси қарорларига қаттиқ зарба берди. Германия ва Италияда бошланган бирлашиш процесси ҳам, бу системанинг чирий бошлаганлигини билдиради. Вена системасига Шарқ масаласи ҳам қаттиқ зарба берди. Усмон империяси шу даврда Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Болқонда катта таъсирга эга эди. Ўрта ер денгизи масаласида Россия, Англия, Франция манфаатлари бир-бирига зид келиб қолди. Россия империяси Қора денгизда ҳукмронлигини қўлга киритиш ўрта ер денгизи бўғозларида контроллигини ўз қўлига олиш Константинопол устидан контрол ўрнатиш, болқон халқларининг турклар ва ислом зулмига қарши курашишни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилиши лозим эди. Россиянинг Усмон

империясига қарши курашдаги ғалабалари (1806-1812, 1828-1829 йй) Россиянинг Бессарабия, Қора денгиз қирғоқлари, Грузиянинг бир қисмида мавқеини мустақамлаб олишга имкон берди.

Россия ёрдамида (Англия ва бошқа қўллаб-қувватлади) Сербия 1829 йилда Автономия олди (Россия ҳимоясида) 1830 йилда Греция мустақил бўлди. Молдавия ва Валахияда Султон таъсири камайди.

1833 йилда Россия билан Усмон империяси ўртасида Ункар-Искелес шартномаси тузилди. Шартномага мувофиқ Россия Туркияга бўладиган тажавузлардан ҳимоя қиладиган, Туркия эса Қораденгиз бўғозларига бошқа давлатлар харбий кемаларини киритмайдиган бўлди. Бу ғалаба Англия, Австрия ва Пруссияга маъқул бўлмади. Николай I 1833 йилги шартнома муддатларини узайтиришни бекор қилишга мажбур бўлди. Бунинг устига тўрт давлат 1840 ва 1841 йилда Лондон конвенциясини имзолади. Унда Усмон империясининг бутунлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга келишилди.

1850 йилдан 70-йилларгача Европа ва бошқа қитъалардаги, хусусан Америкадаги давлатларда мисли кўрилмаган иқтисодий юксалиш рўй берди. Англияда саноат тўнтариши тугалланган бўлса, АҚШ, Франция, Германия ва Бельгияда индустриаллаштириш даври бошланди. Халқаро меҳнат тақсимоти, шаҳарлар ва шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиши, алоқаларнинг кучайиши намоён бўлди.

1847-1857 йилларда темир йўллар узунлиги жаҳонда 25 минг км. дан 83 минг км га етди. Жаҳон савдоси ҳисобида 1850 йилда 14,5 млрд марка (германия), 1860 йилгача 26,8 млрд маркага етди. Банк-молия системасининг ривожланиши жаҳон иқтисодиётининг ўсишига 1848 йилда Калифорнияда, 1851 йилда Австралияда олтин конларининг очилиши аҳоли эмиграциясининг кучайишига, жаҳон бўйлаб савдо ва пассажир кемалари қатновига олиб келди.

Европа давлатларида транспорт алоқалари-темир йўл, тош йўл, дарё ва денгиз транспорти (Болтиқ, Шимол денгизи, Атлантика, Ёрта ер денгизи бассейнида) кучайди. 1869 йилда Сувайш канали ишга тушди. АҚШ темир йўллар узунлиги, денгиз ва дарё транспортида буғ двигателларидан фойдаланишда лидерликни эгаллади.

Англия "Жаҳон саноати устахонаси"га айланиб борди. Англия 1800 йилдан 1860 йилгача жаҳон саноатида унинг улуши 4,3% дан 19,9% га кўпайган бўлса, Францияда 4,2 дан 7,9% гача, Германияда 3,5 дан 4,9% гача ўсди. Фуқаролар урушидан сўнг саноат маҳсулотларининг асосий турлари бўйича АҚШ дунёда Англиядан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.

Илмий-иқтисодий ва харбий-техникавий прогресс йирик капиталистик давлатларнинг халқаро муносабатларга сезиларли даражада таъсир кўрсатишга олиб келди. Айтилишича Россия, Австрия ва Усмон империялари энг қолоқ давлатлар бўлиб қолмоқда эди. XIX асрнинг 50-60 йиллари халқаро муносабатларда бой воқеалар билан нишонланди. Бунга, ярим уруши, Германия ва Италияда бирлашиш учун кураш мисол бўла олади.

1853-1856 йилларда ярим уруши бўлиб ўтди. Англия, Франция ва Россиянинг Болқон, Яқин Шарқ ва Усмон империясида ўз таъсирини ўтказиш учун олиб борган рақобат кураши ярим урушига олиб келди. Англия ва Франция кутқисига учган Туркия 1853 йил октябрда Россияга уруш эълон қилди. Туркиянинг 1 млн армиясига Россия (Николай I) 700 минг солдати билан (ёмон куролланган) жанг олиб борди. Урушда Россия енгилди. 1856 йилда Парижда Россия учун оғир шартлар билан тинчлик шартномаси имзолади. Россия Қора денгизда флот сақлашдан маҳрум бўлди. Россия мағлубиятидан чиқиш учун реформалар ўтказди. Александр II-чи крепостной ҳуқуқини бекор қилди.

50-60 йилларда ижтимоий-сиёсий, миллий ва ижтимоий ҳаракатлар ўсди. Айтилишича матбуотда ўз фикр-муносабатларини билдириши Европа ва жаҳонда рўй бераётган воқеаларни таҳлил қилиш кучайди.

20-40 йилларда либераллар етакчилари абсолют режим ўрнига, конституцион парламент бошқарувига ўтиш зарарлигини ёқлаб чиқдилар. Кўплаб либерал арбоблар халқаро майдонда ўз давлати манфаатлари йўлида ҳаракат қилдилар. Хусусан, граф. Г.Ж. Пальмерстон 30-60 йилларида Англия ташқи ишлар вазири кейинчалик ҳукуматда шундай сиёсат юритди.

XIX аср ўрталарида кўпгина жамоат ташкилотлари пайдо бўлди. Шундайлардан бири пацифистлардир. Улар Наполеон урушидан сўнг халқаро масалаларни куч ишлатиш билан ҳал қилишга қарши чиқдилар.

Улар 1843 йилда Лондонда биринчи жаҳон тинчлик конгрессини ўтказдилар. Улар милитаризмни қораладилар. 1848 йилда Брюсселда иккинчи конгрессни ўтказдилар. А. Дюнан ва Ф.Либер халқаро ҳуқуқларни гуманизм асосида қуриш мумкинлигини кўрсатиб бердилар.

Улар тинч аҳолини уруш қатнашчиси деб ҳисобламаслиги, жангда ярадор бўлганларга тиббий ходимлар ёрдамида ёрдам

кўрсатиш. Тиббийлар жанг майдонида Нейтрал бўлишини таъкидладилар. 1864 йилда бу кўп мамлакатлар томонидан Женева конвенциясида эътироф этилди, шу асосда қизил хоч халқаро ташкилоти тузилди.

XIX асрнинг 30-40 йилларида аҳолининг халқаро ҳамкорлиги кучайди. Булар испан инқилобчилари, итальян карбонарийлари, грек ваполюк ватанпарварлари эдилар. Улар династиялар ҳукмронлигига, Вена системасига, Муқаддас иттифоққа Карши чиқдилар, ана шундай сиёсатни Д.Тарни, О.Бланки, Ж.Мадзини қўллаб-қувватладилар. Мадзини миллий халқ инқилоби ва кўп миллатли империяларни тугатиш тарафдори эди.

XIX аср 60-йилларида ишчи ташкилотлари жонлади. 1864 йилда Лондонда турли мамлакатлардан келган муҳожир ишчилар халқаро ишчилар ташкилоти I-интернационалга асос солдилар. Вестфаль тинчлик шартномасидан сўнг орадан икки юз йил ўтди ва жаҳонда катта ўзгаришлар рўй берди. Аҳоли сон жиҳатдан кўлайди. Индустиаллаштириш, халқаро муносабатлар ўзгарди, миллионлар ҳаёт тарзи ўзгарди. Европа ва Америка мамлакатларида Янги либерал-капиталистик цивилизация вужудга келди. Давлат-миллатлар ўзаро рақобатда дунёда хўжайин бўлиб қолдилар. Англиянинг ҳукмронлиги бошқа индустрлаштириш, ўз кучларини бирлаштириш учун курашаётган давлатлар билан тўқнаш келди. Геополитик структура яна янгиланиш бўсағасига келиб қолди.

АДАБИЁТЛАР

1. Велекобритания, Франция и США в международных отношениях нового и новейшего времени. Под ред В.Г. Сироткина. М., 1985
2. Дебудур А. дипломатическая история Европы; от Венского до Берлинского конгресса. 1814-1878 (Пер с фр) В 2 т. М., 1947, Т. 3. История Европы. В 5 т 1988- 2000 Т 4-5
4. История дипломатии Под ред В.А. Зорина, В.С. Семенова, С.Д. Сказкина, В.М. Хвостова В. 5 тМ, 1959-1979 Т. 1-2.

2-ҚИСМ

1-Мавзу: ГЕРМАНИЯ ИМПЕРИЯСИ БИРЛАШИШДАН БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГАЧА

АСОСИЙ САВОЛЛАР:

1. XIX аср сўнги чорагида Германия империясида давлат тузилиши ва иқтисодиёти. "Культуркампф".
2. Бисмарк ҳукуматининг ташқи сиёсати ва Германияда "Жаҳон сиёсати"нинг бошланиши.
3. XX аср бошларида мамлакатнинг сиёсий ривожланиши ва молия олигархияси.
4. Жаҳон уруши йўлида.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Германия "юқоридан" туриб бирлаштирилган эди. Унинг таркибига 22 та монархия давлати 3 та эркин шаҳар-Гамбург, Бремен ва Любек бирлашган эди. Империя таркибига кирган Бовария, Вюртемберг, Баден, Саксония ички чекланган автоном ҳуқуқини сақлаб қолган эди.

1871 йил апрелда рейхстаг томонидан қабул қилинган Конституцияга мувофиқ Пруссия гегемонлиги қонунлаштирилган эди. Император (кайзер) фақат прусс короли бўлиши ва у қуролли кучларга раҳбарлик қилиш, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилиши ва ҳалқаро муносабатларда Германия номидан иш кўриш ҳуқуқлари берилган эди. Император империя ҳокимияти бошлиқларини, империя канцлерини тайинлаш мумкин эди.

Пруссия банки Империя (рейхс банк) банкига айлантирилди. Мамлакатда Олий вакиллик ташкилотлари Иттифоқ совети (бундесрат) ва рейхстаг ҳисобланади. Рейхстаг уч йил, 1888 йилдан бошлаб эса 5 йил муддатга "умумий" сайлов йўли билан сайланди. Сайловда фақат 25 ёшга кирган эркалар қатнашади, ҳарбийлар қатнашмайди.

Рейхстаг қарорларини Иттифоқ Совети ва император тасдиқлайди. Конституцияга мувофиқ кайзер (император)га рейхстаг ва бундесрат тасдиқлаган қарорларга вето қўйиши мумкин эмас. Бундесрат (Иттифоқ совети)га империя канцлери раислик қилди ва у сайланмайди, балки унга барча немис монархиялари, эркин шаҳарлар вакиллари киради. Унда 58-ўриндан 17 таси Пруссия вакиллари эди.

Бутун Германияда ягона суд ишларини юритиш системаси жорий қилинди. Империя иқтисодий жиҳатдан тез ривожланиб

борди. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси натижасида молия монархияси пайдо бўлди. 70 йилларда жаҳонда тўртинчи ўринда турган бўлса, икки ўн йилликдан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олди. Темир, пўлат, кўмир қазиб чиқариш, чўян эритиш тез ўсди. Янги саноат тармоқлари химия электротехника пайдо бўлди, темир йўллар қуриш жадаллашди. Мамлакатда немис банки, Дармштад, Дрезден ва бошқа йирик банклар вужудга келди. Империянинг индустриаллаштириши ишчилар синфининг сон жиҳатдан кўпайтиришга олиб келди. XIX аср охирида саноат ва қишлоқ хўжалиги пролетарлари сони 10,5 млн кишига етди.

XIX аср сўнги чорагида Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалари тез ўса бошлади. Германия империяси канцлери бўлган Бисмарк айна вақтда Пруссиянинг министр президенти лавозимида ҳам эди.

Император Вильгельм I асосий масалаларда Бисмарк маслаҳатларига қулоқ тутар эди. 60-йилларда Германияни бирлаштириш учун олиб борилаётган уруш даврида бир қанча сиёсий партиялар майдонга келди. Миллий либерал партия бу партия йирик буржуазияси вакаллари савдо буржуазияси бўйлаб қувватлади, эркин консерваторлар партияси ўзини 1877 йилдан бошлаб немис империяси партияси деб атай бошлади. Бу партияни йирик аграрчилар, оғир индустрия, хусусан Вестфалия ва Рейн области вакиллари қўллаб-қувватлади. Улар орасида Штумм ва Крупп каби магнатлар бор эди.

1876 йилда немис консерватив партияси тузилди. Бу партия Шарқий Пруссия, Бранденбург, Померания юнкерлар, офицерлар ва бой деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилишар эди.

Католик черкови ўз ҳуқуқларини протестант Пруссияга бериб қўймаслиги учун 1870-1871 йилларда ўзларининг марказий партиясини туздилар. Бу партия фарбий ва Жанубий Германия католикларини бирлаштирдилар.

Бисмарк Германиянинг ярим парламент конституцион аҳволидан, консерваторлар ҳамда миллий либераллар қўллашидан фойдаланиб католик черкови ва Марказий партиясига қарши кураш бошлайди. Бу кураш "культуркампф" ("маданият учун кураш") номини олди. Бисмарк уларнинг Франция ва Австрия-Венгрия каби католик давлатлар билан алоқа қилишдан ҳам хавфсирар эди.

1873 йилда прусс ландтагги таниқли "май қонунлари"ни қабул қилди. Қонунга мувофиқ католиклар бошлиғи мактаблар устидан назорат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, диндорлар сиёсий агитация билан шуғулланиши таъқиқланди. 1874 йилда Пруссияда граждандан никоҳи икки йилдан сўнг эса бутун империяда граждандан никоҳи кучга кирди.

1874 йил июлда Бисмарк суиқасд қилиниб ўнг ўқли жароҳатланди. Буни Бисмарк католиклардан кўрди. 1876 йил ёзида "культуркампф" компартияси ниҳоясига етди.

Аммо католиклар бўйсунмадилар. Миллионлаб католик динига сифинувчилар ҳам норози бўлди. Канцлер чекинишга мажбур бўлди. 1880-1887 йилларда кўплаб анти католик қонунлар бекор қилинди. Католик епископлар яна ўз ўринларига қайтдилар. "Культурампф" фақат граждон никоҳлари ва ҳокимият органлари мактабларни бошқарипши ўзида сақлаб қолди.

Империяда ишчилар ҳаракатининг ўсиши икки сиёсий партия ўртасида қарама-қаршилиқни кучайтирди. 1869 йил бу партиялар Социал-демократик ишчилар партиячи (эйзенахчилар) ва умумгерман ишчилар иттифоқи Фердинанд 1869 йилда ташкил топган (лассалчилар) эди. Эйсенахчилар партияси раҳбарлари В.Либкнехт ва А. Бебель икки партия бирлиги учун курашди. 1875 йилда икки партия бирлаштирилган съезди бўлди ва улар ўзларини Германия социалистик ишчи партияси деб атади бошлади ва 1890 йилдан бошлаб партия ўз номини Германия социал-демократик партияси деб ўзгартирди.

1890 йилда рейхстагга бўлган сайловларда рейхстагда социалистлар 35 та ўрин олдилар. Сайловларда социалистларни бир ярим миллион сайловчилар ёқлаб овоз берган эдилар. Бисмарк Германия канцлери лавозими билан бирга, 1880 йилда у савдо саноат министри ҳам бўлди.

Бисмарк Германияни Европада етакчи мамлакатга айлантириш мақсадида зўр бериб қуролланиш, дипломатия йўллари билан ҳам фойдаланишга бутун кучини сарфлади.

Бисмарк Францияни халқаро масалаларда яккалаб қўйишга уринган бўлсада, аммо Франция контрибуцияни тўлиқ тўлади ва Герман армияси унинг территориясидан чиқишига эришди. Бисмарк икки фронтда уруш ҳаракатлари келиб чиқишининг олдини олиш учун Россия билан яқинлашиш сиёсатини юритди. 1873 йилда Германия ва Россия ўртасида яширин ғарбий конвенция имзолади. Унда келишилган давлатлардан бирига бошқа Европа давлати ҳужум уюштирса, ўша давлатга 200 минг кишилик армия билан ёрдам беришга келишилди. Бисмарк бу конвенция-Австрия-Венгрия ҳам қўшилса кучга кирди деб ҳисоблади.

1879 йил октябрда Венада Австрия германия ўртасида яширин шартномаси имзоланди. Унда икки давлатдан бирига Россия ҳужум қилса, ўз армияси билан ёрдам бериш ва Россия билан бир томонлама сулҳ тузмасликка келишилди. Бундан ташқари икки

давлатдан бирига бошқа бир давлат (Россиядан ташқари) ҳужум қилса иккинчи давлат бетараф туриши лозимлиги қайд этилди. Бисмарк Италияни ҳам ўзига тортиш йўлини излади.

1882 йил 20 майда Венада Германия, Австрия-Венгрия ва Италия ўртасида Учлар иттифоқи тузилди. Учлар Иттифоқи мувофиқ агар Италияга Франция ҳужум қилса, Австрия-Венгрия ва Германия бор кучи билан Италияга ёрдам беради, агар Франция Германияга ҳужум қилса Италия Францияга ҳарбий ёрдам қилмайди деган мажбуриятлар белгиланди. 80-йиллардан бошлаб Бисмарк ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини кучайтирди. 1887 йил Россия билан эҳтиёт шарт битимини тузди.

1884 йил апрелда (жанубий-ғарбий Африка) Германия уз таъсирини ўткази бошлади ва ўша йили Того ва Камерун устидан империя протекторати ўрнатилди.

1885-1886 йилларда Болқонда бўлган ҳаракатлар Россия билан Австрия Венгрия муносабатларини ёмонлаштирди. Император Вильгельм I вафотидан сўнг 1888 йилда унинг урнига набираси Вильгельм II ўтди. Мамлакатда ишчилар ҳаракати ўсиб борди. Биргина 1889 ва 1890 йилларда мингдан ортиқ иш ташлашлар бўлди. Ишчиларга қарши қаттиқ жазо чоралари кўриш Самара бермай қўйди. Вильгельм II алдаш йўли билан мамлакатда барқарорликни таъминлаш мумкин ("христиан" социал сиёсат) деб ҳисобласа Бисмарк ишчилар ҳаракатини зўрлик билан бостириш тарафдори эди. Ниҳоятда 1890 йил январда рейхстаг социалистларга қарши қаратилган қонун муддатини янада узайтиришга қарши чиқди. Бу Бисмарк ҳукумати учун зарба эди. 1890 йил мартда Бисмарк ҳокимиятдан кетишга мажбур бўлди. Герман канцлери вазифасига генерал Лео фон Каприви тайинланди. У ташқи сиёсатда Германиянинг Европада мустақамланишини ҳамда икки фронтда Франция ва Россия қарши курашга тайёргарлик кўришга зўр бериб ҳаракат қилди ва Англия билан яқинлашиш сиёсатини олиб борди.

1890 йил ёзида инглиз-герман Гельголандзанзибар келишуви имзоланди. Унга кўра жанубий ғарбий ва жанубий-ғарбий Африкада чегаралар масаласи кўриб чиқилди. Германия анчагина территория масаласида Англияга йўл очиб берди. Бунинг ҳисобига Германияга Шимолий Денгиздаги Гельголанд ороли ва бир қанча ерлар ўтди.

Германиянинг бу ён беришига мамлакатдаги босқинчилик сиёсати тарафдорлари, йирик саноатчилар, миллатчи иттифоқлар қарши чиқдилар ва 1891 йилда улар ўта реакцион ва урушқок ташкилот Пангерман иттифоқи тузилди. Улар Гельголанд Занзибар

келишувини бекор қилишни талаб қилдилар. Улар Германиянинг босқинчилик сиёсатига Англия асосий тўсиқ деб ҳисобладилар.

Каприви ҳукумати фақат ўз ваъдаларидан қуйидагиларни бажарди. Яқшанба куни дам олиш, аёллар учун 11-соатлик иш куни ва 13 ёшга етмаган болаларни саноатда ишлатмаслиги Пангерманчилар Германияга Австрия немислари яшайдиган ерларни, Франциянинг шимолий-шарқий районларини, Голланд, Бельгия, Скандинавия давлатларини қўшиб олишни талаб қилдилар. Бундан ташқари улар инглиз, француз, португал ва Бельгия мустамлакаларини ҳам тортиб олишни истар эди. Пангерманчилар Россиядан Болтиқбўйини тортиб олиши, Польша Украина, ҳатто Кавказни эгаллаш ва шу орқали инглиз Ҳиндистонига ҳавф солиш ниятида эдилар. Усмон империяси Германия мустамлакасига айланиши лозим эди. Улар жуда катта Германия мустамлакачи империясига "Ўрта Африка" ва Америка материгида ҳукмронлик ўрнатиш тарафдорлари эдилар.

1896 йил 18 январда прусс короллигини немис кайзери бўлишнинг 25-йиллиги муносабати билан Вильгельм II Германия "жаҳон сиёсати"ни олиб боровчи буюк империяга айланди деган эди.

90-йилларда давлатнинг катта-катта мансабларига Германия "ҳаётий жойлар"га эга эмас деган кайфиятдагилар эга бўлдилар. Шулардан бири 1900 йилда империя канцлери бўлган Бернхард фон Бюлов эди. У 1897 йилда рейхстагдаги чиқишда (депутат эди) вақтида немислар бир қўшнисига куруқликни, иккинчисига денгизни берд ива ўзига фақат осмон қолди (ҳаво) энди давр ўзгарди, биз энди қуёш остидан жой талаб қиламиз деган эди. "Жаҳон сиёсати"ни амалга ошириш учун-сиёсий, ғоявий, иқтисодий ва ҳарбий воситалар ишга солинди. Айниқса ҳарбий соҳада катта эътибор берилиб, армия ва флот кучайтирилди.

Германия ҳарбий раҳбарлиги уч қисмга бўлинади: ҳарбий министрлик, ҳарбий кабинет ва катта Бош штаб.

Мамлакатда ўта муҳим ҳарбий Асосий саволларларни ишлаб чиқишда прусс-Герман бош Штаби бошлиғи генерал Альфред фон Шлиффен (1891-1905й)нинг Россия ва Францияга қарши икки фронтда уруш олиб бориш Асосий саволларси муҳим рол ўйнади. 1898 йилда рейхстаг катта денгиз программасини қабул қилди.

Вильгельм II ўзининг ҳарбий қудратини жаҳонда намойиш қилиш учун Хитойнинг Шаньдун вилоятида икки немис миссонерларнинг ўлдирилиши баҳонасида 1897 йил хирида Цзяо-Чжоу (Киאו-Чао) бухтасига (қўлтиқ) ғарбий денгиз десантини туширди. Хитой

хукумати бу ерни тенг бўлмаган шартлар билан Германияга арендага берди ва немислар Шаньдунда темир йўл қуриш, унинг табиий бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини олди.

Германия Яқин Шарқда ҳам ўз босқинчилик ҳаракатини кучайтирди. 1888 йилдаёқ немис банклари Туркиядан Анталия темир йўлини қуришга маблағ бериш ҳуқуқини олган эди.

Музокаралардан сўнг Боғдод темир йўл қурилишига келишилди. Бу йўл Берлин, Босфор, Кичик Осиё ва Мессопотамия орқали Форс кўрфасига чиқиш имконини берар эди. Бу битим 1903 йилда имзоланди. Туркияга кўплаб немис товарлари ғарбий техникаси кириб кела бошланди. Бу Герман-инглиз ва Герман-рус муносабатларини кескинлаштирди.

Германиянинг сиёсий таъсирининг Усмон имперясида ошиб бориши, қора денгизга чиқишга ҳаракат қилаётган Россия учун зил эди. Боғдод темир йўли қурилиши масаласида Германиянинг зўр бериб қуролланиши ғарбий денгиз флотини кучайтириши Англия ва германия муносабатларини янада кескинлаштирди.

XX аср биринчи йилларида саноат ишлаб чиқариш юзасидан Германия Англиядан ҳам узиб кетди. Айниқса оғир саноат тоғ-кон, металлургия машинасозлик ўсди. 1900-1903 йиллардаги иқтисодий кризис саноат ва банк концентрациясини янада кучайтиришга сабаб бўлди. Агар 1904 йилда Пулат трести, 1905 йилда юқори селезия пулат қуювчилар иттифоқи ташкил топган бўлса, электротехника саноатида "Сименс Гальске ва Сименс Шуккерт" ва "Умумий электр жамияти" концернлари вужудга келди. Агар 1900 йилда Германияда 300 та картел бўлган бўлса, 1911 йилда улар сони 600 тага етди. Оғир ва ҳарбий саноат устидан ҳукмронлик қилиш йирик саноат магнитлари қўлига, ҳусусан Кирддорф, Крупп, Стиннес, Тиссен ва бошқаларга ўтиб борди.

Жаҳон уруши арфасида бешта йирик банк концернлари Немис банки, Дрезден, Дармштад, Шофгаузен мамлакат молия бозорида ҳукмронликни қўлга киритдилар.

Германия ташқи савдо орқали ҳам катта даромад олиш учун қурашди. 1905 йилда чет элларга 15-18 млрд марка, 1914 йилда эса 35 млрд марка инвестиция чиқарилди. Мамлакатда молия олигархияси Гогенцоллерлар монархияси ва юнкерлар билан бирлашиб борди ва ўша давр учун энг кучли бўлган армияни қарор топтирди. Молия олигархияси билан давлат аппарати бирлашиб, мамлакатда монополистик-капитализмнинг ривожига олиб келди.

XX аср бошларида мамлакат сиёсий ҳаётида Герман монополистлари юнкерлар билан ҳамкорликда социал демократлар таъсирининг ўсишга қарши қураш олиб бордилар.

1904 йилда энг реакцион элементлар (миллий либераллар партиясидан) ва бир қанча консерваторлар социал-демократларга қарши курашиш учун империя Иттифоқини туздилар.

Россияда 1905-1907 йилларда бўлган инқилобий ҳаракатлар Германия ишчиларининг чиқишларини ҳам кучайтирди. 1906 йилда Германияда оммавий сиёсий стачкалар бўлди. Реакцион кучлар фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини поймол қилиб борди.

1910 йил 9 мартда Г Берлин ишчиларининг номийишларини полиция кучи билан тарқатиб юборилди.

Социал демократлар партиясидан 1914 йилга келганда 1 миллион кишига етди. Унинг вакиллари рейхстаг, ландтагда ҳам бор эди. Партия бирлигини сақлаб қолиш учун А. Бебель ревизионистларга ён берган бўлса, Герман социал-демократияси назариячиси К. Каутский уни қоралади. К. Каутский шундай хулосага келди. Социал-демократларнинг рейхстагда кўп ўрин олиши йўли билан мамлакатнинг социализмга боришга йўл очади.

Социал-демократларнинг бир қисмига раҳбарлик қилган К. Либкнехт, Р. Люксембург, Ф. Меринг ва К. Цеткинлар (сўллар) социалистик инқилоб йўлини қўллаб-қувватладилар. Сўлларнинг бу урунлари натижа бермади ва социал-демократларнинг кўпчилиги марказ ва ревизионистлар билан ҳамкорлик қилишга ўтиб кетдилар.

Германияда ички ва ташқи сиёсатдаги масалаларни ҳал қилишда партиявий-сиёсий группировка пайдо бўлди. Биринчисига консерваторлар, миллий-либералларнинг кўпчилиги ва реакцион ташкилотлар аъзолари бирлашдилар ва улар пангерман-прусс гуруҳи номини олдилар.

Бу гуруҳ конституцион эркинликларни бекор қилиш, ишчи ва демократик ҳаракатларни бостириш, кайзернинг шахсий ҳокимиятини кучайтириш ва жаҳонни бўлиб олиш учун урушга тайёргарлик кўришни талаб қилар эди.

Иккинчи гуруҳ-либерал-монархиячилар бўлиб, уларга бир қисм миллий-либераллар, католик партиясидан (марказ) аъзоларининг кўпчилиги кирган бўлиб, улар либерал-демократик реформалар ҳамда тинч экспансия сиёсатини қўллар эди. Ҳукумат ва кайзерга пангерман-прусс гуруҳининг таъсири кучли эди.

Германияда ўнг кучларнинг таъсири ортиб борди. "Жаҳон сиёсатини" амалга ошириш масаласи икки оқим қарашлари пайдо бўлди. Юнкерлар ва офир саноат эгалари бегона юртларни куч ишлатиш йўли билан бўйсундиришни талаб қилишарди. Улар қарашларини Пангерман иттифоқи ва унга боғлиқ ташкилотлар ифодалар эди.

Йирик банк капитали эгалари саноатнинг янги-химия, электротехника концернлари эгалари тайёр маҳсулот эгалари эса бошқа йўл билан, жумладан Германия раҳбарлигида Марказий Европа иқтисодий иттифоқи орқали босқинчиликни ҳал этишни ёқлар эди. Асосий масалаларни ҳал қилишда уларнинг кўпгина қарашлари бир-бирига яқин келар эди.

1911 йилда маҳаллий аҳоли кўзғолонни бостириш учун французлар Марокко пойтахти Фес шаҳрига кўшин туширганда, Германия Мароккодаги ўз одамларини ҳимоя қилиш баҳонасида Атлантика океани қирғоғидаги Агадир портига "Пантера" ҳарбий кемасини юборди. Бу икки давлат Фрнсадаги вазиятни янада чигаллаштирди. Худди шу даврда инглиз Герман муносабатлари ҳам оғирлашди. 1912 йилда бўлган учрашувда Герман томони денгизда қуролланишни чеклашни рад этди. Германия ҳарбий денгиз флотининг ғарбий кемаларини яна 60% га оширишга қарор қилди. Англия бунга жавобан ҳар бир немис кемасига иккитадан кема қуришга қарор қилди.

Вильгельм II 1912 йил 8 декабрда "Ҳарбий совет" ўтказди. Унда Германиянинг Россия, Францияга қарши дипломатик ва психологик урушга тайёргарлик кўриш. Қуруқлик кўшинининг жанговорлигини ошириш масаласи кўрилди.

1913 йил баҳорида Герман ўнг кучлари Франция ва Россияга қарши олдиндан уруш қораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Германия Англияни нетрон қолдириши учун Багдот темир йўли ва Португалия мустамлакаларини бўлиб олиш масаласи муҳокама қилинди, аммо у ратификация қилинмай қолди.

Мамлакатнинг ўнг кучлари давлатдан ўзининг етарли бўлган ғарбий қудратидан фойдаланиб, 1905 йилда Шлиффен томонидан ишлаб чиқилган Франция ва Россия тезда мағлуб қилиш Асосий саволларини амалга ошириш ҳамда жаҳонда ҳукмронликка эришиш йўлини қатъийлик билан талаб қила бошладилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Новая история стран Европы и Америки. Под ред И.М. Кривогуза М., 2002
2. Аветян А.С. Русско-Германские дипломатические отношения накануне. Первой мировой войны. 1910-1914 М., 1985
3. Туполев Б.М. Германский империализм в борьбе за "место под Солнцем"... М., 1991
4. Чубинский В.В. Бисмарк Биография СПб, 1997.

2-Мавзу: ҒАРБИЙ, МАРКАЗИЙ ВА ШИМОЛИЙ ЕВРОПАДАГИ КИЧИК ДАВЛАТЛАР

Асосий саволлар:

1. Ғарбий ва Марказий Европадаги Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва Швейцария давлатларининг ижтимоий сиёсий ривожланиши.
2. Шимолий Европа давлатларининг миллий ва ижтимоий тараққиёт йўллари.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Европа қитъасининг ғарбий, Марказий ҳамда Шимолий қисмида жойлашган кичик давлатларда бошланган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар. Бельгия, Нидерландия (Голландия), Люксембург ва Швейцария давлатларида иқтисодиётда рўй берган ўзгаришлар. Индустрлаштириш, партиялар фаолияти Шимолий Европада жойлашган Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия ва Исландияда бошланган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар. Индустрлаштириш, аграр секторда қўлга киритилган ютуқлар ва ўзгаришлар ҳаётнинг жабҳаларида демократлаштириш ҳаракатлари.

Финляндия халқининг Россия зулмига қарши олиб борган кураши.

Бельгия: XIX аср сўнги учинчи чорагида мамлакатда саноатнинг металлургия, машинасозлик, тўқимачилик, ойнасозлик ва бошқа тармоқлари ривожланди. Саноат ўсиши, воситачалик савдоси, мустамлакаларни эксплуатация, қилиш натижасида бу кичкина давлат энг ривожлананиш, саноат маҳсулотлари ва капитални четга чиқарадиган мамлакатга айланди. Айни Леопольд II подшолиги даврида ривожланиш яққол намойён бўлди. Бельгия капитали Эрон, Миср, Сиам, Хитой, Жанубий Америка ва Россияга чақирилди. қишлоқ хўжалиги ҳам ўсиб, ерларни арендага олиб ишлаш ривожланди. XX аср бошларида арендаторлар хусусий ер эгалари сонидан уч баробар кўп эди. Ҳар йили 80 мингга яқини дехқонлар шаҳар ва чет элларга иш ҳақи топиш (Франция, Германия ва бошқа) учун кетар эди.

Ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатида либерализм кучли бўлиб, шаҳар ички божлари бекор қилинди. Шельде дарёсида сузганлар учун олинадиган бож бекор қилинди, биржалар эркинлигини, акционерлик жамиятлари эркинлиги таъминланди. Банклар очилди.

1910 йилда ишга яроқли аҳолининг 48% саноатга, қишлоқ хўжалигига 16% банд қилинган эди. Монополистик бирлашмалар ўсиб кучайиб борди.

Масалан: Акционерлик жамиятларига бутун саноатнинг 44% қарагани ҳолда, бутун ишчиларнинг 47,4% ишлар эди. Бельгия хом ашёсини четдан сотиб олар эди.

Бельгия саноат маҳсулотларини 50-60% баъзи тармоқлар маҳсулотларини 80-90% ни экспорт қилар эди. Иқтисодий ўсиш, жамият таркибини узайтирди ва сиёсий кучлар мавқеи ҳам ўзгарди. 1870 йил июндаги сайловлардан сўнг ҳокимиятга католиклар келди. Ш.Мали ҳукумати 8 йил, Фрер-Орбан ҳукумати даврида дунёвий мактаблар очилди ва унда дин ўрнига ахлоқ ўқитиладиган бўлди. Католиклар бунга яъни “Худосиз мактаб” ларга қарши чиқдилар. Натижада эркин мактаблар ташкил этилди. Икки йилдан сўнг бу мактаблар 66% ни ташкил этди.

Беш йил католик ва либераллар кураши 1884 йилги сайловларда католиклар ғалабаси билан тутуди ва мактабларда дин ўқитиладиган бўлди.

1898 йилда давлат тили француз ва фламанд тили деб эътироф этилди. 1879 йилда Бельгия социалистик партияси, 1885 йилда апрелда шу партия асосида Бельгия ишчи партияси тузилди.

XIX аср охирида Бельгия демократик кучлари умумий сайлов ҳуқуқи учун кураш олиб бордилар. Цензурали сайлов туфайли 6 млн Белгьяликнинг 137 минггигина сайловларда қатнашар эди. Ниҳоят XIX аср охирида ҳукумат 25 ёшга етган барча эркакларга сайлов ҳуқуқи берди. Ҳатто олий маълумотли, кучмас мулки қиймати 2000 франкга етадиган кишилар икки овозга эга бўлиши мумкин эди. Шахтада 12 ёшга етган болалар 14 ёшга етган қизлар меҳнатидан фойдаланишга рухсат берилди (олдин ундан ҳам ёшлар ишлар эди). Леопольд II даврида Бельгия йирик мустамлакачи давлатга айланди. 1877 йилда Леопольд II раислигида “Африка Халқаро Ассоциация” си тузилди. Леопольд II 1884 йил апрелда АҚШнинг “Африка халқаро ассоциацияси”ни яъни Конгони мустақил давлат сифатида тан олишига эришди. 1885 йи 28 апрелда Леопольд II Конгонинг ҳам давлат бошлиғи эканлигини парламент тасдиқлади. 1906 йилдан бошлаб Конго Бельгия мустамлакаси бўлиб қолди.

Биринчи жаҳон уруши бошлаганда Бельгия батараф мамлакат эди. Аммо 1914 йил 4 августда Германия Бельгия территориясига бостириб кирди. Бельгия Антанта томонидан урушга тортилишга мажбур бўлди. Немислар Бельгиянинг Фландриянинг кичик қисмидан бошқа ҳамма ерини босиб олди.

2. Нидерландия: XIX аср II ярмидан бошлаб Нидерландияда конституцион монархия режими қарор топди. 1890-1948 йилларда

XIX аср охири-XX аср бошларида Нидерландия жамиятда ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Аҳолининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачилик эди.

Мамлакат бойлигининг асосий қисми феодаллар ва савдогарлар қўлида эди. Сал кам 50% деҳқонлар ўз ерларидан ажралиб, арендаторларга айланган эди. Нидерландияда жамғарма жон бошига Англияга нисбатан икки баробар кўп тўғри келса-да, аммо аҳолининг кўпчилиги қашшоқ эди. 1870 йилда Амстердамда яшовчи 260 минг аҳолини 100 мингга зах подвалларда (ер тўла) яшар эди. Нидерландияда ҳам иқтисодий ривожланиш кўзга ташлана бошлади.

Иккита ташқи фактор унинг иқтисодий ривожланишига ёрдам берди:

1. Сувайш каналининг очилиши унинг мустамлакаларга борадиган йўлини қисқартирди.

2. Германиянинг ривожланиши Герман савдоси Нидерландия ичидан ўтар эди.

70-80 йилларда Голландия савдо капитали асосан йўл ва кема қурилишига сарфланди. Амстердам Шимолий денгиз билан каналлар орқали бирлаштирилди. Голландиянинг умумий сув сифими 800 минг тоннани ташкил этадиган 700 кемаси бор эди.

1883 йилдан бошлаб саноат учун махсус фонд ташкил этилди. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати ҳам усди. Металлни қайта ишлаб заводлари қурилди.

Индустриянинг замонавий Янги турлари пайдо бўлди. 1891 йилда қурилган кичик электролампа заводи жаҳон аҳамиятига эга бўлган "Филипс" концернига айланди.

Мамлакатни ривожлантиришга катта-катта мустамлакалардан келтирилаётган ресурслар ҳисса қўшди. Нидерландия 33 минг кв км ли территорияга ва 6 млн аҳолига эга бўлиб, унинг мустамлакалари территорияси 2,1 млн кв км аҳолиси эса анча кўп эди. Нидерландияга Голланд Ҳиндистони, Голланд Гвианаси (Суринам), Малого ороли (Антиль архипелаги), Ява қарар эди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Нидерландия ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олди.

1871-1888 йилларда Либерал ҳукумат давлатни бошқарди. 1871 йилда умумий Нидерланд ишчилар иттифоқи тузилди. Улар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилиш учун кураш олиб борди. Жумладан, Конституцияни реформа қилиш, мактабларда ўқитишни демократиялаш, армияни ва солиқни қайта кўриб чиқишни талаб қилдилар.

1898 йилда умумий ғарбий хизмат тўғрисида, даромад солиқи олиш тўғрисида қонун эса 1914 йилда кучга кирди.

1887 йилда парламент сайловчилар сонининг мулк цензини камайтириш йўли билан қўпайтирилди ва сайловчилар сони 300 минг кишига етди 1896 йилда эса 700 мингга етди ва аҳолини деярли 10% ташкил этди. Биринчи Жаҳон уруши даврида Нидерландия бетарафлик сиёсатини сақлаб қолди.

3. Люксембург: 1867 йилги Лондон шартномаси ва 1868 йилги Конституцияга мувофиқ Люксембург ғарбий ҳаракат ва армия сақлашдан холос бўлди ва мамлакат ривожланишига катта ёрдам бўлди.

Мамлакатни Жанубий ва Жануби-ғарбий қисмида темир-руда конлари бор, бу металлургияни ривожига олиб келди. Люксембургда пиво қайнайди ва тамаки фабрикаларидан ҳам катта даромад олади. XIX аср охирида келганда давлат индустриал аграр мамлакатга айланди.

1890 йилга Люксембургнинг Нидерландия билан шахсий униясига хотима берилди. Люксембург ҳокимияти (тахти) немислар қўлига ўтди. XIX аср охирида немис капитали Люксембургга кириб келди ва бутун саноат корхоналари асбоб-ускуналари янгиланди ва Люксембург Герман ғарбий саноатининг асосий базаларидан бири бўлиб қолди.

Биринчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг немислар Люксембургни босиб олди.

Швейцария: 1848 йилги Конституцияга мувофиқ Швейцария Федератив парламент республика бўлиб қолди. Унинг таркибига 22 та кантон бирлашган эди. Аммо кантонлар аввалгидек ўз Конституциясига, парламент ва ҳукуматига эга эди. Кантонлар федерал Конституцияга амал қилишлари лозим эди.

Ҳукумат кантонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатда ички тартибни сақлаш, уруш эълон қилиш ва сулқ тузиш, сиёсий ва савдо шартномалари тузиш, почта ва телеграф, пул зарб қилиш, пул муносабатларига оид қонунлар чиқариш ҳуқуқларига эга эди.

Янги Конституция қонун олдида ҳамма фуқароларнинг тенглиги, сўз эркинлиги, матбуот, йиғилишлар эркинликларини тасдиқлади.

Мамлакатда немис, француз ва итальян тиллари тенглиги эътироф этилди. Доимий суд таъсис этилди. Мажбурий бепул бошланғич таълим жорий қилинди. Федерал ҳукумат черков ҳаётини тартибга келтириш, янги монастирлар очишни таъқиқлаш ҳуқуқига эга эди. Фуқаролик никоҳи жорий қилинди.

XIX аср охирига келиб Швейцария иқтисодиётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатни марказлаштириш, давлат системаси тўлиқ қарор топди.

Қишлоқ ҳўжалигида четдан ғалланинг кириб келиши натижасида сут-чорвачилигига ихтисослашиш процесси вужудга келди. Саноат эски (соатсозлик, шоколад, пахта ва ипак буюмлари, тер ива этик ишлаб чиқариш, ёзув қоғозлари, тамаки) тармоқлари билан бирга

янги машинасозлик, метеллсозлки, электротехника, химия саноатлари ҳам ривожланди. XIX аср охирида дастлабки монополиялар машинасозлик корхоналарида пайдо бўлди. "Буроун, Бовери унд компани", "Эшер-Вис", "Гебрюдер-Зульцер" ва бошқалар. Саноатнинг ривожланишига кўплаб янги йўлларнинг қурилиши ҳам сабаб бўлди. Швейцария Шимолий ва Жанубий Европани боғлайдиган савдо йўллари устида жойлашган. Темир йўллар қуриш ҳам жадал борди. 1882 йилда Сен-Готар перевалида 15 км узунликдаги темир йўл туннели қурилди ва Германия билан Италияни тўғридан-тўғри бир-бири билан боғлади. Кўплаб ГЭСлар қурилди.

Швейцария туризм ва меҳмонхоналардан катта даромад олади. XIX аср охири XX аср бошларида бу ерга келган меҳмонларнинг ярмини немис ва инглизлар ташкил этди. XX аср Швейцария индустлашган давлатга айланди.

Машинасозликда "Гебрюдер-Зульцер" химияда "Сандос", "Гейги", "Гофман Ла-Раш" ва бошқа монополиялар пайдо бўлди.

1906 йилда Симплон темир йўли туннели (19,8 км) қурилди ва Парижни Милан билан боғлади.

Биринчи Жаҳон уруғи арафасида Швейцария электротехника, машинасозлик, химия, ипак, шоколад, соатсозлик каби саноат маҳсулотларининг 75% дан 90% гачасини четга чиқарар эди. Четдан хом ашё, вино ва ярим фабрикантларни сотиб олар эди.

Швейцария халқи меҳнат шароитларини яхшилаш иш ҳаққини оширишни кўпайтириш учун кураш олиб бордилар. 1880 йилда Бирлашган Швейцария касаба уюшмаси, 1888 йилда Социал демократик партия тузилди. Партия 8 соатлик иш куни страхования учун курашди. 1877 йилда парламент 11 соатлик иш куни тўғрисидаги қонунни, яқшанба дам олиш куни, 1890 йилда эса ишчиларни ижтимоий страхование қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Биринчи Жаҳон уруғи бошланганда Швейцария урушувчи давлатлар халқасида қолди. Ҳукумат қўшилмаслик сиёсатини сақлаб қолди. Саноат ва молия соҳаси гуруҳлари урушаётган давлатларга ҳарбий буюмлар етказиб беришдан катта даромад олдилар.

2. XIX аср сўнги ўн йилликлари ва XX аср бошларида Шимолий давлатлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Аҳоли сони тез кўпайди, чуқур иқтисодий ўзгаришлар бўлиб, индустлаштириш ва қишлоқ хўжалигида сифатли силжишлар бошланди.

Швеция:

Аҳолиси: 4 млн дан 6 млн гача

Дания 1750 мингдан-2750 минггача

Норвегия 1750 мингдан-2,5 млн

Исландия 67 мингдан-89 мингга кўпайди

Финляндия 1750 мингдан-2750 мингга кўпайди

XIX аср охирида бу давлатларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтилди. Ижтимоий-сиёсий тартиб ўзгарди. Давлатларда саноат молия буржуазиясининг роли ошиб борди.

XX аср бошларида Шимолий Европа аҳолисининг учдан бир қисми шаҳарларда яшар эди. XIX аср охирида қишлоқ хўжалигида аграр тўнтариш тугалланди, феодал қолдиқлар тугатилди. Ерлар, асосан деҳқонларнинг хусусий мулкига айланди. Швеция ва Данияда феодаллар хўжалиги тўлиқ капиталистик хўжаликка айланди. 60-70 йилларда Скандинавия ва Филяндия давлатларида галлачилик, гўшт-сут йўналишига ўзгарди. Бунга арзон Америка ва рус ғалласининг кириб келиши сабаб бўлди. Қишлоқда хусусий ер эгалари Фан ва техника соҳаларидан фойдаландилар ва кооперациялар кенг тарқалди. Жумладан, гўшт, чорвачилик таъминот кооперативларини мисол келтириш мумкин. Энг муҳим ўзгаришлардан бири саноат фақат ички бозор учун эмас, балки ташқи бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди. Бой маҳаллий хомашё ва энергия ресурсларидан фойдаланиш натижасида жуда сифатли бўлган пўлат, қогоз, целлюлоза, шарикоподшипниклар, электр асбоб-ускуналари, телефон ва телеграф аппаратлари, қишлоқ хўжалиги буюмлари ва машиналари, кема, транспорт жиҳозлари ишлаб чиқилди.

Темир йўллар қуриш жадал борди. Мамлакат сиёсий ҳаётида ҳам ўзгаришлар келиб чиқди. Либерал-демократик кучлар демократия, парламентаризм, яъни ҳукумат тузиш ва бу ҳукуматлар монарх (монархия) эмас, балки парламент олдида жавоб бериши талаб қилинди.

Финляндиядан ташқари, бошқа мамлакатларда сезиларли даражада монархия ҳокимияти қисқарди. Худди шу даврда кўппартиявийлик, уюшган ишчилар ҳаракати, касаба уюшмалар, социал-демократик партиялар пайдо бўлди.

Кўплаб сиёсий бўлмаган ҳалқ ҳаракатлари (диний, маърифий, спорт, хушёрлик ва бошқа) келиб чиқди.

XIX аср охири-XX аср бошларида капитал концентрацияси, монополистик бирлашмалар, жумладан, швед СКФ (шарикоподшипник), Л.М.Эрикссон (телефонлар), электролюкс (электр асбоб-

ускуналари), АГА (газ асбоб-ускуналари), Даниянинг "Бурмейстер
ог Вайн" (кема қурилиши) пайдо бўлди.

Банк капитал билан саноат капиталининг бирлашуви пайдо
бўлди. Капитал Россия, Хитой, Лотин Америкасига чиқарилди.

Айни вақтда Шимолий Европа давлатларига Англия (Норвегия),
Германия (Финляндия) капиталлари ҳам кириб келди.

А) Дания: XIX аср сўнггида Дания қишлоқ хўжалигида ўғитлардан,
Фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ўсди. Фаллачиликдан
гўшт-сут соҳасига ўтилди. Европада Дания гўшт ва сут
маҳсулотларини экспорт қиладиган етакчи мамлакатга айланди.

1900 йилда ўртача йилига сигирдан 2-2,5 минг литр сут соғиб
олинди. 1861-1903 йилларда чўчқалар сони беш баровар кўпайди.
Жаҳонга танилган "Карлсберг" ва "Туборг" пиво заводлари пайдо
бўлди. 1876 йилда Социал-демократик партия тузилди.

1908 йилда сиёсий реформа ўтказилиб, маҳаллий сайловлардаги
тенгсизлик тугатилди. Хотин-қизлар ва батраklarга ҳам сайлов ҳуқуқи
берилган бўлсада, асосан бу 1915 йилда амалга ошди ва
Конституцияга ўзгаришлар киритилди. Сайловда 25 ёшгача туширилди.

Б) Швеция: Швецияда ўрмон кесиш ва қоқоз саноати ривожланди.
Шимолий Швециядан руда конларининг топиллиши индустриалаштиришга
ёрдам берди. 1870-1900 йилларда пўлат ишлаб чиқариш 42-март,
темир рудаси (экспорт учун) 126-март ўсди. 1900 йилда машинасозлик
бугун саноат умумий маҳсулотининг 13% ни ташкил этди.

1866 йилда парламент реформаси ўтказилиб, икки палатали
ценз урали парламентга ўтилди. 1889 йилда Швеция социал-
демократик ишчилар партияси ташкил топди.

1900 йилда эса бирлашган либераллар партияси тузилди. Унга
таниқли адвокат Карл Стааф раҳбарлик қилди.

1909 йилда 24 ёшга етган барча эркаklarга сайлов ҳуқуқи
берилди. Биринчи Жаҳон уруши арафасида қуролланиш
масаласида кураш кучайди. Либераллар ва социал-демократик
ҳарбий харажатларни камайтиришни талаб қилган бўлса, Германия
билан яқинлашиш тарафдорлари бўлган консерваторлар
қуролланиш харажатларини оширишни ёқлаб чиқдилар.

Корол Густав V либерал ҳукумат бошлиғи К. Стаафни истеъфога
чиқарди (1914 йил) ва консерваторлар ҳукумати тузилди.

Ҳукуматга Я. Фаммаршельд бошлиқ бўлди. 1914-йилги янги
парламент сайловида либераллар яна мағлубиятга учрадилар.

В) Норвегия: XIX аср охирида Норвегия ўзининг гидроресурс-
ларидан фойдаланиб, электроэнергия ишлаб чиқаришни
кучайтирди. У савдо флотига етакчи эди. 1880 йилда савдо флоти

тоннаси ва сони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринда турар эди. Саноатда балиқ овлаш етакчи тармоқлардан саналади.

Норвегия миллий ривожланишининг ўзига хос томонларидан бири, бу ерда миллат тўлиқ шаклланиб, тугалланмаган эди. Шу сабабли мамлакатда икки тил формаси "риксмол" (давлат тили), ёки "букмол" (китоб тили), бу тил юқори табақа ва шаҳар аҳолиси орасида тарқалиб борган бўлса, "лансмол" (қишлоқ тили) ёки "нюнош" (Янги норвеж тили) бўлиб, бу тил қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ интеллигенцияси орасида қўлланилар эди.

Миллий демократлар таъсирида король Оскар II 1884 йилда Ю. Свердрук раҳбарлигида биринчи ҳукумат тузишга мажбур бўлди.

XIX аср охирида машҳур Норвегия кутбчиси Фритъоф Нансен ва Руалд Амундсенлар яшадилар.

1905 йил сентябрда Швеция билан Норвегия ўртасидаги уния тинч йўл билан бекор қилинди.

1905 йил ноябрда янги референдум ўтказилиб, давлат тузилиши муҳокама қилинди ва монархия қўллаб-қувватланди. Ҳокимиятга (тахтга) даниялик шахзода Хоқон VII номи билан чиқди.

Г) Исландия: Даниянинг денгиз ортидаги провинцияси ҳисобланган Исландияда аҳоли сони оз бўлиб, асосан балиқчилар ва чорвадорлар яшар эдилар. исландияни Копенгагендан (Дания) корол юборган чиновниклар бошқарар эди. 1870 йиллардан бошлаб исландлар Даниядан ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини талаб қила бошладилар.

1874 йилда Дания короли Кристиан IX Исландияга ўз Конституция ҳуқуқини берди. Конституцияга мувофиқ оролда альтинг ҳуқуқий ҳукуматҳисобланадиган бўлди. Унга солиқ тўлаш имкони бор, 30 депутат сайланди.

Ижроия ҳокимият ҳали ҳам Дания ҳукумати тайинлайдиган губернатор қўлида эди.

Исландия тўлиқ ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига 1904 йилда эришди.

1907 йилда "Мустақил партия" тузилди. Партия Исландиянинг тўлиқ мустақиллигини ҳимоя қилиб чиқди ва бунга биринчи Жаҳон уруши йилларида эришди.

Д) Финляндия улуғ князлиги:

XIX аср 70 йиллари ва XX аср бошларида фин миллати таркиб топиши процесси давом этди. Фин тилини давлат тилига айлантириш учун кураш борди.

70 йиллардан ўрмончилик саноати ривожланди. XIX аср 60-80 йилларида саноат маҳсулотлари хажми 10 баровар ўсди. Фин саноатига рус, швед, норвег XIX аср охиридан бошлаб эса немис капитали кириб келди.

80- йиллар охирларидан бошлаб чоризм Финляндиянинг алоҳида статусига хотима беришга киришди.

1899 йилда Николай II Россия ҳукуматига Финляндия сейми рухсатсиз Финляндия учун қонунлар қабул қилишга рухсат берди.

Финляндия улуг князлиги аҳолиси рушлаштириш сиёсатига қарши кураш бошладилар. 1899 йилда Финляндия ишчилар партияси тузилди ва 1903 йилда социал-демократик партия номини олди.

1905-1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби даврида Финляндияда озодлик ҳаракати кучайди.

1905 йилда Конституцияга зид қонунларни бекор қилишни талаб қилиб, митинглар, намойишлар, иш ташлашлар ўтказилди. Бу ҳаракатларга социал-демократлар раҳбарлик қилди.

Ҳаракатларнинг кенг тус олишидан хавфсираган Николай II 1905 йил 4 ноябрда манифестга имзо чеқди. Унда финлар талабларининг асосий қисмлари қондирилган эди: Барча антиконституцион актлар бекор қилинди, сенатдан ҳокимият Конституциячилар берилди. 1906 йил бошларида Сеймга бўлган сайловларда ҳам Консти-туциячилар кўп овоз олдилар.

1906 йил июнда Сейм Янги устав қабул қилди, бу аслида янги Конституция эди.

Финляндияда бир палатали парламентга асос солинди. Парламентни ҳамма фуқаролар шу жумладан аёллар овоз бериш йўли билан (24 ёшдан катта) сайлаш мумкин эди.

1905-1907 йиллардаги инқилобий ҳаракатлар бостирилгач Финляндия автономиясига қарши кураш кучайтирилди: 1909 йилдан бошлаб Сенат таркибига рус ҳарбийлари ҳам кири-тиладиган бўлди ва рус қонунлари ҳам жорий қилина бошлади. Сиёсий репрессиялар кучайди.

Аммо Финляндияда руслардан узоқлашиш учун кураш тўхтамади, аксинча ўсиб борди.

АДАБИЁТЛАР

1. Канн А.С. История Скандинавских стран (Дания, Норвегия, Швеция) 2 в изд. Испр. Доп М. 1980.
2. Лозинский С.Г. История Белгии и Голландии в новое время. СПб 1908.
3. Ван Мюйден. История Швейцарского народа (Пер с фр. СПб 1898-1902 Т. 1-3).
4. Ошеров Е.Б, Суни Л.В. Финляндская политика царизма на рубеже XIX-XX вв Петрозаводск 1986.
5. Гюисман К. 75 лет буржуазного Государства 1830-1905 гг М., 1906.

3-Мавзу: МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИСТЕМАСИ ВА ДОМИНИОНЛАР

Асосий саволлар:

1. Дунёни бўлиб олишнинг тугалланиши.
2. Доминионлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

XIX аср охири XX аср бошларида Европа давлатлари ва АҚШ нинг дунёни бўлиб олишини тугаллаш учун кураши. Англия, Франция Германия, АҚШ, Италия ва Бельгиянинг дунёни қайта бўлиш йўлидаги ҳаракатлари. Кўчманчи мустамлакаларда ўз-ўзини бошқариш ҳаракатлари. Англия ҳукуматининг ўз мустамлакаларига ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериши.

Канада, Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Африка Иттифоқига доминион ҳуқуқлари берилиши ва бу давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Европадаги давлатлар ва АҚШ дунёни бўлиб олишни тугаллашга киришдилар. Бу либерал-капиталистик цивилизациянинг муҳим ҳаракатларидан бири ҳисобланади.

Худди шу вақтда мустамлакаларнинг молия олигархияси томонидан эзишнинг кучайган даври ва унга боғлиқ ҳолда кўчманчи мустамлакалар қаршилиги кучайган ва доминион ҳуқуқини олиш даври ҳисобланади.

XIX аср сўнгги учинчи чораги ва XX аср бошларида мустамлакалар босиб олиш йўлида аввалгидан Буюк Британия олдинда бормоқда эди. Англия жаҳон саноатида йўқотган имкониятларини Янги мустамлакалар босиб олиш билан кенгайтириб борди. Англия денгиздаги ҳукмронлиги, жуда кўп ҳарбий денгиз базалари, таянч пунктларига таяниб жуда кўплаб босқинчилик урушлари олиб борди.

1875 йилда Сувайш канали устидан назорат ўрнатган бўлса, 1878 йилда Кипр, 1882 йилда деярли тўлиқ Миср, 1885 йилда эса Бирмани босиб олиш тугалланди.

80-90 йилларда ҳарбий ва шарқий Африка қирғоқларидаги катта-катта ерлар Англия ихтиёрига ўтди. 1885-1895 йилларда бир қатор малай князликлари, 1898 йилда Хитойнинг Вейхайвей портида ўз мавқеини янада мустаҳкамлади ва унинг Узоқ Шарқда имкониятлари кенгайди. 1914 йилга келганда Англия қарам қилган

территориялар Ирландия ва Гибралтар кушиб ҳисоблаганда 18 млн кв км аҳолиси эса 430 млн кишига етди. Метрополиянинг ўзида ўша вақтда 41,5 млн киши яшар эди. Жуда катта мустамлакачи империя инглиз капиталистлари, битмас-туганмас бойлик, хом-ашё ва тайёр маҳсулотларни сотадиган бозорларга эгалик қилди. С.Радснинг фикрича мустамлакачиликни оқлаб, Англия океан орти мамлакатларига цивилизаторлик яъни маданий миссия йўли билан борди ва инглизлар “Ер юзиде биринчи ирқ” ҳисобланадилар деб таъкидлаган эди.

Иккинчи ўринда мустамлакачи давлатлар орасида Франция турар эди. Француз босқинчилари 1876-1914 йилларда каттагина ерларни босиб олдилар. Жумладан Тунис, Сенегал, Суданнинг бир қисми, Мавритания, Гвинея, Дагомея, Юқори Вольта Фил суяги қирғоқлари, Нигерия, Экваториал Африканинг ҳарбий қисми, Мадагаскар деярли бутун ҳинди Хитой ва Марокко мустамлакага айлантирилди. Франция 9,7 млн. кв.км территория ва салкам 50 млн. аҳолини қарам қилди.

Таниқли француз босқинчилик сиёсати назариётчиларидан бири Жюль Ферри Олий ирқ паст ирқдан бир қанча устунликка эга, улар паст ирқни цивилизациялашдир деган эди. Франция мустамлакачиликда ўзини асосий рақиблари бўлган Англия ва Германияга қарши кураш олиб борди.

Ҳатто улар Ўртасида сал бўлмаса урушга олиб келиши мумкин бўлган низолар 1898 йилда Фашод низоси (Англия билан), Марокко учун Германия билан бўлган 1905, 1911 йиллардаги низоларни кўрсатиш мумкин.

Мустамлакаларга эгалик қилиш масаласида Германия, АҚШ, Италия ва Бельгиялар кейинроқ ҳаракатга келдилар, ҳамда зўр бериб ҳаракат қилдилар.

Германия мустамлакалар босиб олишни XIX аср 80-йиллари ўрталаридан биринчи жаҳон уруши бошланишигача давом эттирди. Бу даврда Германия ихтиёрига Германия Жанубий-ҳарбий Африкаси (1884 й), Того, Камерун, Германия Шарқий Африкаси, янги Гвинеянинг шимолий қисми, Океаниядаги бир нечта ороллар ва Хитойнинг Киао-Чао территориялари ўтди. Босиб олинган ерларнинг умумий майдони 2,9 млн кв км, аҳолиси 12,3 млн киши эди. Германия ўз мустамлакаларида жуда қаттиқ режим ўрнатди. Германия биринчи жаҳон уруши йилларида барча мустамлакаларидан ажралди.

АҚШ давлати кейинчалик босқинчилик сиёсатини давом эттирди ва Гавай ороллари, Самоа ороли, Филиппин ороллари, Куба, Пуэрто-Рико ва бошқаларни эгаллади. 1914 йилга келганда АҚШга қарашли мустамлакалар майдони 0,3 млн кв км, аҳолиси сал кам 10 млн киши эди.

Италия давлати ҳам мустамлакачилик сиёсатидан четда қолмади. Италия 1889 йилда Сомали, 1890 йилда Эритерия эгалланди. 1895-1896 йилларда Эфиопияга қарши кураш олиб борди, аммо Италиянлар мағлуб бўлди. Бу Европа давлатлари орасида Африкада биринчи мағлубият эди. Италия босқинчиликни давом эттирди. 1912 йилда Туркия билан бўлган урушда Ливияни босиб олди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида итальян мустамлака майдони 1,5 млн кв км, аҳолиси 1 млн кишидан ортиқ эди.

XIX аср охирида мустамлакалар босиб олишда кичик Европа давлатлари орасида Бельгия асосий ўринда турар эди. Бельгия кучли давлатлар ўртасидаги қарама қаршиликлардан фойдаланиб, катта-катта территорияларни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Бельгия босиб олган ерлар майдони 2,3 млн кв км (Бельгия Конгоси), аҳолиси 15 млн киши.

Кўриб чиқилаётган бу даврда йирик мустамлака ерларни Нидерландия ҳам ўз қўлида сақлаб турмоқда эди. Нидерландлар Нидерландия Ҳиндистони (Индонезия) аҳолисини азоб-уқубатларга дучор қилди. Биринчи Жаҳон уруши арафасида унинг мустамлака ерлари майдони 2 млн кв км дан ортиқ бўлиб, аҳолиси 40 млн киши эди.

Португалия давлати ихтиёрида ҳам салмоқли ерлар мустамлака бўлиб қолмоқда эди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши даврида Португалияга Мозамбик, Ангола, Гвинея (Бисау), Яшил Бурун ороли, Сан-Томе ва Принсипе, Ҳиндистондаги Гао майдонлари, Диу ва Даман, Тимор ва Макао Қарар эди. Мустамлакаларнинг умумий майдони 2 млн кв кмдан ортиқ бўлиб, аҳолиси 7 млн киши эди. Португалиядан қолоқ давлат қўлида бу ерларнинг сақлаб турилиши, сабаби йирик давлатлар ўртасидаги қарама қаршиликлар эди.

Мустамлакачилик куч қудрати Испания учун энди деярли ўтмиш бўлиб қолган эди. Унинг асосий мустамлакасини АҚШ тортиб олган эди. Испания ҳам 1885-1912 йилларда Африкани бўлиб олишда қатнашиб шимолий ғарбидаги баъзи ерларни эгаллаб олган эди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши даврида унинг мустамлакалари майдони 0,3 млн кв км, аҳолиси деярли 500 минг киши эди. Мустамлакачилик системасини давом эттириши, уни сақлаб туриш учун Европа давлатлари ва АҚШ кўплаб урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлдилар. Юқорида Англия томонидан олиб борилган урушларга тўхталган эдик.

Франция ҳам Шимолий ва ғарбий Африкада, Мадагаскар, Ҳиндихитой ва Океанияда урушлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Франция 1878 йилда янги Календониядаги, 1895-1896 йилларда

Мадагаскардаги озодлик ҳаракатларини қонга ботирди. 1899-1901 йилларда АҚШ Филиппиндаги озодлик ҳаракатини шафқатсиз бостирди. Германия 1904-1907 йилларда жанубий-ғарбий Африкада ўн минглаб африкаликлар ўлимига сабаб бўлди.

XX аср бошларида давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий босқинчилиги оқибати сифатида-мустамлакачилик системаси, яъни Осиё, Африка, жанубий Америка ва Океанияда сиёсий қарамлик, иқтисодий эзиш, ғоявий тушкунликни қарор топтирдилар.

Метрополияларга ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қарам бўлган мамлакатлар ва территориялар мустамлакачи империяларни ташкил этди.

Мустамлакачи империялар бу мустамлакаларни турли форма ва методлар билан бошқардилар. Масалан Англия мустамлакаси бўлган Ирландия метрополия таркибида бўлса, Ҳиндистон икки қисмга бўлинган эди. Бир қисмини инглиз босқинчилари бошқарган бўлса, бир қисми номига мустақил князликлардан иборат эди.

Англиянинг кўпгина мустамлакалари инглиз чиновниклари томонидан бошқарилар эди. Францияга қарашли (Жазоир метрополия таркибида), Марокко, Тунис, Камбожда, Лаос, Аннам француз ҳукмронлиги остидаги мустақил давлатлар ҳисобланар эди.

Бундай бўлишига маълум тарихий шароитда, турли даврларда, турлича давлатлар томонидан мустамлакалар босиб олиш сабаб бўлди. Аммо, шу нарсани унутмаслик керакки, уларни эксплуатация қилиш усули ўзгармай қолган эди.

Мустамлака аҳолиси метрополияга қарши икки йўл билан бири чет эллик босқинчиларнинг ўзларига, иккинчиси улар томонидан тайинланган малайларга қарши кураш олиб бордилар.

Мустамлака системасининг асосий қисмларидан бири-бу ярим мустамлакалар бўлиб, улар номига мустақил ҳисоблансада сиёсий, иқтисодий жиҳатдан метрополияга бўйсунар эдилар.

1914 йилга келганда ер шари аҳолининг 60% территорияларнинг 67% қарам ва ярим қарам эдилар.

Метрополиялар мустамлакаларни ўз қўлларида сақлаб қолиш учун реакция ва милитаризмни кучайтирдилар. Мустамлакачи давлатлар ўз рақиблари устидан ғалаба қилиш учун ўз мустамлакалари одам ва табиий ресурсларидан максимал фойдаланиб бордилар. Мустамлаканинг ғарбий стратегик аҳамияти ошиб борди. Жаҳонни бўлиб олиш учун урушга тайёргарлик кўриш даврида мустамлакаларда ғарбий базалар, таянч пунктлари ташкил этилган, айти вақтда мустамлака мамлакатларида (хусусан Ҳиндистон Цейлон, Малая, Шимолий Африкадаги француз

мустамлакалари)-метрополия қаршилигига қарамай саноат ўсиб борди. Миллий буржуазия ва ёлланма ишчилар сони ўсиб борди.

Мустамлакачилик системасида Англияга хос бўлган кўчманчи мустамлакалар ҳам алоҳида ўринда туради. Бу ерларга метрополиядан кишилар кўчириб келтирилган. Уларнинг кўпчилигини ирландлар, шотландлар ва Европа материгидан келган эмигрантлар ташкил этган кўчманчи мустамлакалар асосан XIX аср иккинчи ярм ива XX аср бошларига тўғри келади.

Кўчманчилар мустамлакалари Канада, Австралия, Янги Зеландия, жанубий Африкада иқтисодий система ва ижтимоий муносабатлар худди метрополиялардагидек эди. Аммо иқтисодий сиёсий чекланганлик бу ерларда метрополияга қарши кураш олиб боришга олиб келди ва улар мустақил бўлишни асосий мақсад қилиб қўйдилар.

Кўчманчилар мустамлакаларида метрополия саноати билан рақобат қиладиган саноат ўсиб борди. Бу ерларда капитализм анча эркин (Канадада), тўлиқ эркин (Австралия, Янги Зеландияда) ривожланди ва бунга тўсиқ бўладиган феодал муносабатлар ниҳоятда заиф эди. Бу мустамлакалар Англиядаги саноат тараққиётидан намуна олган эди.

Кўчманчилар мустамлакаларида-аҳолининг ўсиши ва ривожланиши натижасида мустақил ўз-ўзини бошқариш талабларини кучайтирди. Англия ўнг кучлари бу ҳаракатларга қанчалик қаршилиқ қилган бўлсалар ҳам охир оқибатда бу ерларда реформалар ўтказиш, яъни ички ўз-ўзини бошқариш, кейинчалик эса доминион ҳуқуқини беришга мажбур бўлди.

2. Канада Британиянинг Шимолий Америкадаги ерларини бирлаштириш ғояси XIX аср бошларида пайдо бўлган эди. Бунга сабаб бу ерларни, АҚШ босиб олишидан хавфсираш эди. 1864 йилда Британия ҳукумати Британия Шимолий Америкасини бирлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. 1864 йил октябрда Квебек конференциясининг 72 резолюциясида "Британия Шимолий Америкаси ҳақида АКТ" қабул қилинди. 1867 йил март ойида Англия парламенти бу актни тасдиқлади.

АКТ га мувофиқ тўртта ўлка (провинция) Онтарио, Квебек, Янги Шотландия ва Нью Браунсуик битта доминионга бирлашиб Канада номини олди. Доминион (формал жиҳатдан мустақил давлат). Хужжатда франко-канадаликлар миллий манфаати ҳисобга олинмаганлиги сабаби Канада ғарбида яшовчи индеец ва метис қабилалари ғалаёнларига сабаб бўлган эди. Бу ҳаракатларга франко-канадалик Луи Риль раҳбарлик қилди.

АКТ 1867 йил 1 июлда кучга кирди. XIX аср охирида Канада территорияси анча кенгайди. 1870 йилда Манитоба, 1871 йилда Британия Колумбияси 1873 йилда шахзода Эдуард ороли 1905 йилда Саскачеван ва Альберта (Ньюфаундленд ўлкаси 1949 йилгача бунга кирмаган эди) ўлкалари Канадага қўшилди.

1871 йилдаги Вашингтон шартномасига мувофиқ АҚШ Канадани босиб олиш ниятидан қайтди. 1872 йилда Ж.Макдональд раҳбарлигида доминион ҳукумати тузилди. Макдональд Англия парламентида Канадада ҳар бир кишига бепул 160 акрдан ер бериш тўғрисида қонун чиқаришга эришди. Канадада инглизларникига ўхшаш икки палатали парламент жорий қилинди. Қуйи палата жамоа палатаси бўлиб, у умумий сайлов асосида сайланса, юқори палата Сенат бошлиғи инглиз генерал-губернатори ҳисобланади.

Англия фақат ташқи ишлар ва уруш эълон қилиш ҳуқуқини сақлаб қолди. Канаданинг ривожланишини текис бормади, аксинча 1873-1896 йиллардаги “буёқ” турғунлик мамлакат иқтисодиётини издан чиқарди. 1871-1901 йилларда АҚШга иш излаб 1,5 млн киши кўчиб кетди. Шунга қарамай ҳукумат “миллий сиёсат”ни давом эттирди ва аҳоли бирлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди ва бу ўз натижаларини бера бошлади. “Миллий сиёсат” асосида протекционизм, умум Канада транспорт системасини қарор топтириш, ғарбий Канада ерларини ўзлаштиришга катта эътибор қаратилди ва шу мақсадда чет эллардан катта-катта кредитлар олди. 1913 йилда Шимолий Америка ва Англиянинг олган капиталли 541 млн долларни ташкил этди. XIX аср охирига келганда Канада иқтисодиётида жуда катта сакраш рўй берди ва бу 1913 йилгача давом этди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш уч баробар ошди. Айниқса Европа талабларига боғлиқ ҳолда ғаллачилик ривожланди. Кемачилик ўсди. Канада ғарбидаги чексиз ерлар ўзлаштирилди. Бой минерал ва ўрмон ресурсларидан кенг фойдаланилди. Никел, рангли металллар тош кўмир, оҳак, қоғоз ишлаб чиқариш ўсди.

ГЭСлар қурилиши кучайди. Айниқса темир йўллар қуриш тезкорлик билан борди. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 1891 йилда 13,8 минг миль бўлса, 1914 йилга келиб, 37,4 минг мильга етди. Канададаги одамларнинг кўчиб келиши кучайди. Иқтисодий юксалиш йилларида Канадага Европадан сал кам 2 млн киши (асосан немислар, украинлар, скандинавияликлар, венгрлар) кўчиб келган бўлса, АҚШдан 1 млн дан ортиқ киши кўчиб келди ва Биринчи Жаҳон уруши бошларида аҳоли 8 млн кишига етди. Шу сабабли ҳам Канада аҳолисининг Элита қисми “XIX аср-Канада асри” деб атади.

Канада тўлиқ мустақил бўлиш йўлидан борди ва мустақил ташқи сиёсат юритишнинг дастлабки қадамини ташлади. 1909 йилда ташқи ишлар департаменти ташкил этилди.

Биринчи Жаҳон уруши йилларида Канада Англия томонидан урушга кирди. Чунки, Англия бутун Канада ҳукумати империясини қўллаб-қувватлади ва уруш йилларида 600 минг киши армияга (чақириқ ва ихтиёрий йўл билан) олинди ва уларнинг 425 мингги океан ортида Франция ва Яқин Шарқда жангларда қатнашди. Канада 56 минг солдатидан ажралди ва 150 минг киши ярадор бўлди. Канада уруш йилларида Антантанинг ғарбий арсеналига айланди. Мамлакатда йирик ғарбий саноат (унда 1916 йил охирида 300 минг ишчи ишлаган) вужудга келди. Антанта армияси ғарбий фронтда фойдаланган снарядларнинг учдан бир қисмини Канада тайёрлаган эди. Доминионда саноатнинг барча тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги ўсди. Асосан машинасозлик, металлургия, химия тармоқлари ривожланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш уруш йилларида сал кам икки марта ғалла икки марта қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш уч марта ўсди.

Австралия. Австралиянинг мустамлакага айлантирилишида бу ерларга мажбурий юборилган сургун қилинганлардан ташқари, бу ерлар излаб Европадан кўчиб келганлар ҳам муҳим рол ўйнади. Айниқса XIX аср ўрталарида бу ерларда олтин конларнинг топилиши аҳолининг кўплаб келишига олиб келди. Европадан келганлар маҳаллий аҳоли бўлган аборигенлар “паст ирк” сифатида қиргин қилинди. XIX аср 70-йиллари Тасмания оролининг туб аҳолиси бутунлай йўқ қилинди. Кўплаб аборигенлар чекка ўлкаларга резервацияларга юборилди ва улар барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинди ва туб аҳоли сони XIX аср охирига келганда уч-тўрт баробар камайиб кетди. XIX аср 50-йиллари Австралия тарихида ғолибона давр ҳисобланади. Бу даврда Виктория мустамлакасида олтин конлари очилиши ва 1851-1861 йиллардаги “олтин васвасаси” даврида мустамлакаларда иқтисодий юксалиш рўй берди. Оммавий эркин эмиграция бошланди. Янги кўчиб келганлар йирик чорвадорларга қарши кураш олиб бордилар. Мустамлакалар сиёсий ҳаётида парламентга ўз вакилларига эга бўлиш ва ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи талаблари кучайиб борди. Ниҳоят, 1891 йилда ички ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини янги Жанубий Уэльс, Виктория, жанубий Австралия, Тасмания, Квинленд ва ғарбий Австралия, яъни барча мустамлакалар олди. XIX аср охирига келиб бу мустамлакаларни ягона давлатга

бирлаштириш учун иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар етишиб борди. Саноат, Айниқса унинг енгил, озиқ-овқат, тоғ-кон тармоқлари ўсди. 1874 йилда Англияда биринчи марта Австралиядан музлатилган гўштар келтирилди. Мустамлакада жун, гўшт, ёғ, хом-ашё етиштириш кўпайди. Саноат буржуазиясининг янада бойишига мустамлакалар ўртасидаги томожня говлари халал бермоқда эди. Мустамлакаларни бирлаштириш тарафдорлари “Битта материк-битта миллат” шиори билан чиқдилар. 90-йиллар бошларида умумавстралия миқёсида матрослар ва жун қирқувчиларнинг иш ташлаши бошланди. Ишчилар ҳаракати натижасида 90-йилларда Австралияда Лейбористлар партияси тузилди. Мустамлакаларда бирлаштириш масаласи кучайиб борди ва 1897 йилда махсус конференция ўтказилиб унда федерал конституция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу конституция референдумларда 1898-1899 йилларда муҳокама қилинди ва уни тасдиқлаш Англия парламентига юборилди. Англия ўз рақиблари бўлган Германия ва АҚШга қарши Австралиядо мустаҳкам таянч ҳосил қилиш учун мустамлакаларнинг бирлаштириш ғоясини қўллаб-қувватлади. Англия парламенти Австралиядан олти мустамлакаларнинг бирлашувига 1900 йилда маъқуллади ва ягона Австралия Иттифоқи тузилишини эълон қилди. 1901 йил 1 январдан бошлаб Австралия Иттифоқига доминион статуси берилди ва мустамлакалар (6 та) штатлар деб аталадиган бўлди. Австралия Иттифоқининг тузилиши бу ерда австрийлар миллатининг таркиб топиб боришига (асосан инглизлар, шотландлар, ирландлар ва уэльслар аралашмаси) имкон берди ва бу ҳолат XIX аср ўрталарига тўғри келди. Федерациянинг тузилиши Австралиядо ягона давлат тузилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Австралия иш билармонлари Англиянинг босқинчилик сиёсатини қўллаб-қувватладилар. Англия 1906 йилда Янги Гвинеянинг (жануби шарқий қисми) Австралияга топширди ва Австралия босқинчилик ҳаракати иштирокчиси бўлиб қолди.

XIX аср охирида Австралияга “паст ирқ” ҳисобланган “рангли” кишиларнинг кўчиб келиши таъқиқланди. Бундай ирқчилик сиёсати XX асрнинг 60-йилларигача давом этди. 1908-1909 ва 1910-1913 йилларда Австралия ҳукуматини лейбористлар бошқарди. Бу ҳукумат аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бир неча қонунлар қабул қилди. Масалан иш ҳақи мининуми ҳақида қонли меҳнат шароитини яхшилаш, кексалик ва ногиронлик нафақалари ҳақида, кам таъминланган оилаларга ёрдам тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Аммо ишчилар куйидан туриб ўз аҳволларини яхшилаш учун кураш олиб бордилар. Виктория темир йўлчилари (1903) Брокен-Хилл кончилари (1908-1909) Брисбен трамвайчилари (1912)нинг йирик иш ташлашлари бўлиб ўтди.

X аср бошларида Австралия иқтисодиёти юксала бошлади. Австралия жаҳонда жун етиштириш ва экспорт қилишда етакчи ўринда турар эди. Австралия аграр мамлакат бўлса ҳам, қайта ишлаш Янги Зеландия ички сиёсатида мустақил бўлишига ҳаракат қилиб борди.

1907 йилда Янги Зеландия доминион ҳуқуқини (статус) олди. Аҳолиси сони 1 млн кишига етди. Биринчи жаҳон уруши арафасида мамлакатда ишчилар ҳаракати ўсди. 1910 йилда Лейбористлар партияси тузилди, 1909 йилда меҳнат федерацияси тузилди. Федерация “капитализмдан социализмга ўтиш муқарар” деб ҳисоблар эди. 1913 йилда бутун мамлакатда докерлар, шахтёрлар, денгизчилар, темир йўлчиларнинг иш ташлашлари бўлиб ўтди.

Янги Зеландия Англия томонида туриб Биринчи Жаҳон урушида қатнашди. Унинг армияси 1914 йил августда немис мустамлакаси Самоа (Самоа архипелагининг бир қисми) босиб олди. Унинг армияси 1914 йил октябрдан бошлаб Миср, Галлийполли ярим ороли, Франция, Бельгия, фаластинда жангларида қатнашди. Янги Зеландия жами 117 минг солдатни урушга жалб қилди. Бу бутун аҳолининг 10% ни ташкил қилар эди.

4. Жанубий Африка Иттифоқи. Англия Жанубий Африкадаги “бўш” ерларни қўлга киритиш учун коса (1877-1879), зулус (1879), басуто (1880-1881) қарши кураш олиб борди ва бу ерларни эгаллади. Бу жойларда инглиз аҳолиси тез кўпайиб борди. Бунга 1867 йилда олмос қонлари топилиши сабаб бўлди. 1872 йилга келганда Кап мустамлакаси ички ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини олди. 70-80 йилларда Жанубий Африкада олмос ва олтин қонлари топилди.

Капитал кириб келиш кучайди, тезликда тоғ-кон саноати ривожланди. Худи шу давр Жанубий Африканинг “иккинчи очилиши” деб юритилади. Англия шу регионда ўз мавқейини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди.

Бу ерда Англия билан кўчиб келган инглизлар ҳамда бур республикаси ўртасидаги қарама-қаршилик кучайди ва булар 1899-1902 йилларда инглиз бур урушига олиб келди. Уруш бутун жанубий Африкада Англия ҳукмронлигининг ўрнатилишига олиб келди. Икки бур республикаси инглиз мустамлакаси бўлиб қолди. Инглизлар бурлар билан муроса қилиш йўлини танлашга мажбур бўлди. Бунга XIX аср 60-йилларида шакар қамиш плантацияларида ишлаш учун келган минглаб ҳиндлар ва африкаликларнинг босқинчиларга қарши чиқишлари ҳам сабаб бўлган эди.

1906 йилда зулуслар қўзғолони бошланди, аммо қонга бостирилди. Биринчи оммавий ташкилот-“маҳаллий конгресс” ташкил топди ва шу асосида 1912 йилда ягона сиёсий ташкилот-Африка миллий конгресси тузилди. Шу ерда қолиб кетган ҳиндлар ҳам ўз сиёсий ҳуқуқлари учун курашдилар. Унга ёш Махатма Ганди раҳбарлик

қилди. У жанубий Африкада 1893-1914 ва 1894 йилларда яшаган эди. Биринчи ҳинд сиёсий ташкилоти натал ҳинд конгресси ташкил топди. Юқорида келтирилган мураса сиёсати туфайли 1910 йилда Британия империяси таркибида янги доминион ташкил этилди ва у жанубий Африка Иттифоқи деб аталди. Иттифоқда Кап ва Наталь мустамлакалари, собиқ бур республикалари бўлмиш Трансвал ва Оранжевая ерлари киритилди. Доминионда сиёсий иқтисодий ҳукмронлик метрополия билан яқин алоқада бўлган инглиз аҳолисининг юқори табақаси вакиллари қўлида эди. Биринчи бош министр бур уруши даврида бош қўмондон бўлган генерал Луис Бота ва унинг "биринчи ўғли" шу уруш қатнашчиси генерал Ян Сметс эди.

Англия империяси таркибида бўлган ва доминион ҳуқуқини (статус) олган Канада Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Африка Иттифоқи ташқи сиёсат юритишда, мустақилликка интилишда узоқ вақтгача жим турдилар.

Англия эса доминионлардан жуда катта фойда олар эди. Жанубий Африка Иттифоқида ҳали ҳам бурларнинг галаёнлари тўхтамаган эди. Доминионнинг Англия томонидан Биринчи Жаҳон урушига Кириши бурларнинг норозилигини кучайтирди. 1914 йил охирида бир нечта бур генераллари қўзғолон кўтардилар ва мустақил республикаси тузишни талаб қилдилар, аммо галаён бостирилди ва бу бурларнинг сўнгги қўзғолони эди.

Жанубий Африка Иттифоқи армияси Германияга қарши Африкада жанг олиб борди. Улар 1915 йилда Германияга қарашли Жануби-ғарбий Африкани ишғол қилди.

Биринчи Жаҳон уруши доминионларнинг иқтисодий юксалиб боришга олиб келди. Мустамлакалар босқинчилар томонидан олиб келинган цивилизацияга қаршилик кўрсатдилар ёки қийинчилик билан унга мослашиб бордилар. Кейинчалик мустамлака аҳолиси янги цивилизациянинг ривожланишида актив қатнаша бошлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Новая история стран Европы и Америки. Под ред И.М. Кривогуза. М., 2002.

2. Вяткина Р.Ф. Создание Южно- Африканского Союза (1902-1910) М., 1976.

3. Парфёнов И.Д. Колонияльная экспансия Великобритании в последней трети XIXвМ., 1991.

4. Силин А.С. Экспансия германского империализма на Ближний Восток накануне. Первой мировой войны (1908-1914) М., 1976.

4-МАВЗУ: ЕВРОПАДА КУЧЛАР НИСБАТИНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА ҲАРБИЙ БЛОКЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Асосий саволлар:

1. Геосиёсий тузилишининг янгиланиши, "Уч император иттифоқи" дан Учлар Иттифоқига
2. Француз-рус иттифоқидан Антантага
3. Болқон урушлари даврида икки блок рақобати. Пацифистик ҳаракат.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

XIX аср сўнгги йилларда Шимолий Америка цивилизациясининг ўсиши. Давлатлар ўртасида ўзаро муносабатларда янги босқичнинг бошланиши "Уч император иттифоқи"дан Учлар иттифоқига асос солиниши кучли мамлакатлар ўртасида ер юзида таъсир доираларини кенгайтириш учун кураш ва ҳарбий блокларнинг тузилиши. Болқон урушлари даврида бу блокларнинг ўзаро рақобатлари. Мамлакатларда уруш хавфига қарши ҳаракатлар. Пацифистик ҳаракатлар ва II интернционал.

XIX асрнинг сўнгги йиллари ва XX аср бошларида шимолий Америка цивилизациясининг ўсиши, унинг ютуқлари ғарбий ва марказий Европага континентнинг Шимол, Шарқ ва Жанубига тарқалди. Бу ютуқларлардан лотин Америкаси фойдаланди. Ўзаро муносабатларнинг янги босқичи, Европа ва Америка мамлакатлари ўртасида бошланди. Дастлаб Америка бутунлай Европага юзланиб унинг миллионлаб кўчиб келганларнинг, маънавий бойликларини техникасини ва капиталини ўзига қабул қилди. Энди эса Европа Америкага юзланиб унинг фақат хом-ашё ва маҳсулотларини қабул қилиб қолмасдан, балки янги ғояларни, машиналарни, технологиясини ташкил этиш формаларини ҳам қабул қилди. Европа ва Американинг ўзаро муносабатлари жаҳон ишлаб чиқариши ўсишида қўшган ҳиссалари сал кам 5 марта, жаҳон савдоси хажми эса тахминан 4 марта ўсган бўлса, асосий ҳисса Европа ва Америка регионига тўғри келади. Аммо уларнинг ўзаро муносабатларига қарши ғоясининг таъсири кучли бўлди. Биринчиси жаҳон бойликларидан унумли фойдаланиш учун халқ ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлса, иккинчиси бу бойликлардан ўз манфаатлари йўлида, ҳатто бошқалар ҳисобидан ҳам фойдаланиш ғоялари пайдо бўлди, тенг ҳуқуқлик йўқ эди.

Энг юқори гуруҳларга Европадаги буюк давлатлар Англия, Франция, Австрия, Венгрия, Россия империяси кирар эди. Кейинчалик гуруҳларга Францияни мағлуб қилган Германия ва Италия қўшилди.

XIX аср охирига келиб иқтисодий жиҳатдан кучли давлатлар даражасига етиш, АҚШ давлатини ҳам улар ўзларига қўшмаган эдилар. Япония ҳам, русларни мағлуб қилгач, ўзини буюк давлатлар қаторида ҳисобласа ҳам, аммо "Европа концерни"дан нарида турар эди. Усмон империяси эса анчадан буён "Европалик касал киши" ҳисобланар эди. Бошқа Европа давлатлари, ҳатто каттагина мустамлакаси борлар ҳам, ёш лотин америкаси давлатлари буюк давлатлар билан тенг ҳуқуқли эмас эдилар ва баъзилари эса улар сиёсатига қарам эдилар.

Жаҳон бозори ўсиши унда қатнашаётган давлатлар ўзаро бири-бирига боғлиқлиги ҳам ҳалқаро муносабатларда катта ўзгаришлар қилишни талаб қилган эмас эди. Хилма-хил сиёсий қарашлар ичида бир неча қарама-қарши марказлар, жумладан энг йириклари Европада пайдо бўлди. Европа билан алоқаларни ривожлантириб бораётган Америка, хусусан лотин Америкаси халқаро муносабатларни ўз манфаатларига мос келишга ҳаракат қилди.

XVIII асрдан бошлаб Европа халқаро муносабатлари ҳамма худудларда энг ривожланган система бўлса, XIX аср охирига келиб дунё миқёсида система бўлиб қолди. Бу дунёни бўлиб олиш учун бошланган кураш сабаб бўлди. XIX аср охири XX аср бошларида жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари халқлари тақдири Европа мамлакатлари муносабатларига энг аввало буюк давлатларга боғлиқ бўлиб қолди. Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ўсиши жамоатчиликнинг ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлган фуқароларнинг сиёсий партиялар ва кенг кўламли ҳаракатларнинг кучайиши уларнинг халқаро муносабатларга аралашувига олиб келди.

Ўз давлатини ташқи сиёсий фаолиятдан норози бўлган турли жамоат ташкилотлари, ўз мамлакатларида нодавлат халқаро ташкилотларга ҳам асос солдилар.

1870 йилги Француз-Герман урушларидан сўнг Европа кучлар нисбати сезиларли даражада ўзгарди. Франция сезиларли вақтгача четда қолган бўлсада умуммустамлакалар ерларини кенгайтириб борарди.

Германия ҳукумати эса Европа гегримонликни қўлга киритиш учун жаҳонда мустамлакалар босиб олиш ва таъсир доирасини кенгайтиришга зўр берди. Россия империяси Француз-Герман

урушидан фойдаланиб, ярим мағлубиятларини қоплаш учун ҳамма йўналишларда босқинчилик сиёсатини кучайтирди. Англия вазиятни ўзгартиришга қараб ўзининг кўчиб борганлар мустамлакаларига доминоин ҳуқуқларини берди. Европадаги қарама- қаршилиқлардан фойдаланиб, ўзига ҳамкор излай бошлади.

Австрия-Венгрия Болконда ўз агрессиясини кучайтирди. Италия Африкада ўз империяси ва таъсир доирасини кучайтиришга ҳаракат қилди. Давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар уларнинг нотекис ривожланиши натижасида яна ҳам кучайди. 1914 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиш ҳажми жиҳатдан Англия АҚШ ва Германиядан кейин учинчи ўринга тушиб қолган бўлса ҳам, у мустамлакачилик майдонлари жиҳатидан олдинда эди. Лондон жаҳоннинг молиявий маркази бўлиб қолмоқда эди. XIX аср охири XX аср бошларида буюк давлатларнинг ўз "таъсири доирасини кенгайтириш учун олиб борган ҳаракатларнинг натижалари бўлишини таъминлаш учун дунёни бўлиш ва қайта бўлиш учун ғарбий кучдан фойдаланишга асосий эътибор қаратилди. Буни кўпчилик янги империализм деб аташди. Бу ҳаракат тарғиботчиси ва илҳомчилари монополиялашган ишлаб чиқариш бозор, банк, молиявий олигархия бўлди.

Уларнинг ҳоҳиши миллий ҳоҳишдан устун келди. Империализм назарияси бўлган шовинизм ўз миллатининг бошқалардан устун бўлганлиги ва шу сабабли дунёда ҳукмрон бўлишга ҳақиқат борлигини тарғиб қилдилар. Кўпгина ижтимоий-таъминот ва халқ ҳаракатлари шовинизм ғояларини бартараф қила олмади. Балки баъзилари унинг тарғиботидан заҳарландилар ҳам.

Буюк давлатлар янги мустамлакалар босиб олиш ва у ердаги халқ қаршилигини бостириш учун ғарбий курашни ишга солдилар. Шу сабабли жаҳонда қуролли тўқнашувлар кичик урушлар деярли тўхтамади. Буюк давлатларнинг Европада гегемон бўлиш, мустамлакалар босиб олиш ва таъсир доираси учун кураш айниқса ҳавфли бўлиб қолди. Урушлар ва қарама-қаршилиқлар қуролланиш пойғасига олиб келди. Давлатлар ўртасидаги вазият қалтис тус олди ва кескинлашди. XIX асрнинг сўнгги 30 йил ва XX аср бошларида давлатларнинг вазиятни тартибга келтириш учун олиб борган ҳаракатлари, жаҳон урушини олдини олишга заифлик қилди.

Германия империяси (Бисмарк) Францияга қаршилик кўрсатишни давом эттирди. Бисмарк Россиянинг куч-қудратини билганлиги сабабли, Россияга қарши хусусан икки фронтда Францияга ҳам қарши кураш олиб бориши, Германия учун ҳалокат келтириш

мукаррарлиги сабабли, имкон борича француз-рус иттифоқи тузилишига қаршилиқ кўрсатди.

Императорлар Александр II, Вильгельм I ва Франц Иосиф ўзаро учрашувлар даврида канцлерлар А.М.Горчаков, Бисмарк ва министр Андрани музокаралари натижасида 1873 йил кузида, “Уч император иттифоқи”ни туздилар. Шартномада улар орасида келишмовчиликлар туғилса, биргаликда ҳал қилиш, бир бирини ҳимоя қилиш масалалари кўрилди. Айти вақтда Гарчаков Франция элчисига Россия кучли, Франция тарафидан эканлигини ҳам билдирган эди. Европа давлатлари Франциянинг кучсизланиши ва Германиянинг кучайишини истамас эди. “Уч император иттифоқи” 1887 йилгача ўз кучида бўлса ҳам қатнашчилар умидларини оқламади. Германия урушга тайёргарлик йўли билан Францияни кучсизлантириш сиёсатидан воз кечмаган эди. 1875-1887 йилларда Францияда активлашган реванш кучлар баҳонасида унга хужум қилиб, иккинчи бор тор-мор қилмоқчи бўлди. Германия, Англия Франциянинг мустамлакалар босиб олишга қарши бўлганлиги сабабли уни қўлламади. Россия эса Ўрта Осиё ва Болқон ишлари билан банд бўлганлиги сабабли бетараф қолди деб ҳисоблади.

Аммо Россия Бисмарк Асосий саволларига қарши чиқди ва Асосий саволлар амалга ошмай қолди. Россия Ўрта Осиё масаласида инглизлар билан муносабатлари қалтис бўлганлиги сабабли Германия билан яқинлашиш йўлини излар эди. Рус Армияси Туркманистонни босиб олди, Хива хонлиги устидан хукмрон ўрнатди ва империяга кўкун хонини қўшиб олди.

Россиянинг Эрон билан муносабатлари ҳам Англия учун хавфли эди. Англия рус-турк уруши (1877-1878) йилларда ҳам Россияни Болқонда мустақамлашига қарши чиққан эди. Рус-турк уруши даврида Австрия-Венгриянинг бетараф турганлиги унга Босния ва Герцеговинани ўз таъсирига олишга имкон берган эди. Бу эса Болқонда кучли Славян давлатининг қарор топишига ҳалал берар эди.

Усмон империяси қўшинлари ҳаракати 1878 йилда Сан-Стефано шартномаси тузилишига олиб келди. Шартнома Россиянинг деярли барча территориал даъволарини қондирди.

Сербия мустақил бўлди ва майдонларини анча кенгайтирди. Черногория ва Руминия мустақил бўлди. Йирик Болгария автоном князлиги вужудга келди.

Австрия-Венгрия ва Англия Россияга уруш билан таҳдид солди. Ўз қўшинларини Стамбулга жўнатди ва Сан-Стефано сулҳини қайта кўришга муваффақ бўлдилар.

Европа давлатларининг Берлинда бўлган конференциясида Россиянинг Рус-Турк урушларини деярли йўққа чиқарди. Россиянинг Болқондаги таъсирини пасайтирди. Конференцияда Бисмарк ташаббускорлик вазифасини бажарди. Австрия-Венгрия ва Англияни қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, “Уч император иттифоқи”да чуқур ёриқ пайдо бўлди.

Германия Россия билан бож уруш олиб бориш билан бирга Австрия-Венгрия билан яқинлашишга ҳаракат қилди. Икки империя ўртасида шарққа экспедиция масаласида яқинлашув рўй берди. Бисмарк Австрия-Венгрияни Францияга қарши курашда Германияни қўллашга кўндирмаган бўлса ҳам, аммо (1879 йилда Германия ва Австрия-Венгрия ўртасида яширин шартнома имзолади.

Шартномада агар Россия уларнинг бирига хужум қилса, бир-бирига ҳарбий ёрдам бериш, агар ўзларидан бири Россияга уруш эълон қилса, иккинчиси бартараф туришга келишилди. Бу шартнома 1914 йилда тўқнашган икки каолициянинг бирига асос солиш йўлидаги қадам бўлди.

“Уч император иттифоқи”ни мустаҳкамлаш учун 1881 йилда Австрия Рус-Герман шартномаси тузилди. Шартнома ўзаро бетарафликни, яъни улардан бирига (масалан Англиянинг Россия, Франция ёки Германияга хужуми) тўртинчи бир давлат хужум қилса, бетараф туришга келишилди.

Франция изоляцияда қолди. Бисмарк Италияни Францияга қарши қўйишга ҳам ҳаракат қилди. Тунис масаласида Австрия-Венгрия ўзининг рақиби Италия эмас, балки Россия деб ҳисоблар эди. Болқон масаласида бу ҳолат Германия Италия ва Австрия-Венгриянинг 1882 йилда Учлар иттифоқини тузишга имкон берди. Иттифоқ 1915 йилгача ўз кучида бўлди. Иттифоқ шартномасида Франция Италия ёки Германияга хужум қилса бир-бирини қўллаб-қувватлаш, Австрия-Венгрия эса бетараф туришни белгилади. Бундан ташқари Франциядан бошқа Бирон буюк давлат уларнинг бирига хужум қилса, қолган икки давлат бетараф туришга, агар икки давлат уруш очса ҳарбий ёрдам кўрсатишга келишилди. Шундай қилиб Германия ташаббуси билан тузилган иттифоқ мустаҳкамланди ва анча кенгайди, гарчи Италия иттифоқининг энг заиф нуқтаси бўлса ҳам, 1880 йилларга келганда Россиянинг Ўрта Осиё ва Эронда мустаҳкамланиши, Болгария князлиги ва Сербиянинг Болқонда кучайиши Россиянинг Англия ҳамда Австрия-Венгрия билан муносабатларини кескинлаштирди.

1885 йил баҳорида рус армияси Афғонистонга қараб силжиши, Англиянинг Россияга ҳужум қилишига (қора денгизда) ҳаракати бартараф этилди. Россиянинг таъсири ва Германиянинг қўллаши билан Султон қора денгиз бўғозларини ёпиб қўйди (инглиз) кемалари келишига йўл ёпилди.

Россия билан Германия ўртасида қарама-қаршиликлар кучли бўлса ҳам, улар ўртасида 1887 йил Янги шартнома тузилди. Россия Германияга нисбатан агар унга Франция ҳужум қилса, бетараф туради. Агар яқин Шарқ масаласида Англия Россияга уруш очса Германия Россияга ёрдам беради деб келишилди. Бу иттифоқ жуда заиф бўлганлиги сабабли уч йил ўз кучида бўлди. Германиянинг шарққа нисбатан актив ҳаракатга қилиши Австрия-Венгрия билан яқинлашуви Россия билан тўқнаш келди.

Германия билан Россия ўртасидаги бож урушлари Россияга кредит беришдан бош тортиши, Англиянинг мустамлакалар босиб олиш сиёсатининг Россияга тўғри келмаслиги Россия билан Францияни бир-бирига яқинлаштирди. 1891 йилда Француз-рус ҳукмронлигига асос солган маслаҳат лакти имзоланди. Унда яширин ҳарбий келишув ҳам бор эди. Бу Франция учун ҳам Россия учун ҳам фойдали эди.

Битимда агар Германия Францияга ҳужум қилса, Россия Францияга ҳарбий ёрдам бериш, агар Россияга Германия ёки Австрия-Венгрия ҳужум қилса, Франция Россияни қўллаб-қувватлайдиган бўлди.

Европада кучлар нисбатан барқарорлашгандек бўлди. Аммо бу мустаҳкам эмас эди. Ҳар икки блок ҳам ўз давлатлари, молия олигархияси манфаатлари йўлида қуролланишни давом эттирдилар.

Европада эришган кучлар баланси мустаҳкам эмас эди. Шу сабабли икки томон ҳам Европада ўзларига янги-янги иттифоқчиларни топишга ҳаракат қилдилар. Бунинг устига 1890 йилларда дунёни бўлиш ва қайта бўлиш масаласида АҚШ нинг таъсири кучайган бўлса, Италия ва Германия активлашди. 1894 йилда Япония ва Хитойдан Тайван ва Пескадор ороллари тортди олди. Германия, Франция, Россия ва Англия Хитойда ўз таъсирини ўтказиш учун ҳаракатни кучайтирдилар. АҚШ Хитойга "Очиқ эшик" лар сиёсатини таклиф қилиб, Хитойда эркин савдо қилиш ҳуқуқи учун курашди. Англия ва АҚШ Россиянинг босқинчилигига қарши Японияни қўллаб-қувватлаган бўлса, Германия Россияни Япония ва Англияга қарши қўлишга ҳаракат қилди. Европанинг буюк давлатлари 1900 йилда Хитойда бошланган анти империалистик

қўзғолонни бостиришда қатнашдилар. АҚШ 1898 йилда Испания мустамлакаларига ҳужум қилиб, ундан Куба Пуэрто-Рико ва Филиппинни тортиб олди.

Колумбияни бўлиб ташлаб, Панамада ўз мавқеини мустаҳкамлади. 1914 йилда Панама канали ишга туширилди. Италия Африкада мустамлакачилик сиёсатини давом эттириб, 1895 йилда Эфиопияга ҳужум қилди, келгуси йили мағлуб бўлди ва Эфиопиянинг мустақиллигини тан олди. Англия кўмагида Италия қизил денгиз қирғоғидаги Эритрея ва Сомали устидан протекторат ўрнатди. Германия 1880 йилларда Конго масаласида (Африка) Англияга йўл бериб, Усмон империяси билан яқинлашди. Бу ерда Босфор-Богдод темир йўлини қуриб беришга келишилди.

Германиянинг зўр бериб қуролланиши, Англия ҳукумати ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқишга ундади. Англия асосий рақибини Франция деб ҳисоблаб келар эди. Чунки Англия билан Франция манфаатлари Африка, Жанубий шарқий-Осий ва Хитойда тўқнаш келган эди. Франция Европада Германия таъсири ошиб бораётганлиги сабабли Англия билан муносабатларини кескинлаштирмасликка ҳаракат қилди.

1899 йилда Англиянинг Нил бассейнидаги устунлигини тан олди ва ўзи Чад кўли бассейни билан чекланди. Англиянинг жанубий Африка учун, Бур республикасини қўлга киритиш учун уруши 1902 йилда тугаган бўлсада Англияга қимматга тушди. Англия Африкадан Германия Франция, ва АҚШ таъсиридан тан олди. Англия Россияни Осиёдаги экспанциясини тўхтатишга қодир эмас эди. Буларнинг ҳаммаси Англияга ўзига Янги иттифоқчилар излашга мажбур қилди.

Англия 1902 йилда Япония билан иттифоқ тўғрисида битим тузди. Япония агар Англияга, Хитой ёки Россияга ҳужум қилса, бетараф турадиган бўлди.

Франция Россия иттифоқини Франция хавфсизлиги учун етарли деб ҳисобламади. Европада ўзига бошқа иттифоқчилар топишга ҳаракат қилди. Франция Англия билан яқинлашиб борди. Икки давлат раҳбарлари бир-бирига қилган ташрифлари (корол Эдуард VI ва Президент Лубэ) 1904 йилда, Африкада ўз таъсир доираларини белгилаш тўғрисида шартнома имзолади. Бу иттифоқ "Антанта" номини олди. Бу шартнома икки давлатнинг Германияга қарши кенг қўламда ҳамкорлик қилишга имкон яратди. Бу даврда тузилган шартномалар жаҳонда тинчликни сақлашга қаратилган деб пропонда қилинган бўлсада, аммо уларнинг натижалари етарли эмас эди. У хатто бир-бирига қарама-қаршиликларни пайдо қилган эди, шунга қарамай, XIX аср охирида дипломатик баъзи дипломатик тўқнашувнинг олдини олишга муваффақ бўлди.

Германия-Франция, Россия-Англия, Австрия-Венгрия-Россия, Франция-Англия ораларида келиб чиқиши мумкин бўлган урушларга йўл қўйилмади. Халқаро арбитраж суди 1881-1900 йилларда III та халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этди. Аммо давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ўсиб борди. 20 йил ичида 1903 йилгача фақат Европа давлатлари, ҳарбий ҳаражатлари салкам икки баробар армия сони эса 25% ўсди.

Россиянинг таклифи билан 1899 йилда Гаагада жаҳон конференцияси ўтказилди. Унда 26 давлат қатнашди. Конференцияда қабул қилинган халқаро жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш учун олиб бориш тартибини белгилаш, жумладан портлайдиган ўқлардан, захарлайдиган моддалардан фойдаланмаслик, ярадор ва асирларга гуманизм нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш, ҳамда ҳарбий ҳаражатлар ва ҳарбий кучларни қисқартириш таклиф этилди. Иккинчи Гаага жаҳон конференцияси АҚШ ташаббуси билан 1907 йилда ўтказилди, унда 44 та давлат қатнашди. Бу Вена конгрессидан кейинги энг катта конференция эди. Конференцияда халқаро низоларни тартибга келтириш, қуролли хужум қилишни чеклаш, қуруқлик ва денгизда олиб бориладиган уруш нормалари конкретлаштирилди, бетараф мамлакатларнинг ҳуқуқ ва вазифалари белгиланди. Бу конвенциянинг халқаро ҳуқуқ (урушга оид) нормалари тўғрисидаги таклифлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эмас, унга амал қилмаслик ҳарбий жиноят деб баҳоланади деб таъкидланган эди. Аммо Гаага конференцияси қарорлари халқаро муносабатларда етарли бўлмай қолди. Давлатлар ўзлари манфаатларига тўғри келадиган қисмигагина истар-истамас эътибор бердилар.

1904 йилда Испан-Америка, инглиз-Бур, Рус-Япон билан бўлган урушлар дунёни бўлиб олиш учун бошланган учинчи уруш эди. Бу урушлар Корея ва Маньжурияда таъсир доираси учун бўлган ҳаракатларда 2 млрд 500 млн доллар сарф қилинди, 555900 киши ҳалок бўлди. Янги қуролларнинг урушда ишлатилиши катта вайронгарчиликка олиб келадиган бўлиб қолди. Қуролланишга буюк давлатлар 30 йил ичида 90 млрд марка сарфлади ва ҳарбий кучлар 30% га ошди. Рус-Япон урушларида Россиянинг енгилиши 1905-1907 йиллардаги инқилоб, Сахалиннинг жанубий қисмини бой бериши, Маньжурияда таъсир доирасининг йўқотилиши Россиянинг заифлигини кўрсатар эди.

Россия ўнг гуруҳлари бошқа давлатлар билан Болқонда, Ўрта Осиёда муносабатларни кескинлаштирмасликка ҳаракат қилдилар. 1905 йилда Германия Марокка масаласида Франция билан

жанжаллашиб қолди. Аммо бошқа давлатлар (Австрия-Венгриядан ташқари) Германияни чекинишга мажбур қилди. Германиянинг активлашганлиги Франция ва Англияни хушёр торттирди.

1906 йилда улар харбий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар. Бунга Бельгия ҳам тортилди. Рус-Япон урушидан сўнг Англия билан Россия муносабатлари бир-бирига яқинлашди. Франция ҳамкорлигида 1907 йилда Россия Англия шартномаси тузилди.

Шартномада Эронда ўз таъсири доиралари тўғрисида, табиий ишларга аралашмаслик, Англиянинг Афғонистондаги устунлигини тан олиш белгиланди. Бу келишувда Англия ва Россиянинг Германияга қарши ўзаро ҳамкорлик қилишига йўл очиб берди. Бу учлар иттифоқига қарши янги харбий иттифоқ "Антанта"ни тузишнинг сўнги босқичи эди. Шундай қилиб, Европада кучларнинг катта гуруҳланиши, династиялар ёки ғоявий эхтирослар таъсирида эмас, балки молия олигархияси талабларидан келиб чиқди. 1907 йилга келганда икки блок ўртасидаги зиддиятлар янада кучайди.

Германия Австрия-Венгрия билан Болқонда ва Яқин шарқда ҳаракатни кучайтирди. Бу Россия ва Англия манфаатларига зид эди. 1908 йилда Австрия-Венгрия аввал босиб олинган Босния ва Герцеговинани ўзига қўшиб олди ва Болгария ва Руминияга Сербияни бўлиб олишни таклиф қилди. Сербия эса Россияга таяниб ҳар қандай босқинчиликка зарба беришга тайёрлана бошлади. Россия Австрия-Венгрияга қарши урушга тайёр эмас эди. 1909 йилда Германия агар Россия Австрия-Венгриянинг Сербия масаласидаги ишларига аралашса, Австрия-Венгрияга ёрдам беришни билдирди. Германия босими остида Россия Австрия-Венгриянинг Босния ва Герцеговина устидан ҳукмронлигини тан олди. Австрия-Венгриянинг кучайиб боришидан хавфсираган Италия Россия билан келишишга ҳаракат қилди. Россия Италиянинг Шимолий Африкадаги ҳаракатига ҳалақит бермаслик, Италия эса Россиянинг Босфор ва Дорданелл бўғозларидаги ҳаракатига ҳалал бермайдиган бўлди. 1911 йилда Италия Франция ва Россияга таяниб, Усмон империясининг шимолий Африкадаги мустамлакалари Триполи ва Киренаикани босиб олди. 1912 йилдаги тинчлик шартномасига асосан Султон Триполи ва Киренаикига тўлиқ автономия берилди.

Аслида эса бу ерлар Италия ҳукмронлигига ўтди. 1912 йилдаги инглиз-немис музокараларида иккинчи даражали таъсир доиралари тўғрисида келишилди. Бу Германия ўнг гуруҳларида, Европада уруш бошланса, Англия бетараф туради деган хом ҳаёлга олиб келди.

Болқонда Усмон империясига қарши Сербия ташаббуси билан Болқон давлатлари блоки тузилди. Буни Россия ва Франция қўллаб-қувватлади. 1912 йил баҳорида Серб-Болгар ва Грек-Болгар шартномалари тузилди. 1912 йил 9 октябрда Усмон империясига қарши уруш қаракатлари бошланди. Болқон давлатлари ҳарбий кучлари туркларни енгдилар, Болқон блоки ғалабалари Германия ва Австрия-Венгрияни ташвишга солиб қўйди. Улар Сербнинг кучайиши ва унга Албаниянинг тортилишини истамас эди. Улар сербияга куч билан зарба беришга тайёрлана бошлади. Бу Антантага ёқмади. Европа уруш бўсағасига келиб қолди. Кескинликни юмшатиш учун Лондонда олти давлат элчилари учрашуви бўлди. Учрашувда Албания Султон таъсиридаги автономия ҳуқуқига эга бўлди. Серб армияси Албания худудидан чиқариладиган бўлди. Узоқ давом этган музокаралар натижасида 1913 йил май ойида Усмон империяси билан Болқон давлатлари ўртасида тинчлик шартномаси тузилди. Усмон империяси деярли Европадаги барча ерларидан ва Албания ҳамда Эгей оролларида ажралди. Лекин кўп ўтмай ғолиб Болқон давлатлари ўртасида ўзаро муносабатлар кескинлашди. Черногория князи Скутарга (Албания бериш ўрнига ҳужум бошлади. Сербия ва Греция Руминиянинг қўллаб-қувватлаши билан Болгариядан компенсация ва территория талаб қилди. Австрия-Венгрия гапига учган Болгария ўз иттифоқчиларига қарши уруш бошлади (иккинчи Болқон уруши Австрия-Венгрия Болгарияни ҳарбий жиҳатдан қўллашга тайёргарлик кўра бошлади. Германия ҳали вақти эмас деб, уни тўхтатди. Болгария енгилди. 1913 йилда август ойида Болқон уруши қатнашчиларининг тинчлик шартномаси имзоланди.

Унга мувофиқ Македониянинг анча ерлари Сербия ва Грецияга ўтди. Руминияга жанубий Добруж тегди. Болқон урушлари кучларни қайта гуруҳлашга олиб келди. Австрия-Герман блоки Усмон империясида ўз мавқеини мустаҳкамлади ва бу ишга Болгарияни ҳам жалб қилди. Антанта эса Сербия, Черногория Грецияда мустаҳкамланди. у ишга Руминияни ҳам жалб қилди. Шундай қилиб Болқон Европанинг портлашга тайёр қисми бўлиб қолди.

XIX аср 80-йилларида, оммавий ҳаракатлар тез ўсиб борди. Бу ҳаракатнинг Европа ва Америкадаги халқлар турли диний ва фалсафий ғояларда инсон ҳаёти, ҳуқуқлари куч ишлатиш билан эмас, балки тинчлик йўли билан ҳал этилишини тарғиб ва талаб қилдилар. Барча ижтимоий, миллий, зиддиятлар тинч йўл билан ҳали этиш жамият ҳаётида урушлар ўрин олмаслигини талқин қилдилар.

Француз-Герман урушидан сўнг бундай ҳаракатлар Европа ва Америкада кучайди, ҳамда тинчлик тарафдорларининг жамиятлари пайдо бўлди. Умум жаҳон тинчлик масаласи, Европа халқлари милитаризм оғир оқибатларини, қуролланиш зўр бериб авж олиб бораётганлиги, халқаро жанжал урушлар оқибатларини кўрдилар. Пацифистлар ҳаракатига саноат ишчилари, деҳқонлар ва сотувчилар, рассом ва олимлар, хизматчилар, журналистлар ва парламент аъзолари, диний ва сиёсий арбоблар қатнашдилар.

У 1889 йил июнда Парижда кўпгина давлатлардан келган 100 га яқин пацифистик ташкилот вакиллариининг халқаро конгресси бўлди. Улар интернационал алоқаларга асос солдилар. Бу конгресс тугаши билан Парламентлар арс конференция ўтказдилар. Конференцияда 10 та давлатдан 97 та депутат қатнашди. 1912 йилга келганда 19 та давлатда Англиядан тортиб АҚШ ва Япониягача 136 та пацифист иттифоқлари фаолият кўрсатмоқда эди. Уларнинг ғояларини, сиёсатини тарғиб қилувчи 20 дан ортиқ халқаро марказлар тузилди. Уларнинг орасида кўзга кўринган 1891 йилда учинчи халқаро тинчлик конференциясида асос солинган халқаро тинчлик бюроси ҳисобланади.

Пацифистларнинг жаҳонда 33 та вақтли нашрлари бор эди. 1890 йилнинг бошларида улар 100 млн имзо йиғиб (10 та Европа давлатларидан) уни жаҳон петицияси деб атадилар.

Гаага конференциясига жўнатди, петицияда тинчликни сақлаш учун аниқ вазифалар белгилаш талаб этилган эди. Ҳар икки уч йил ичида халқаро тинчлик конгресси ва пацифистларнинг парламентлараро конференциялари ўтказилиб турди. 1912 йилда Женевада бўлган XIX-жаҳон тинчлик конгрессида 600 делегат пацифистларнинг XVII чи парламентлараро конференциясида 16 давлатдан 200 та парламентчилар қатнашди.

Конгресс ва конференция қатнашчилари барча агрессия ва зўравонлик актларини қораладилар ва бу Гаага конференциясини бузиш деб ҳисобладилар. Улар халқларнинг тенг ҳуқуқларини, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини, уруш бошланган давлатлари қўлламаслик, ҳаво ҳужумларини таъқиқлаш, ишчилар ҳаракатини қўллаб-қувватлашни талаб қилдилар. Пацифистлар ҳаракати жаҳонда кенг тан олинди.

1901 йилдан 1911 йилгача пацифист ҳаракатини тарғиб қилишдаги хизматлари учун 15 киши, жумладан Т.Рузвельт (Рус-Япон тинчлик шартномасини тузишдаги хизматлари учун) ва иккита халқаро ташкилот Нобель мукофотиغا сазовор бўлдилар. Гарчи

бу ҳаракат 1914 йилда бошланган жаҳон урушини йўқ қилмаган бўлсада, уларнинг ғоялари ва таржрибаларини унутиш мумкин эмас.

Халқаро муносабатлар ривожига жаҳон мамлакатлари ички ташкилотларнинг халқаро бирлашмаси II-интернационал сезиларли таъсир кўрсатди. Бунинг тузилишига индустриал ишлаб чиқаришнинг ўсиш сабаб бўлди.

XIX аср охирида индустриал ишлаб чиқаришда 40 млн киши 1914 йилда эса 70 млн ишчи қатнашди. II-интернационал таъсирида касаба уюшмалари сони ҳам ортди. Унинг аъзолари 2 млн кишидан ошди. 1889 йил июлда Парижда халқаро социалистик конгресс бўлиб, унда 20 та давлатдан ишчи вакиллар қатнашди, конгресс 1 майда умумий йиғилишлар ўтказиш 8 соатлик иш куни, иш шароитини яхшилаш талаб қилишга келишилди. II- интернационал тузилди.

Интернационал лидерлари барча меҳнаткашларнинг бир қисмигина унда қатнашаётганлигини сезмадилар. Улар 1914 йилда бошланган жаҳон урушининг олдини олишга ўзларида куч топмадилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Сборник договоров России с другими государствами 1856-1917 М., 1952.
2. История Европы: В5 т 1996-2000 Т.5
3. Виноградов К.Б.Мировая политика 60-80 годов XIX века: события и людиЛ., 1991.
4. Данилевский Н.Я. Россия и Европа СПб, 1995.
5. Жогов П.В.Дипломатия Германии и Австро-Венгрии и первая Балканская война. 1912-1913 г. М., 1969.
6. Кривогуз И.М. Второй интернационал 1889-1914 М., 1984.

5-МАВЗУ: 1914-1918-ЙИЛЛАРДА БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА УМУМИЙ КРИЗИСНИНГ БОШЛАНИШИ

Асосий саволлар:

1. Июл кризиси. Жаҳон урушининг сабаблари унда қатнашаётган давлатларнинг мақсадлари.
2. 1915-1916 йиллардаги жанглар ва дипломатик кураш.
3. Урушда қатнашаётган давлатларнинг ички аҳволи.
4. Россияда инқилоб ва жаҳон урушида янги даврнинг бошланиши.
5. Тўртлар иттифоқи мағлубияти ва жаҳон урушида қатнашаётган империянинг парчаланиши.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқиш сабаблари ва унда қатнашаётган давлатларнинг мақсадлари. Июл кризиси. 1915-1916 йилларда жаҳон урушининг бориши ва дипломатик курашлар. Урушаётган давлатларнинг ижтимоий иқтисодий аҳволи. Россиядаги 1917 йилги инқилоб ва жаҳон урушида янги даврнинг бошланиши. Тўртлар иттифоқининг жаҳон урушида мағлубиятга учраши сабаблари. Жаҳон урушида қатнашган империяларнинг парчаланиб кетиши ва Жаҳон кризисининг давом этиши.

Европа давлатларининг кенг масштабда қуролли тўқнашуви кўпчилик замондошлар учун қутилмаган ҳодиса бўлиб қолди. Серб ватанпарвари Гавро Принцип 1914 йил 28 июнда Боснияда Австрия-Венгрия армияси ҳарбий машқларида қатнашаётган Эрцгерцог Франц Фердинандни Сараевода отиб ўлдирди.

Австрия-Венгрия ва Германия давлат раҳбарлари бу воқеадан фойдаланиб, Серблардан ўч олиш учун қулай фурсат деб билдилар. Австрия-Венгрия Сербиянинг мустақиллигини тугатишга олиб келадиган талаблар қўйди. Сербия талабларнинг асосий қисмига рози бўлса ҳам, 28 июлда Сербияга уруш эълон қилинди.

Россия ўзида ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди. Германия сафарбарликни тўхтатилишини талаб қилди. Россия жавоб бермагач Германия 1 августда Россияга уруш эълон қилди. 2 августда Германия Францияга уруш эълон қилди ва Бельгиянинг бетарафлигини оёк ости қилиб, Бельгия орқали Францияга юриш бошлади. Англия Бельгияни ҳимоя қилиб чиқди ва 4 августда Германияга қарши уруш эълон қилди.

Шундай қилиб, Европада буюк давлатларнинг қонли жаҳон уруши кетди. Бу урушга буюк давлатлар доминионлари ва мустамлакалари ҳам тортилди. Жаҳон уруши дунё миқёсида либерал-капиталистик цивилизациянинг кризиси эди. Британия министри Э.Грей "Бугун Европада қора чироқ ўчирилди. Бизнинг авлод унинг яна қачон ёритилишини кўрмайдилар"-деган эди.

Биринчи жаҳон уруши сабаби-молия олигорхияси манфаатларини ҳимоя қилган Европадаги буюк давлатларнинг ўзаро тўқнашуви оқибати бўлди.

— 1871 йилда йўқотилган майдонларни қайтариш давлат чегараларини Рейнга кўчирмасдан туриб француз халқининг ўз талаблари қондирилмас эди.

— Германияга зарба бермасдан туриб, инглиз халқи манфаатлари ҳам қондирилмас эди.

— Герман рақобатига зарба бермасдан, славянларни, Австрия

— Венгриядан ҳимоя қилмасдан Болкондан то қораденгиз бўғозларигача ўз таъсирини ўтказмасдан Россиянинг ривожланиши мумкин эмас эди.

— Немис халқи тараққиётини, унинг асосий рақиби Англияга зарба бермасдан, Францияни тор-мор келтирмасдан, Германия атрофида (Марказий Европада) давлатларни бирлаштирмасдан туриб, Россиянинг Европа қисмидаги ерларни босиб олмасдан туриб, таъминлаш мумкин эмас эмас деб ҳисобланди.

— Австрия-Венгрия халқи, агар Болкондаги панславян халқлари ҳаракати бостирилмаса, уни асосий таянчи-Россияга зарба бермаса тинч яшаши мумкин эмаслиги асосланди. Урушаётган давлатлар ўнг кучлари шу мақсадлар йўлида бор имкониятларини тўплаш, социалистик ва оппозицион кучларни тор-мор қилишга шошилдилар.

Зиддиятларнинг рақибларини океан ортидаги ерлари ҳисобига ўз нафсларини қондириш, Яқин-шарқ, Хитой ва Африкада ўз таъсири доираларини кенгайтириб боришни унутмаган бўлсалар ҳам.

Буюк давлатлар манфаатларига бир хил баҳо бериш қийин масала ҳисобланади. Уларнинг миллий манфаатлари династия ва олигархиянинг иззат-нафси билан қоришиб кетган эди. Бунга Германия, Австрия-Венгрия ва Россияни мисол келтириш мумкин.

Сўзсиз бу мақсадларга эришишнинг империалистик ва жиноий чораси уруш эди. Масалаларни ҳал қилишнинг бу йўлини танлаган буюк давлатлар ўнг гуруҳлари асосий жавобгар ҳисобландилар, чунки урушсиз ҳам ҳал қилиш мумкин эди.

Адолатли уруш фақат ўзларини сақлаб қолишга мажбур бўлган Бельгия ва Сербияга хос эди. Европадаги буюк давлатлар

аҳолисининг кўпчилиги урушни истамас эди, аммо унн гуруҳлар уларнинг ҳам бир қисмида миллатчилик, ҳатто шовинистик кайфиятини ҳам уйғота олган эдилар. Улар рақибларининг салбий томонлари уруш бўлишига олиб келганлигини тарғиб қилдилар: Германияда милитаризм, Францияда-реванизм, Англияда- гегеонизм ва маккорлик, Россияда-Чоризмнинг реакционлиги, Австрия-Венгрияда славянларни эзиш, зулм қилиш сабаб қилиб кўрсатилади.

Диндорларнинг дуолари ҳам, пацифистларнинг чақирқиқлари ҳам, социалистларнинг намоёишлари ҳам урушнинг бошланишини тўхтатиш имконига эга бўлмади. Урушга қарши шиорлар, миллатчилик ва шовинистик ҳаракатлар шовқини остида қолиб кетди. Францияда урушга қарши курашнинг етакчи лидерларидан бири Жорес миллатчилар томонидан отиб ўлдирилди.

Барча мамлакат ҳукуматлари урушга қарши ҳаракатлар пайини қирқди. Кўпчилик демократик ва социалистик ҳаракат лидерлари ҳақиқий миллий манфаат билан миллатчилик нафсонияти ўртасидаги фарқни англаб етмадилар. Кўпгина давлатлардаги кўпчилик лидерлар ўз ҳукуматларини, қўллаб-қувватладилар: Герман рейхстагида социал-демократик Франция уруш кредитларини ёқлаб овоз бердилар ва касаба уюшма раҳбарлари билан аҳолини "фуқаро тинчлиги шиори остида ҳукумат атрофида жипслашишга чорлади.

Австрия социал-демократлари раҳбарлари ҳаммаи "Чоризмга уруш очишга чақирди. Франция социалистлари парламентда уруш кредитларини ёқлаб чиқдилар ва бошлиқлари ҳукумат таркибига кирдилар. Англия тредюнионлари "саноатга тинчликни эълон қилган бўлса, айрим социалистик ҳаракат арбоблари халқни "Герман империализмга қарши курашга" чақирдилар. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг миллий давлатчилиги пролетар интернационализмидан бирмунча устун эканлигини кўрсатди. Бу II-Интернационалнинг ҳалокатини ҳам билдирар эди. Фақат Россия большевиклари бу урушни фуқаролар урушига айлантириш, империалистик ҳукмронлигини ағдариб ташлашни тарғиб қилган бўлса, бунга муносабат билдириш учун икки йил вақт ўтди. Бу вақтда уруш кучайиб бормоқда эди: Август охирида Япония Германияга уруш эълон қилди. Япония Германиянинг Узоқ Шарқ ва Тинч океанидаги мустамлакаларини босиб олди. Кузида Усмон империяси қора денгизга Германия ҳарбий кемаларининг кириб келишига рухсат берди. Антантага қарши урушга кўшилди.

Антанта армиясининг бир қисмини Закавказьега кўчиришга мажбур бўлди. Россия иттифоқчиларидан узилиб қолди (қора денгиз бўғозларида немислар турар эди). Антанта Мисрни Усмон империясига қарши қўйишга муваффақ бўлди.

Умуман олганда, Антантанинг одам ва моддий ресурслари Германия ва Австрия-Венгрияникидан бир неча марта устун эди: сафарбарликдан сўнг Антанта ҳисобида салкам 11 миллион жангчи бўлиб, унинг деярли 5,5 миллион жангчиси Россияники эди. Германия ва Австрия-Венгрия жангчилари биргаликда 6,1 миллион киши эди. Аммо Австрия-Венгрия блоки Антантанинг тарқалиб кетишига умид қилар ва ўз кучларининг жипс жойлашганлиги ва сафарбарлигини тез таъминлаш имкониятларига таяниб, рақибларни тезда якка-якка тартибда мағлуб қилишга шошилар эди ва катта-катта қурбонлар бериш эвазига жангни давом эттирар эдилар.

Немислар генерал Шлиффен ишлаб чиққан режа асосида урушни давом эттирдилар. 10 та корпус Францияга қарши ташланди. Бу ерлардаги армиянинг 3/4 қисми ўнг флангага тўплашган эди. 3 hafta ичида немислар Бельгия ерларида французларни янчиб унинг чегараларига етиб борди. Немислар Марна дарёсидан кечиб ўтиб сентябрда Верден қалъасига етиб келди ва Парижга йўл очилди. Франция ҳукумати Париждан кетди.

Франциянинг илтимоси билан тайёр бўлмаган рус армияси Шарқий фронтда хужумга ўтди ва икки рус армияси Шарқий Пруссиянинг анчагина қисмини эгаллади. Немислар гарбий фронтдан 2 та ўқчи корпус ва отлик дивизиясини Шарқий Пруссияга ташлашга мажбур бўлди. Россиянинг бир неча армияси Жанубда жанглари давом эттирди ва Австрия-Венгрия армиясини енгиб Перемишь қалъасини (Пшемиель) қамал қилди, ҳамда Австрияга қарашли Польша ва Галиция ерларининг бир қисмини эгаллади.

Немислар Варшавага ёрдамга келди, аммо руслар уларни 100 км масофага улоқтирди ва Германия саноат марказлари Силезия ва Познанга хавф солди. Рус армиясига қурол-яроғ, озиқ-овқат етишмас эди. Германия яна Франциядан 6 корпусни русларга қарши ташлади.

Франция бу имкониятлардан фойдаланиб, Марнада немисларга қаттиқ зарба берди ва немислар орқага чекинишди ва Франция катта хавфдан қутилди. 1914 йилда немис, Австрия-Венгерларнинг Шарқдаги хужумлари ҳам ҳалокатли бўлди. Жанубий Польша жанглари уларнинг мағлубияти билан тугади.

Немислар гарчи Бельгия ва Франциянинг 10 та департаментини ўз қўлларида сақлаб турган бўлсалар ҳам, Шлиффеннинг яшин тезлигида уруш "блиц-криг" режаси чиппакка чиқди. Немислар ҳарбий ва шарқий фронтларда бир вақтда жанг олиб боришга мажбур бўлдилар. Германия бош штаби бошлиғи Мольтке Фалькенгайн билан алмаштирилди. Шарқий фронт бошлиғи этиб жасур Гинденбург тайинланди (у жасурлиги билан ном чиқарган эди).

Германия ва Австрия-Венгрия раҳбарлари 1915 йил ёзигача Россияни мағлуб қилишни режасини ишлаб чиқдилар ва бутун

армиясининг ярмидан кўпроғи жанубда эса Усмон армиясини Россияга қарши қўйди. Немислар Шарқий Пруссияда, жанглари олиб бориб, августда Варшавани қўлга киритдилар. Немислар ғарбий Фронтида француз-инглиз армияси қарши курашни давом эттирди. Улар шимолий Кир дарёси бўйидаги жангда янги химиявий қурол-газ ишлатдилар. Бу Гаага конгресси қарорларига зид эди. Кузга келиб немис-австрия армияси бутун Польшани эгаллашди, ҳамда Болтиқ бўйини бир қисмини эгаллади ва шу ерда тўхтади. Россияни таслим қилиш режаси амалга олмади.

1915 йилда Германия Англияни ҳам тор-мор қилишни режалаштирди ва 1915 йил февралдан сув ости урушини бошлаб юборди. Англияга бораётган давлатларнинг (бетараф бўлса ҳам) ҳарбий ва граждон кемаларига қарши ҳужумини кучайтирди.

1916 йил январгача 700 дан кўпроқ ҳарбий ва пассажир кемаларини экипаж ва пассажирлари билан чўктириб юборилди. Бундан бутун давлатлар норози бўлди. Германия пассажир кемаларига огоҳлантирмасдан ўт очишдан воз кечишга мажбур бўлди. Англия ўз кемалари хавфсизлигини кучайтириб немислар сув ости уруши имкониятларини чеклади.

1915 йилда Италия атрофида дипломатик кураш кучайди. 1914 йилда Италия ўнг гуруҳлари Австрия-Венгрия томонидан урушга киришни рад қилди. Сабаби Австрия-Венгрия унинг территория масаласидаги манфаатларига ва Болқондаги мавқеининг мустаҳкамланишини истамас эди. Бунинг устига унинг атрофида Антантанинг кучли фронти турар эди. Антанта давлатлари Италияга бировлар ҳисобидан территория беришни ваъда қилди ва катта кредит берди. Натижада Италия Антанта томонидан туриб 1915 йил майда Австрия-Венгрияга 1916 йил августда Германияга уруш эълон қилди. Италия армияси мағлуб бўлган бўлса ҳам, ўрта ер денгизи Германия блоки учун ёпиқ эди.

Германия блоки Болқонда шароитни ўзгартириш учун Болгарияга Сербияни бир қисмини, Греция, Руминия ва Туркиядан жой олиб беришни ваъда қилди. Сентябрда Болгария Антантага қарши урушга кирди. Шундай қилиб, Германия, Австрия-Венгрия, Усмон империяси ва Болгариядан иборат тўртлар иттифоқи ташкил топди. Натижада Берлин, Венаи Стамбул ўртасида Болқон орқали тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилди.

Антанта таъсирида Греция ўз территориясига инглиз-француз, серб армияларининг Болқонда Салоникига ўтказиш имкониятига эга бўлди. Немислар 1916 йилда Францияни тор-мор келтириш

учун зўр бериб ҳарбий кучларини камайтирди ва 12 дивизия кўп миқдорда артиллерия тўпларини йиғди. 1916 йил 21 февралда Верденга хужум бошлади. Жанг танаффуссиз июл бошларигача давом этди. Бу жанг немислар кутган ғалабани бермади. Франция ҳарбий қўмондони ўз солдатларини ўлгунча туришга буйруқ берди.

1916 йил июнига келганда руслар Шарқий фронтда жанглариини давом эттириб, Галициянинг бир қисми, Буковинани эгаллаб, Карпатга етиб келди. Немислар ҳарбий фронтда бир нечта қисмларнинг Шарқий фронтга ташлашга мажбур бўлди.

Немисларнинг Вердендаги натижасиз хужуми ва руслар ғалабалари Руминияни ўз сиёсатида бир қарорга келишга олиб келди Антанта Руминияга кредит ва Австрия-Венгрияда руминлар яшайдиган территорияларини ваъда қилгач, Антанта дипломатияси ваъдалари асосида 1916 йил августда Австрия-Венгрияга қарши урушга қўшилди. Аммо, руминлар мағлуб бўлиб, ўз территориясини тўртлар иттифоқи томонидан босиб олишга олиб келди. Россия Руминияга ёрдам юборди.

1916 йил июл ойида француз-инглиз армияси Сомма дарёси хавзасида немисларга қарши хужум бошладилар. Сентябрда инглизлар Сомма жангида биринчи марта танк ишлатдилар. Йирик ғалабалар бўлмади, фақат немисларнинг Верденга бўлган ҳарбий ҳаракатлари сусайтирилди, холос.

Икки йилдан ошиқроқ вақтдан бери давом этаётган урушда 4,6 млн дан ортиқ киши ҳалок бўлди, ундан кўпи эса мажруҳ бўлди. 10 миллионлаб одамлар уруш жабрини тортдилар. Уруш кўрилмаган даражада бойликларни ютиб юборди, жойлар хувиллаб қолди. Давлатлар ҳар куни жуда кўплаб бойликларини, одам ресурсларини урушга ташлади.

Европадаги бетараф давлатлар Швейцария, Испания, Голландия, Дания, Швеция ва Норвегиялардан урушувчи давлатлар хом-ашё, озик-овқат олдилар.

Уруш кучайиб борди ва унинг ниҳояси кўринмас эди. У Черчилль "Жаҳон кризиси" номли асарида (Жаҳон урушини шу ном билан атаган эди). 1914 йилда бошланган урушни бошқариш мумкин бўлмай қолди. У халқлардан жуда кўп меҳнат ва қурбонлар талаб қилганлигини таъкидлаган эди.

Уруш миллионлаб одамлар тақдири, буюк давлатлар тақдирини карта устига қўйди ва тасаввур қилиш қийин оқибатларга олиб келди.

— Барча давлатлар ўнг гуруҳлари мамлакат ичкарисидаги барча сиёсий кучларни максимал даражада жипслаштиришга ҳаракат қилдилар. Францияда "муқаддас бирлик" сиёсати, Англияда кенг

қўламда каолицион ҳукумат тузиш, Германия ва Россияда ҳукуматни қўллаш учун парламентда турли фракциялардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Австрия ва Парламентга ишончсизлик билдириб тарқатиб юборилди.

— Урушаётган давлатлар ўнг элита ва жамоатчилик таъсирида кучсизланиб қолган ҳукуматлар фаолиятини қайта қурдилар ёки алмаштирдилар.

Шу мақсада Францияда Р.Вивиани ҳукумати 1915 йилда А.Бриан ҳукуматига, Англия 1916 йилда Г.Асквита ҳукумати ўрнига Д.Ллойд Жорж ҳукумати келган бўлса, Россияда император министрлар совети раиси И.Горемикин ўрнига, Б.Штюрмер сўнгра Н.Голицин келди. Австрия-Венгрияда вазият кескинлашди. 1916 йил октябрда бу ерда министрлар совети раиси К.Штюрк ўлдирилди, 1916 йилда вафот этган франц Иосиф ўрнига Карл император бўлди.

Жамиятни жипслаштириш учун ҳамма ерда, ҳатто Англияда ҳам фуқаролар ҳуқуқларини чеклади, матбуот эркинлиги, йиғилишлар, иш ташлашлар ва бошқалар чекланди. Ватанпарвар кучлар ҳамма ерда полиция ва судлар йўли билан қўриқланди. Австрия-Венгрия, Германия ва Россияда маҳаллий ҳокимиятдан ҳам фойдаланилди. Улар мавжуд тузумга режимга қарши кучлар ҳаракатини бостирдилар.

Россияда урушга қарши чиққан депутатлар қамалди ва сургун қилинди, халқ ҳаракатлари шафқатсиз бостирилди. 1916 йил баҳорида Ирландияда мустақиллик учун бошланган чиқишлар (Дублинда) қурол кучи билан бостирилди.

— Урушаётган давлатларда "Ҳаммаси ғалаба учун!" шиори кенг тарқалди. Зўр бериб қуролланди. Махсус давлат органлари ҳамма ерда стратегик хом-ашё ва ҳарбий буюртмалар устидан қаттиқ назорат ўрнатдилар. Аҳоли учун озик-овқат, моллар ишлаб чиқаришнинг кескин камайганлиги сабабли, уларни тақсимлаш устидан ҳам назорат кучайтирилди.

Давлат органлари билан саноат ва молия капитали бирлашиб борди ва ҳарбий давлат монополистик капитализми лайдди бўлди.

Бу система монополиялар учун ҳарбий ишлаб чиқаришни, банкирлар учун фойдани яратиб берди ва коррупция билан боғланиб борди. Аммо, халқнинг урушга қарши чиқишлари барча урушаётган давлатларда давом этди. Айниқса Россия ва Германияда оммавий тус олди.

— Германияда моддий бойликлар кам бўлса ҳам, бу ерда қаттиқ тартиб, меҳнат, тақсимот ўрнатилиши натижасида у ўз блокада етакчи ўринда борди.

— Австрия-Венгрияда бундай эмас эди. Чунки 1915 йилдан бошлаб бу ерда миллатлараро низо, жанжаллар кучайди, бундай ҳолат Усмон Империяси ва Болгарияда ҳам такрорланди.

— Таъминот қийинчиликлариға қарамай Франция ва Англияда

ишлаб чиқариш қулай шароитларда ўсиб борди. Бу давлатлар доминионлари, мустамлакалари, ҳатто АҚШ ва бошқа давлатлар ресурсларидан ҳам фойдаландилар. Бу ерларда ички қарама — қаршилиқлар Германия, Австрия-Венгриядагидек ўткир бўлмади. Бундай имкониятлар Италияда йўқ эди.

— 1916 йил охирига келганда ярим индустриал-Россияда, ярим замонавий Самодержавия ғалабага ҳам, урушдан чиқишга ҳам лаёқатли эмаслиги аниқ бўлиб қолди.

— Урушда катта йўқотишлар, ғалабага эришиш мумкинлигининг мавҳум эканлиги, ички зиддиятларнинг ўсиб бориши пацифистлар активлиги, баъзи ўнг гуруҳ лидерларини ўйлашга мажбур қилди. Улар орасида 1915 йилдан бошлаб урушни тўхтатиш ва компромисс асосида тинчлик ўрнатиш масаласи чиқа бошлади. Жумладан, Николай II атрофидагилар Австрия-Венгрия билан Сепарат сулҳ тузишни таклиф қилдилар. Жаҳон мамлакатлари парламентларида ҳам бу сўзлар қатъийроқ янграй бошлади.

Германия бош ҳарбий штаби бошлиқлари ҳам Гинденбург ва Людендроф ҳам ахволининг ниҳоятда оғирлигини эътироф этдилар ва музокалар олиб боришга майл билдирдилар.

Германия ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун 1916 йил ноябрда Польшанинг мустақиллигини тан олди. Германия тинчлик музокаралари олиб борилишига рози эканлигини, аммо қўлга киритган ерлари ўзида қолиш шартини қўйди.

Антанта Германиянинг таклифини рад этгач, Германия сув ости урушини яна бошлаб юборди ва зўр бериб қайта тайёргарлигини кучайтирди. Англия ҳам барча кучларини сафарбар қилишга киришди.

Ўнг гуруҳлар уруши давом эттириш хавfli эканлигини билсалар ҳам, ўзлари кўзлаган мақсадларига эришиш йўлидан қайтмадилар. Уруш жуда даҳшатли тус олиб борди. Уруш давлатлар ичидаги вазиятни кескинлаштирди. Бу айниқса Россияда кенг намоён бўлди.

1917 йил март ойларида подшо ҳокимиятдан кетди. Россия давлат Думаси муваққат комитети ва Петроград ишчи солдат депутатлари совети ҳокимиятни эгаллади. Муваққат ҳукумати тузилди. Ҳукуматга Г.Львов кейинчалик А.Керенский бошчилик қилди. Янги ҳукумат урушни ғалабагача олиб боришни билдирди.

1917 йил ноябр бошларида (эски ҳисоб билан 25 октябр) большевиклар қуроли кўзғолон билан ҳокимиятни эгалладилар ва бутун Россия советлар съезди совет ҳокимияти ўрнатилганини эълон қилди ва янги ҳукумат ҳалқ комиссарлари Совети тузилди. Янги ҳукумат урушдан чиқди. Россияда фуқаролар уруш бошлаб кетди. Бу даврда Россиядан Финляндия, Польша, Литва, Латвия, Эстония

сўнгра Грузия, Арманистон ва Озарбайжон мустақил республикалар бўлиб ажралиб чиқди. Украина мустақиллик учун кураш олиб борди.

Германия ўз армиясининг асосий қисмини Англия ва Францияга қаратди. 1917 йилдан бошлаб АҚШ ҳам Германияга қарши урушга қўшилди. АҚШ Антанта давлатларига кредитлар берди. Мексикада немислар АҚШга қарши юритган сиёсат АҚШнинг урушга қўшилишига сабаб бўлган эди. Германияга Яна 14 та Лотин Америкаси мамлакатлари, Хитой, Сиам ва Либериялар ҳам уруш эълон қилди.

Урушаётган давлатлар одам ресурсларининг 15% дан 20% гача урушга сафарбар қилинган бўлса, қолганлари ҳам уруш учун хизмат қилди. 1917 йилда бутун мамлакатларда урушга қарши стачкалар, иш ташлашлар солдатларнинг урушдан қочиши, авж олди. Солдатлар фронтларда душман солдатлари билан дўстлашиб бордилар. Германияда 1917 йил апрелда 300 мингдан ортик ҳарбий заводлар ишчилари иш ташладилар.

1917 йил ёзида иш ташлашлар Австрия, Францияда, Италияда бўлиб ўтди. Улар социалистик инқилобни ёқлаб чиқдилар. Жанглар давом этар эди. 1917 йил апрелда Француз бош қўмондони Нивел ҳарбий фронтда 110 дивизия билан немисларга қарши жангга кирган бўлсада, сезиларли ғалабага эришмади. Жангда 200 га яқин танк ва 1000 самолёт қатнашган эди.

Германия сув ости урушини давом эттирди ва 1917 йилга келганда 2734 та кемани чўктириб юборди. Англия Франция билан биргаликда немислар сув ости урушига қарши курашни кучайтирди. Германия денгиздан қамал қилинди. Германия оғир шароитда қолди, Англия ва Францияга нисбатан АҚШ эса ўз кучларини Европадаги майдонларига юборишни давом эттирди.

Большевикларнинг социализм бутун жаҳонда ғалаба қилади деган умидлари пучга чиқди. Ватанпарварлик тинчликка миллионлаб одамларнинг интилишини улар социализмга боғладилар. Кўпчилик одамлар совет Россиянинг тўртлар иттифоқи билан тузган шармандали битимини бу ерда ўрнатилган-диктатура, террор, ҳарбий коммунизм, фуқаролар уруши вайронагарчиликдан ларзага келдилар. Россиядаги бу реал ҳаётни социал-демократлар муҳокама қилдилар, улар инқилобсиз тинчлик ўрнатишни ёқлаб чиқдилар. Россия трагедиясидан милитаристик Австрия-германия блоки ҳамда Антанта Либераллари ўз мавқеини мустаҳкамлашда фойдаландилар.

Анна шу даврда жаҳонда тинчлик ўрнатишнинг янги большевикларнинг инқилобий ўзгаришларига қарши-программаси АҚШ президенти В.Вильсон томонидан илгари сурилди. Вильсон 1918 йил январда АҚШ конгрессига 14 та тезисдан иборат нома юборди. Номада АҚШ лидери Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат асосларини либерал тарзда баён қилди.

Вильсон олдиндан оммабоп бўлган шиорни-адолатли тинчлик сулҳи унда ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмасин, мағлуб бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзлари ҳал қилиши, аммо уни инқилоб ва социализмсиз ҳал этишни таклиф қилди. Бунда германияни ўзи босиб олган ерлардан маҳрум қилади. Австрия-Венгрия ва Россия империяси парчаланди. Вильсон ҳамма учун тенг эркин савдо қилиш, денгизда сузиш ҳуқуқи берилишини таъқиқлади. Бу Антанта давлатларининг ўз мустамлакаларидаги ва таъсир доираларига салбий таъсир кўрсатар эди. АҚШ Айни шунга интиломда эди. Ниҳоят, Вильсон адолатли тинчликни сақлайдиган универсал давлатлараро ташкилот Миллатлар Лигасини ташкил этишни таклиф этди. Вильсон таклифлари АҚШнинг халқаро оғрусини кўтарди.

1918 йил мартада Франция ерларида 300 минг Америка солдатлари бор эди. Германия Россия билан Брест сулҳини тузгач, бутун кучини ғарбий Фронтга қаратди. 32 та инглиз дивизиясига қарши 62 немис дивизияси ташланди (Пикардида).

Иттифоқчилар армияси қўмондони генерал Ф.Фош ўз ихтиёридаги қўшимча кучлар ёрдамида ҳалокатдан қутилиб қолди. Герман армияси май, июн ва июл ойларида кучли учта операция ўтказиб Марна дарёсига етиб келди ва Парижга 70 км қолди. Аммо французлар немислар хужумини қайтариш билан бирга ўзлари хужумга ўтди. 1918 йил 8 августда Амьенда бўлган жангда немислар катта талофат берди ва бу немис солдатларининг маънавий руҳиятини тушириб юборди. Людендорф бу кунни немислар учун "Герман армияси учун қора кун бўлди" деган эди.

1918 йил августдан жанглар Антанта фойдасига ҳал бўла бошлади. Антанта армияси душмандан сони, ташкил этилиши ва қуролланиши жиҳатидан устунликка эришди. Антанта армияси Болконда ҳам фронтни ёриб ўтдилар. 29 сентябрда Болгария енгилганлигини тан олди. Бу тўртлар иттифоқининг инқирози эди.

1918 йил сентябр охирида француз-инглиз Америка бирлашган армияси бош қўмондони генерал Ф.Фош ғарбий фронтда немисларга катта талофат берди. Немислар қаршилиги синдирилди. 1918 йил 5 октябрда Германия ҳукумати яраш тўғрисида битим тузишга розилигини билдирди.

1918 йил сентябрда инглиз армияси Фаластинда, Франция армияси эса Македонияда турк армиясини тор-мор келтирди. 30 октябрда турк султони таслим бўлди. "Ёш турклар" қочиб кетди. Айнан олганда, Усмон империясининг мавжудлигига хотима берилди. Истамбулда Антанта ихтиёрида бўлган турк ҳукуматига ҳеч ким буйсунмас эди. Ватанпарвар кучлар Туркия мустақиллигини сақлаб қолиш учун кураш олиб бордилар. 1918

йил сентябрда Болгарияда солдатлар қўзғолони бошланди. Австрия-Венгрияда парчаланиш бошланди. 1911 йил сентябр бошларида Зегребда славян хорват ва сербларнинг халқ вечаши бўлди ва кўп ўтмай серб, хорват ва славян короллиги Югославия тузилди. 1918 йил эълон қилдилар. Октябр охирида Чехословачия Республикаси тузилганлиги, Венгрия ва Австрияда монархия афдарилгани ва мустақил давлатлар ташкил этилгани эълон қилинди.

Бу миллий инқилоб бўлиб, унда ҳал қилувчи роли Либераллар, демократлар ва социал-демократлар уйнадилар. Германияда ҳам тинчлик шартноаси тузилмасдан туриб, инқилоб бошланди ва бу ноябр инқилоби номини олди. 1918 йил 3 ноябрда Килда матрослар бошлаган қўзғолон бутун мамлакатга ёйилди. Ҳамма орди (Германия) маҳаллий монархлар афдарилиб, Советлар тузилди. 9 ноябрда Кайзер мамлакатни ташлаб кетди (император Вильгельм 11) Социал-демократ К.Либкнехт Германияни социалистик давлат деб эълон қилди. 1918 йил 11 ноябрда Компьен ўрмонидаги ретонд станциясида турган генерал Ф. Фош вағонида Германия вакиллари яраш битимини имзолади, Германия урушда мағлуб бўлганлигини тан олди. У бутунлай босиб олган ерлари ва мустамлакалардан ажралиб, ғолибларга ҳамма ҳарбий қурол-яроқларини топширди. Рейннинг чап қирғоғида ва бошқа бегона ерлардан армиясини олиб кетди, фақат Россияда армияси қисмлари қолди, улардан Россиядаги инқилобга қарши курашда фойдаланилди.

Польша ватанпарварлари яна Польшани мустақил давлат деб эълон қилдилар. Латвия ҳам мустақил бўлди. Совет Россияси Брест-Литовск шартномасини кучини йўқотган деб ҳисобладилар.

Биринчи жаҳон уруши ва 1917 йилда инқилоблар жаҳон тараққиётида кризис даврини бошлаб берди. Инқилоб бу кризисини бартараф қилишга ҳаракат қилди, аммо ҳал этилмади.

Жаҳон уруши пайтларида 10 млн. дан ортиқ жангчи ўлдирилди. ҳарбий ҳаракатлар ва террор натижасида 13 млн фуқаролар халок бўлди, ярадорлар сони 20 млн.га етди ва уларнинг кўплари майиб бўлиб қолган эди. Уруш даврида 9 млн боланинг ота-онаси вафот этди. Уруш йилларида 3 млн киши асирга олинди, 10 млн киши қочоқларга айланди. Энг камида уч авлод вакиллари уруш оқибатлари таъсирида қолдилар. Уруш олиб бориш жараёнида қурол аслаҳа, ўқ-дори умуман ўлдириш ва вайрон қилиш учун уруш қатнашчилари 240 млрд. доллардан кўпроқ маблағ сарфлади.

Йўқотиш ва вайрон қилиш шу даражада кучли бўлдики, унга сарфланган материаллар қиймати, уруш ҳаракатлари қийматидаги

баланд эди, у 350 млрд долларни ташкил этди. Уруш кўп давлатлар иқтисодиётини ютиб юборди, катта территориялар бўшаб қолди, юзлаб шаҳар ва қишлоқлар, кўприк ва йўллар, катта миқдорда маданий ёдгорликлар йўқотилди, кўплари қайта тикланмади.

Мағлубият ва инқилоб тўрт империяни Россия, Германия, Австрия-Венгрия ва Усмон империясини йўқ қилди. Янги мустақил давлатлар ташкил топди. Финляндия, Литва, Эстония, Чехословакия, Польша, Латвия, Югославия Грузия, Арманистон, Озарбайжон ҳамда Австрия ва Венгрия.

Бу давлатларда халқларнинг эркинлик ва демократия сари боришга қулай шароит туғилди. Англия ва Франциянинг Германия билан бўлган қарама-қаршиликлари ғолиблар фойдасига ҳал этилди. АҚШ кучайиб ўз таъсир доирасини кенгайтириб борди. В.Вильсон программаси АҚШ Жаҳонда етакчи мавқега чиққанлиги белгиси эди. Япония ҳам активлашди ва Германиянинг мустамлакаларини босиб олди ва Хитойда ўз таъсир доирасини кенгайтirdи.

Жаҳон тараққиётида Совет Россиясининг пайдо бўлиши янгилик бўлди. Большевикларнинг дунёни инқилобий қайта кўриш программасига бутун дунё мамлакатлари қарши чиқдилар.

Ниҳоят уруш даврида урушувчи давлатларнинг мустамлакаларидаги таъсири пасайди, уларда ватанпарвар кучлар ҳаракати кучайди, маҳаллий саноат ўсди, Айниқса Англия доминионлари ва Ҳиндистонда бу яққол кўринди. Худди шундай процесс Латин Америкаси ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам рўй берди. Аммо, жаҳон тараққиётидаги зиддиятлар бартараф этилмади. Бу зиддиятларни В.Вильсон Либерал-демократик асосда ҳал қилиш программасини илгари сурган бўлса, большевиклар инқилобий- социалистик йўл билан ҳал қилдилар. Кўпчиликни у ёки бу йўл ҳам қониқтирмади. Жаҳон кризиси давом этди.

АДАБИЁТЛАР

1. История Первой мировой войны/ под.ред И.И.Ростунова В 2 т. М., 1975 Т 1-2
2. Первая мировая война:политика, идеология, историография (под.ред. Б.Д.Козенко. Куйбъшев, 1990).
- 3.Первая мировая война и проблемм политического переустройства в Центральной и Юго-Восточной Европе (под.ред В.И.Беляева М. 1991).
4. Миловский М.П. Преступления империализма против человечество Л. 1966
5. Писарев Ю.А. Тайне Первой мировой войны: Россия и Сербия в 1914-1915 гг. М.,

МУНЖАРИЖА

Сўз боши

I-ҚИСМ

- 1-мавзу: Буюк Британия инқилоби ва парламент монархиясининг ўрнатилиши5
- 2-мавзу: Шимолий Американинг мустамлакага айлантирилиши, мустақиллик уруши ва АҚШнинг ташкил топиши 15
- 3-мавзу: Францияда абсолютизм кризиси, буржуа инқилоби, империя ва унинг халокати24
- 4-мавзу: АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва фуқаролар уруши38
- 5-мавзу: Мустамлакачилик империяларининг вужудга келиши ва ривожланиши49
- 6-мавзу: XVII ва XIX аср 60-йилларида халқаро муносабатлар..56

II-ҚИСМ

- 1-мавзу: Германия империяси бирлашишдан биринчи жаҳон урушигача68
- 2-мавзу: Фарбий, марказий ва шимолий Европадаги кичик давлатлар.....76
- 3-мавзу: Мустамлакачилик системаси ва доминионлар 85
- 4-мавзу: Европада кучлар нисбатининг ўзгариши ва ҳарбий блокларнинг тузилиши95
- 5-мавзу: 1914-1918 йилларда биринчи жаҳон уруши ва умумий кризисининг бошланиши107

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЁРМАТОВ ФАХРИДДИН

**“ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ
ЯНГИ ТАРИХИ” ФАНИДАН**

Ўқув методик мажмуа

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Мусаҳиҳ:

Ф.Ёрматов.

Ж.Шайматов.

М. Бегимкулова.

Теринга берилди 04.06.2013 йилда берилди. Босишга
10.06.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 30x42 1/8.

Офсет қоғози. Офсет усулида чоп этилди.

Шартли босма табоғи 3.3. Буюртма №260.

Адади 150. Эркин нархда

“Полиграф-Нашр” МЧЖ босмахонаси
Компютерига саҳифаланди ва чоп этилди.
Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 30-уй